

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯ
услубий қўлланма

Фарғона- 2005

Муаллифлар:

М.Абдуллажонова

М.Исакова

М.Зокирова

Ш.Рустамова

Масъул муҳаррирлар:

М.Г.Давлетшин – п.ф.д.профессор

Л.Ю.Абдуқодирова - ўқитувчи

Тақризчилар:

Н.Эркабоева - п.ф.н., доцент

К.Рахимова - п.ф.н., доцент

Мазкур қўлланма таълим-тарбиянинг педагогик психология асослари ва ўқитувчи шахсининг психологик хусусиятлари ҳақида илмий тушунчалар беради.

Бу қўлланма психологиянинг бакалавр йўналиши талабалари ва педагогика олийгоҳларининг барча йўналиш талабалари, коллеж ва мактаб ўқувчиларини қайта тайёрлаш ёки малака ошириш олийгоҳлари тингловчилари учун мўлжалланган.

К И Р И Ш

Ҳозирги кунимизда ёш авлоднинг маънавий баркамол қилиб тарбиялаш масаласи Республикамиз Президенти И.А.Каримов раҳбарлигида давлатимиз сиёсатининг устивор йўналиши сифатида кўрилмоқда. Шунинг учун ҳам ҳаётимизда «Таълим» ҳақидаги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» каби муҳим аҳамиятга молик бўлган айти долзарб ҳужжатлар яратилди. Бу талабларга муносиб жавоб бериш барча педагог ва психологларнинг бурчи ва вазифасидир.

Бунинг учун бўлажак педагог ва психологлар ушбу ҳужжатлар талаби бўлган таълим-тарбиянинг педагогик психологик асосларини яъни таълим жараёнида ўқувчи шахсининг психик тараққиётини, билимларни ўзлаштиришнинг асосий қонуниятлари ва интеллектуал фарқларни ҳамда тарбия психологияси асосида ўқувчи шахсининг шаклланишини, психик тараққиётини ва ўзи эгаллаётган касбига қўйилаётган талаб, эҳтиёжларни тўла англаш ҳозирги кунимиз мутахассисларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Айти шу зарурият ҳисобга олинган ҳолда ушбу ўқув қўлланма тайёрланди.

Педагогик – психология ўқув қўлланма миллий истиқлол ғоясини ёшлар онги ва қалбига сингдиришдек асосий вазифани амалга оширишда муносиб улуш бўлади. Сабаби, бу педагогик – психология фанининг мақсад ва вазифалари миллий истиқлол ғояси билан суғорилган. Бу китобни ўқиган ҳар бир ёш мутахассис, ўқувчи психик тараққиётини, унга таъсир қилувчи омилларни билган ҳолда уларда янги мотив ва установкаларни ҳосил қила олади, яъни янги жамиятнинг янги кишиси - «Комил инсон»ни шакллантириш каби буюк вазифага ўз ҳиссасини қўша олади деган умиддамиз.

МАВЗУ: ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ

РЕЖА:

1. Педагогик -психология фанининг предмети.
2. Педагогик -психология фанининг вазифалари.
3. Педагогик -психология фанининг принципи.

Педагогик психология ўқитиш ва тарбиялашнинг психологик асослари ҳақидаги фандир. Бунинг маъноси шуки, педагогик психология ўқувчилар томонидан билим, иқтидор ва малакаларни ўзлаштиришнинг психологик қонуниятларини ва шунингдек, ўқув тарбия жараёнида ўқувчилар шахсининг таркиб топишини ўрганадиган фандир.

Педагогик психология фани ўқувчилар шахсининг таркиб топишини ва уларни ўқитиш масалаларини ўрганар экан, биринчи навбатда болалар психологияси билан маҳкам боғлиқдир, чунки болаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олмай туриб, ўқувчилар шахсининг таркиб топишини, уларни ўқитиш ва тарбияланишининг психологик қонуниятларни аниқлаб бўлмайди.

Мактабда таълим - тарбия жараёнини тўғри, илмий асосда ташкил қилиш учун таълим жараёнини, кўникма ва малакаларни, фаол, мустақил ҳамда ижодий тафаккур жараёнларини таркиб топтиришни яхши билиш лозим бўлади. Биз ўқувчиларда “масса” ёки “қувват” деган физик тушунчани таркиб топтиряпмиз, деб тасаввур қилиб турайлик. Бунда кундалик ҳаётимиздаги оддий тушунчалар билан илмий тушунчалар ўртасидаги ўзаро муносабат ва ўзаро боғланишларнинг умумий қонуниятларини билиш лозим. Бундан кейин тушунчаларни таркиб топтиришда ҳиссий негизга қай даражада таяниш лозимлигини, қайси пайтда кўрғазмалиликдан ва якка ҳодисалардан қутулиб, абстрактлик ҳамда умумийликка ўтиш мақсадга мувофиқлигини билиш керак. Кўрғазмали таянчдан барвақт воз кечиш ҳам, ана шу босқичда сунъий равишда тўхтаб қолиши ҳам бир хил хатодир. Шунинг билан бирга кўриб ва эшитиб идрок қилиш хусусиятларини ҳамда уларнинг ўзаро муносабат ҳарактерини билиш керак. Ўтилган материалларни қандай йўл билан психологик жиҳатдан самарали қилиб мустаҳкамлаш мумкин? Ўқувчига саволни қандай бериш мумкин: умумий қилибми ёки конкрет шаклдами? Бир хил саволларни бериш тўғрими?

Психологияни билиш тарбия ишларида ҳам зарурдир. Шахс таркиб топиши жараёнининг психологик қонуниятларини, жумладан, ахлоқий одатлар ва ишонч, эътиқод таркиб топишининг қонуниятларини билмай туриб, тўғри тарбия бериш мумкин эмас.

Маълум ёшдаги болаларнинг психологик хусусиятларини билмай туриб, уларга мақсадга мувофиқ равишда таълим - тарбия бериб бўлмайди. Кичик мактаб ёшидаги болаларга нисбатан хато бўлиши мумкин эмас. Бироқ ўқитувчи, тарбиячи шунчаки маълум ёшдаги ўқувчи билан ёки конкрет бир

ўқувчи билан эмас, балки индивидуал бир одам билан ишлайди. Ўқитувчининг билими мутлақо зарур бўлган индивидуал муносабатда бўлишининг шарти ўқувчининг психологик хусусиятларини ҳар томонлама ва чуқур билимдан иборатдир. Бу нарса ўқувчининг руҳий дунёсидан хабардор бўлса, билимини психологик жиҳатдан тўғри кузатишни ташкил қила билишини ва табиий эксперимент уюштиришни билишини тақозо қилади.

Мана шу юқорида кўрсатилган қонуниятларни ҳаммасини билиш ўз-ўзича ҳам таълим - тарбия ишларида муваффақиятнинг гарови бўла олмайди. Лекин жуда кўп хатоларнинг олдини олиш имконини беради, чунки бу қонуниятлар ўқитувчининг кўр-кўрона ҳаракат қилиши заруратидан қутқаради.

Педагогика билан педагогик-психология ўртасида яна ҳам мустаҳкам ва ажралмас алоқа бордир. Педагогика билан психологиянинг ўзаро ҳамкорлиги ва алоқаси анъанавий ва азалий бўлиб, уларнинг ёш авлод тарбиясини замон талаблари руҳида амалга оширишдаги роли ва нуфузи ўзига хосдир. Республикамизда амалга оширилаётган янги “Таълим тўғрисидаги қонун” ҳамда “Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури”ни амалга ошириш ҳам икки фан ҳамкорлиги ва ўзаро алоқасини ҳар қачонгидан ҳам долзарб қилиб қўйди. Миллий дастурда эътироф этилган янгича моделдаги шахсни камол топтириш, унинг чуқур билимлар соҳиби бўлиб етишиши, баркамоллигини кафолатловчи шарт-шароитлар орасидаги янги педагогик технологияларни таълим ва тарбия жараёнларига тадбиқ этишда педагогиканинг ўз услуб ва қоидалари етарли бўлмайди. Шунинг учун ҳам психология у билан ҳамкорликда ёш авлод онгини таълим олиш даврларидаги ривожланиш технологияларини бола томонидан ўзлаштирилиши ва ундаги ақлий ҳамда интеллектуал қобилиятларга нечоғлик таъсир кўрсатаётганлигини ўрганиши асосида таълим-тарбия ишини ташкил этиш психологиядаги методларни дидактик методлар билан уйғунлаштиришни тақозо этади. Болалар ва ёшларнинг мактабдаги ҳамда бошқа таълим-тарбия муассасаларидаги фаолият ва хатти-ҳаракатларнинг конкрет турларини ўрганувчи педагогик психология икки фаннинг, яъни психология ва педагогика фанларининг туташган жойидан ўрин олганидир. Педагогик психология мактабда билимларни кўникма ва малакаларни эгаллаш қонуниятларини ўрганади, бу жараёнларда содир бўладиган индивидуал тафовутларни текширади, ўқувчиларда фаол, мустақил ва ижодий тафаккурни таркиб топтириш қонуниятларини ўрганади.

Педагогик психология таълим-тарбия таъсири билан ўқувчилар психикасида содир бўладиган ўзгаришларни ҳам ўрганади. Бундан ташқари, ўқув материалларининг ўқувчиларга мос келиши, турли таълим методларини психологик жиҳатдан самарадорлиги, дарсликлар, ўқув қуроли, асбоб-ускуналар ва мактаб ишларининг режимида нисбатан бўлган психологик талаблар каби муаммоларнинг ҳаммасини ҳам педагогик психология ўрганади. Айниқса, маънавий баркамоллик тамойилларини мактабда ва янги типдаги таълим муассасаларида жорий этиш ҳам шахс психологиясини теран

билган ҳолда ўқитишнинг энг илғор ва замонавий шакллари амалиётга тадбиқ этишни назарда тутди.

2. Педагогик психологиянинг вазифалари

Маълумки, мактаб ўқувчиси ўқувчи сифатида келгусида ўзига зарур бўлган янги билимларни эгаллаш жараёнида камол топиб боради. Шунинг учун мактаб ўқувчиси томонидан амалга ошириладиган ўқув-тарбия жараён ўқувчиларда кенг қамровли дунёқарашни, умуман, ахлоқий ҳислатларни таркиб топтиришга йўналтирадиган психология фанининг қонун - қоидаларига асосланади. Бу педагогик психология томонидан ҳал қилиниши зарур бўлган асосий вазифалардан биридир.

Педагогик психология ўқувчилар шахсига ўқув-тарбия ишлари соҳасида қўйиладиган талабларни психологик таҳлил қилиб беради. Бу фан ўқувчиларда турли касбларга мойилликни тарбиялайди, бошқача қилиб айтганда, энг олдин уларни ўқитувчи фаолиятига қизиқишга, болаларни севишга, ўқувчилар шахсининг таркиб топишига фаол таъсир қилиш учун болани ўрганишга, унинг психикаси хусусиятларини билиб олишга йўналтиради. Педагогик психология ўқитиш ва тарбиянинг асосини ўрганиб ва ишлаб чиқиб, ўқитишнинг ва тарбиянинг мазмунини ташкил қиладиган дарсликларга ва турли ўқув қуролларига бўлган талабни аниқлаб ўқитиш ва тарбиянинг рационал ва самарали методларини топиш, ўқувчиларнинг билимларга эътиқод қилишига эришиш қонуниятларини очиб, ўқувчиларни меҳнат ва ижтимоий фаолиятга тайёрлашнинг психологик асосларини ишлаб чиқиш каби масалаларни тўғри ҳал қилиш имкониятига эгадир.

Педагогик психологиянинг вазифасига, шунингдек, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро муносабати, ўқитувчи шахсига нисбатан қўйиладиган талабларни ўрганиш, ўқитувчилик қобилиятини мазмунини ва унинг таркиб топишини очиб бериш ва бошқа масалаларни ўрганиш ҳам кирилади. Педагогик психология мактабда ўқитиш жараёнида ўқувчилар томонидан билим ва малакаларни эгаллашнинг қонуниятларини ва тарбия жараёнида бола шахсининг таркиб топишини ўрганади.

Ўқитиш ва тарбиялашнинг психологик қонуниятларини ўрганиш педагогик психологиянинг предмети ташкил қилади. Бу фан ўқувчилар тафаккурининг шаклланишини текширади: ўзлаштириш жараёнини идора қилиш ақлий фаолият усуллари ва малакаларининг таркиб топиши (жараёнини) муаммоларини ўрганади. Ўқитиш жараёнини ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги муносабатнинг ўқувчилар коллективидаги ўзаро муносабатларининг мувоффақиятли бўлишига таъсир қиладиган психологик факторларни аниқлайди, ўқувчиларнинг индивидуал психологик тафовутини, болалар билан олиб борадиган ўқув-тарбия ишларининг психологик хусусиятларини ўрганади.

Педагогик психология шу билан бирга ўқувчилар шахсининг таркиб топиш жараёнини, бу жараённинг умумий қонуниятлари ва индивидуал фарқларини турли тарбиявий тадбирларнинг ўқувчиларга таъсирини ўрганади ҳамда ўқувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялашнинг психологик асосларини текширади. Нихоят, педагогик психология, таълим-тарбия

жараёнининг ташкилотчиси бўлган ўқитувчи шахсини ва ўқитувчи меҳнатининг хусусиятларини ўрганади. Унда ўқувчининг таълим-тарбия ишларидаги ютуқларини таъминловчи сифатларини ажратиб кўрсатиш билан бирга унинг педагогик билимлари, кўникма, малака ва қобилиятларини таркиб топиши ҳамда тараққиётнинг психологик шароитлари аниқланади.

Педагогик психология ҳам, ёш психологияси ҳам умумий психологик қонуниятларни очиб берадиган психик жараёнларини, психик ҳолатларни ва вояга етган киши шахсининг индивидуал-психологик хусусиятларини ўрганадиган умумий психологияга асосланади.

3. Педагогик психология фанининг принципи.

Маълумки, психик жараёнларнинг зоҳир бўлиши ташқи таъсирларнинг акс эттирилиши деб тушунилади ва шунинг учун объективлик принципига риоя қилгандагина бу жараёнларнинг табиатини бирор бир жараён қонуниятларини вужудга келиши сабабларини аниқлаш мумкин бўлади. Амалий ҳаётда одамларнинг ақлига, туйғу-ҳиссларига, хоҳишлари ҳақидаги гапларига қараб эмас, балки уларнинг хатти-ҳаракатларига, уларнинг бажарган ишларига, қилиқларига қараб баҳо берамиз.

Шундай қилиб, педагогик жараённи ўрганишда ўзаро боғлиқ ва бир-бирига алоқадорлик принципи ўқувчи ҳаёти ва фаолиятининг ташқи шароитларини ҳисобга олишни, ўқувчиларнинг психик хусусиятига асос бўладиган сабабларни аниқлаш, ташқи таассурот ҳар бир одам психик хусусияти ва психик ҳолатининг ўзига хос равишда турлича ўзгаришга сабаб бўлишини тушуниш зарур эканлигини талаб этилади. Демак, ривожланиш принципи ҳам асос қилиб олинishi керак бўлган принципдир.

Ўқувчи ўқитишнинг ҳар бир поғонасида ўсадиган ва аста-секин ривожланадиган шахсдир. Ўқувчи ҳар бир ёш даврида ва ўқитишнинг маълум поғонасида ўзининг жисмоний, ақлий эмоционал ва иродавий ривожланишда сезиларли даражада муваффақиятга эришади ва шу билан бирга шахс сифатида ўсишида ҳам бирор-бир ўзгаришга эришади. Бола ривожланишида давом этиб, унда нимадир маълум шаклга кира боради. Унинг психик ўсишида янги хусусият пайдо бўла боради, яна қандайдир хусусият таркиб топа бошлайди, ана шу янги хусусият катталар томонидан қўллаб юборишга муҳтож бўлади, бундай қўллаш унга фаол рағбатлантирувчи омил бўлади. Бинобарин, ўқувчининг ривожланишига доимий раҳбарликкина ўқув тарбия ишида ўқувчи билан перспектив муносабатда бўлиш имкониятини вужудга келтиради. Агар ўқитувчи олға интилмаса, ҳар бир ўқувчининг ўсишини олдиндан кўра билмаса, ўқув тарбия ишларини мақсадга мувофиқ равишда ташкил қилиб бўлмайди. Ниҳоят, психологик илмий тадқиқот принципларидан яна бири шахсни ўрганишнинг аналитик синтетик принциpidир. Ҳар бир кишининг психик ҳолати, психик тарзи жуда хилма-хил ва мураккабдир. Турли ҳаёт шароитларида, атрофдаги нарсалар билан бўладиган турлича муносабатларда, ҳар хил фаолиятларда ҳар бир одамда янги хусусиятларни ва сифатлар очила боради. Шу билан бирга ҳар бир одамнинг психик қиёфаси ўзининг барча томонлари билан

бир-бирига ўзаро боғлиқ ҳолда бутун бир киши сифатда бир шахсни ташкил қилади. Одамнинг алоҳида хусусиятлари қандай кўринишда қиёфаланмасин, барибир одамда конкрет одамга хос қайтарилмайдиган қандайдир умумийлик мавжуддир. Шунинг учун ҳам шахсни унга аналитик синтетик муносабатда бўлиши орқалигина объектив равишда ўрганиш мумкиндир.

САВОЛЛАР

1. Педагогик-психология фанининг предмети.
2. Педагогик-психология фанининг қонуниятлари.
3. Педагогик-психология фанининг боғлиқ томонлари.
4. Педагогик-психология фанининг аҳамияти.
5. Педагогик-психология асосан қайси фанларга асосланади.
6. Педагогик-психология фанининг асосий вазифалари.
7. Педагогик-психология фани принципларининг психологик таҳлили.
8. Педагогик-психологиянинг амалиётга тадбиқ қилиниши.

МАВЗУ: ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ МЕТОДЛАРИ

РЕЖА:

1. Кузатиш методи.
2. Эксперимент методи.
3. Суҳбат методи.
4. Анкета методи.
5. Математик - статистик метод.
6. Тренинг.

Маълумки, ҳар бир фаннинг ўз предмети ва уни ўрганиш ҳамда текширишга қаратилган бир қатор методлар бўлади. Шунинг учун мураккаб психик жараёнлар ва шахснинг психологик хусусиятларни ўрганиш ҳамда уларнинг юзага келиши ва намоён бўлиши асосида ётган қонуниятларини очиш учун махсус психологик методлардан фойдаланиш талаб қилинади.

Бу ерда шундай савол туғилади, методнинг ўзи нима? Метод - лотинча *methъdas* сўздан олинган бўлиб, бизнингча конкрет масалаларни ҳал қилишга қаратилган амалларнинг маҳсулидир. Бу методнинг умумий таърифидир. Агар ҳар бир алоҳида фанга нисбатан оладиган бўлсак, у пайтда метод айни шу фаннинг предмети, текшириш, ўрганиш ва тушунтириб бериш усуллариининг йиғиндисидир. Шу нарсани алоҳида таъкидлаб кўрсатиш керакки, ҳар қандай метод маълум принципларга асосланмоғи керак.

Педагогик психологиянинг ҳам ўзига хос методлари мавжуддир. Болаларни ўқитиш ва тарбиялашнинг психологик жиҳатдан текширишнинг йўл ва усуллари педагогик психологиянинг методлари ҳисобланади. Психологияда одамнинг психик фаолиятини ўрганишнинг турли методларидан фойдаланилади. Қандай методни танлаш кераклигини биз

олдимизга қўйилган вазифага қараб биламиз. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам юқорида битилган принципларга асосланиш зарурдир.

Умуман кишиларнинг ўқувчи фаолиятининг турли томонларини ўрганиш учун турли методлардан: кузатиш, эксперимент методларидан фойдаланилади. Бу методлар умумий ва педагогик психологиянинг асосий методлари бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари, суҳбат методи, анкета, миқдор кўрсаткичларини математик ва статистик таҳлил қилиш методлари ҳам кенг қўлланилади.

1. Кузатиш методи.

Бу метод ёрдамида шахс ва жамоанинг турли хил ҳаёт ва фаолият шароитида боланинг ҳис-туйғуси, хатти-ҳаракати ва ҳулкининг ташқи ифодаси ўрганилади. Синчиклаб ва ҳар томонлама кузатиш йўли билан тўпланган материалларни таҳлил қилиш орқали бевосита идрок этиш мумкин бўлмаган турли психик компонентлар, тафаккур ва туйғулар, муносабат ва мотивлар аниқланади. Булар бола шахси ва жамоа психологиясининг ривожланишига оид бўлган ҳарактерли тенденцияларни билиб олишга, уларни бошқариш йўллари белилашга, бола шахсида эстетик - ахлоқий ва психологик сифатларни шакллантиришга ёрдам беради.

Кузатиш предметлари психиканинг турли кўринишлари - психик жараёнлар, психик ҳолатлар, шахсининг психик хусусиятлари бўлиши мумкин. Бу метод дарсни психологик таҳлил қилишда, ўқувчига психологик – педагогик ҳарактеристика тузиш учун асосий материални олишда ёрдам беради. Кузатиш маълум дастурда олиб борилсагина самарали бўлади. Кузатиш методи бошқа методлардан фарқ қилиб ўзининг қатор хусусиятларига эга. Кузатишнинг асосий хусусияти унинг маълум мақсадга қаратилганлигидир, кузатиш методининг асоси унинг қийин томони ҳамдир. Бу шундан иборатки, одамларни оддий кузатганда, типик хусусиятларинигина эмас, шу билан бирга тасодифий хусусиятлар ҳам ўз хусусиятларини топади. Шунинг учун илмий метод билан кузатишнинг вазифаси қонуний ва муҳим хусусиятларни тасодифий ва муҳим бўлмаган хусусиятлардан ажратиб олишдир. Кузатишнинг психологик метод сифатида муҳим ва аҳамиятли томони текширувчи, кузатувчи одам фаолиятининг табиий оқимининг ўзгартирилмаслигидир. Бу методни қўллаганда, кузатувчи боланинг ўйинига аралашмайди, боланинг дарсда вазифасини бажаришига ҳалақит бермайди, табиий ўзаро муносабатга аралашмайди. Бунинг учун бир нечта шартларга риоя қилиш зарур. Кузатувчи энг олдин шароитни ўрганиб олиши ва унга мослашиши керак, кузатаётган одамлари орасида ўзини бегона киши деб ҳисобламасликлари учун бирор вазифани бажариб туриши керак. Кузатишни яхши олиб бориш учун унга пухта тайёрланиш зарур танлаб кузатганда, ўрганилаётган масалага тааллуқли нарсаларгина қайд қилинади. Кузатиладиган ҳодисаларни ёзиб олиш билан бир қаторда, уни сураатга олиш, кинога олиш, овозни ёзиб олишдан ҳам фойдаланилади. Юқорида айтилганидек, ўрганилаётган кишиларнинг хатти-ҳаракатини табиий ҳолда қайд қилиш учун кузатилаётганларга кузатаётганини сездирмаслик керак.

2. Эксперимент методи.

Бу метод бошқа фанлардаги каби, психологияда ҳам асосий метод бўлиб ҳисобланади. Тадқиқотчи эксперимент методини қўллаш натижасида ўзига зарур бўлган психик жараёни атайлаб вужудга келтириш имкониятига эга бўлади. Психологик экспериментнинг моҳияти шундаки, унда атайлаб сунъий бир вазият шакллантирилади ва ташкил этиладики, айнан шу вазиятда қизиқтираётган психик жараён ёки ҳодиса ажратилади, ўрганилади, таъсир кўрсатилади ва баҳоланади. Маълумки, эксперимент методи 2 тага бўлинади. Табиий ва лаборатория эксперименти. Агар табиий эксперимент ўша қизиқтираётган фенолин текширилувчи учун табиий ҳисобланган шароитларда (м: меҳнат жараёнида, таътилда, ёзги лагерда, лицей аудиториясида ва шунга ўхшаш) мақсадли ташкил этилиб, ўрганилса, лаборатория эксперименти махсус жойларда, махсус асбоб-ускуналар воситасида атайлаб ўрганилади.

Маълумки, қонуниятни аниқлаб олиш учун бир эмас, бир қанча текширувчилар билан эксперимент ўтказиш керак. Агар текширувчилар оз бўлса, эксперимент натижалари ишончли бўлмайди. Бундан ташқари, экспериментни ташкил қилишда текширилувчиларни танлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Текширилувчиларни танлашда энг олдин уларнинг ёшени, психологик ҳусусиятларини ва эксперимент натижаларига таъсир қилиши мумкин бўлган томонини ўқувчининг илгари шу экспериментда қатнашган ёки қатнашмаганлигини ҳисобга олиш зарур.

Эксперимент ўтказганда, текширувчи тажриба баённомаси тузиш керак. Баённомада текширилувчи ҳақида умумий маълумот, эксперимент ўтказилаётган кун, экспериментни бошлаш ва тамомлаш вақти, экспериментнинг номи, эксперимент маълумотлари, эксперимент вақтида текширилувчининг ҳолати, текширувчининг қўшимча огоҳлантириши, текширувчининг фамилияси акс эттирилиши керак.

Педагогик экспериментнинг охириги босқичи шахс ҳусусиятининг янги даражасини аниқлашдир. Шундай қилиб, психологик, педагогик эксперимент ўтказиш, ўқиш ва тарбия жараёнида шахснинг сифатларида содир бўладиган ўзгаришларни аниқлаш имконини беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, психологик, педагогик экспериментнинг моҳиятини ўқувчиларни шахсан ҳамда бевосита ўқитишнинг ва тарбиялаш жараёнида, текшириш предмети бўлган психик ҳусусиятини фаол тартиб топтириш жараёнида ўрганишдан иборатдир.

3. Суҳбат методи

Суҳбат методи психологияда ёрдамчи метод ҳисобланса ҳам, унинг аҳамияти каттадир. Суҳбат методи ёрдами билан бошқа методлар воситасида чиқарилган хулосаларни чуқурроқ билиш ва аниқлаб олиш учун турли босқичларда текширишнинг бошида масалани аниқлаб олиш ва уни ойдинлаштириш учун ишлатилади. Суҳбат методи савол-жавоб формасида ўтказилади. Бунда текширувчи савол беради, текширилувчи эса жавоб беради. Саволнинг мазмуни текширишнинг конкрет вазифаларига қараб

берилади. Суҳбатга тайёрланишга, саволларни ифодалашга алоҳида диққат қилиш керак.

Агар текширувчи текширилувчи билан яхши муносабат ўрната олмаса, ўқувчидан ишончли ахборот ололмаслиги мумкин. Суҳбат шахснинг индивидуал хусусиятларини ўрганишда кенг қўлланилади. Суҳбат методи ўқитиш ва тарбиялашнинг психологик асосларини текширганда, ўқувчиларнинг қизиқишлари ва майлларини, идеалларини, эса қолдириш хусусиятларини ва ҳаётини, шунингдек, қобилиятини ўрганишда қўлланилади.

4. Анкета методи

Бу метод суҳбат методига ўхшаш, психологияда ёрдамчи метод ҳисобланади. Лекин баъзи пайтларда жуда қимматли натижалар беради, масалан, бу ижодни кузатиш методи билан биргаликда қўлланилганда муҳим материаллар олиш мумкин.

Одатда, анкета саволларига ёзма равишда жавоб беришни ифодаловчи методдир. Ўқувчи саволларга шахсан ёки почта орқали жавоб бериши мумкин. Бу методдан фойдалангандан саволлар мазмунини аниқ ифодалаш ва тўғри тўлдириш учун зарур тушунтиришлар берилиши, тўпланган материалларни сон ва сифат жиҳатидан синчиклаб ўрганиш материалларини статистик ишлаш муҳимдир.

Анкета методнинг ижобий томони ўз ҳажмига кўра кўп материал олиш мумкинлиги ва шу асосда чиқарилган хулосаларнинг тўғрилигидадир. Бу методнинг асосий камчилиги олинган жавобларни реал борлиқ билан жавоб берувчининг хатти-ҳаракати билан боғлиқлигини аниқлашнинг мумкин эмаслигидир.

5. Математик-статистик метод

Кейинги йилларда психологияда олинган материалларни математик-статистик, миқдорий таҳлил қилиш методидан фойдаланиш кенг қўлланмоқда. Бу метод психологияда математик аппаратни қўллашни тақозо қилади.

Математик аппаратни қўллаш деганда, биринчи марта қабул қилинган гипотезани тасдиқлаш имкониятини берадиган, ҳосил қилинган хулосаларнинг ижобатли эканлигига ишонч туғдирадиган турли статистик усулларни қўллаш ва эҳтимоллик назарияси қоидаларини қўллашни тушунамиз. Шунинг эса тутиш керак-ки, ўқитиш ва тарбиялашнинг психологик вазифаларини ҳал қилишда юқоридаги методлардан биргаликда фойдаланиладиган тўлиқ ва ишончли натижаларга эришиш мумкин. Ҳозирги вақтда педагогик психологиянинг аниқ илмий текшириш вазифасига эга бўлган соҳалари бор. Буларга биринчи навбатда, мактабда предметларни ўқитишнинг психологик асосларини киритиш мумкин. Масалан, ўқитишнинг психологик асосларидан қуйидагиларни ажратиш мумкин.

Она тилининг ўқитилиш психологияси. Педагогик психологиянинг бу бўлими она тилидан билим, иқтидор, малакалар ҳосил қилишнинг энг самарали усулларини топиш масалаларини ҳал этади. Бу соҳага ёзиш ва

ўқишни ўрганишнинг, орфография ва грамматикани ўрганишнинг психологик асослари масалалари ҳам киради.

Математиканинг ўқитилиши психологияси. Бу бўлим математика фанларидан билим, иқтидор ва малакаларни ўзлаштиришга математикадан билим усулини тушунишга ёрдам бериши лозим.

Ўқитиш психологиясининг юқоридаги бўлимларидан ташқари, ҳар бир фаннинг ўқитувчи мутахассис томонидан чуқур ва ҳар томонлама ўрганиши керак бўлган соҳалари бор. Муҳими шундаки, ҳар бир ўқитувчи ўзи ўқитадиган фаннинг мазмунини, уни ўқитиш методикасини яхши билиш билан бирга шу фаннинг ўқитиш психологияси асосини ҳам билиши керак. Бу фикрлар тарбиялашнинг психологик асослари масалаларига ҳам тааллуқлидир. Бундан ташқари, одамнинг билиш соҳасини ва одам психик фаолиятининг келажакда қандай бўлишини психологик аниқлаш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда.

6. Тренинг.

Тренинг – (инг training – машқ қилмоқ) – гуруҳларда мулоқотнинг ривожлантириш мақсадида олиб бориладиган психологик ишларнинг фаол усули (гуруҳ-гуруҳ бўлиб мунозара, баҳслар, ролли ўйинлар ва бошқаларни ўтказиш).


Ижтимоий психологик тренинг таъсир кўрсатиш методи сифатида жаҳон амалиётида кенг қўлланилиб келинмоқда. Ижтимоий психологик тренинг (ИПТ) шахслараро бир-бирини тушуниш мулоқотнинг эмпатик потенциалларини ошириш, ички муаммоларини ҳал этишга имкон туғдиради. Кундалик ҳаёт вазиятларидаги реакциялар жиддий яшириш тарзда бўлса, гуруҳлардаги бу жараён очиқ тарзда вужудга келади. Гуруҳларда «Яшашни қайта бошлаш» мумкин. Мослашиш ва тараққий этишда ҳалақит берувчи ҳулқадаги стереотипларни бардош билан енгиш, теварак-атрофдагилар билан ўзаро муносабатлардаги янги малакаларни ўзлаштириш мумкин.

ИПТ – психотерапияни мураккаб ҳамда энг самарали методларидан бири бўлиб, унинг муваффақиятли ўтиши гуруҳ аъзоларининг истаклари, шу муаммоларини тан олиши, ниманидир ўзлаштириш учун интилишига боғлиқ бўлади. ИПТни муваффақиятли ўтиши кузатувчи ёки бажарувчигагина эмас, балки барча гуруҳ аъзоларининг ҳамкорликдаги фаол ҳаракатларини талаб этади. Буни барча қатнашувчилар билими, салбий эмоцияларни қабул қилишга тайёрлиги, бу эса ўз навбатида психологик химоя ва янги ҳулқа-творни шакллантириш шакли эканлигини билиш зарур.

Ҳар қандай ижтимоий психологик тренинг аниқ мақсад ва вазифалар асосида амалга оширилади. Масалан, қуйидаги ўтказиладиган тренингнинг мақсади танишув, бир дақиқа ўз-ўзига назар солиш, ўз-ўзи билан суҳбатлашишдир. Тренинг ўтказиш учун зарур муҳит мавжуд бўлиши керак. Улар: 10 -12 та одам, кенг аудитория, доира шаклида қўйилган стуллар.

Бошловчи иштирокчиларга бир варақдан қоғоз олишини сўрайди ва қоғознинг ўнг томоннинг тепа қисмига ижобий, қуйи қисмига салбий сифатларини, чап томоннинг юқори қисмига энг яқин кишини, қуйи

қисмига эса хоббийсини, ўрта, яъни марказ қисмига ўзининг исмини ёзишни тавсия қилади. Қуйидаги жадвалга қаранг:



Тренинг иштирокчилари берилган топшириқни ушбу расмдаги тарзда бажариб тугаллаганиридан сўнг, уларнинг ҳар бирига 2 дақиқадан вақт ажратилиб, ўзини таништириш, ижобий-салбий сифатлари ва яқин кишиси ҳамда хоббийси ҳақида маълумот бериш топширилади. Бу жараёнда тренинг иштирокчиларининг психологик ҳиссий кечинмалари бошловчи томонидан кузатиб турилади. Барча қатнашувчилар иккинчи топшириқни ҳам бажариб бўлганларидан сўнг, мунозара бошланади. Мунозара ва психологик таҳлиллардан сўнг, бошловчи томонидан аниқ тавсиялар берила бошлайди. Бу тавсияларга иштирокчиларнинг фикри, муносабати ўрганилади.

САВОЛЛАР

1. Педагогик психологиянинг предмети ва унинг аҳамияти.
2. Педагогик психологиянинг амалиётга тадбиқ қилиниши.
3. Педагогик психологиянинг принципи ва ўқувчиларнинг шаклланишига таъсири.
4. Педагогик психология фанининг методлари ва уларнинг қўлланилиши.
5. Кузатиш методи ва бу методнинг асосий хусусиятлари.
6. Эксперимент методи ва унинг турлари.
7. Суҳбат методининг самарали аҳамияти.
8. Анкета методининг қўлланилиши.
9. Анкета методининг ижобий томони.
10. Математик-статистик методнинг усуллари.

МАВЗУ: ЎҚУВЧИНИНГ ПСИХИК ТАРАҚҚИЁТИ ВА ТАЪЛИМ

РЕЖА:

1. Ўқувчининг психик ривожланишини юзага келтирувчи омиллар муаммоси.
2. Биологик омиллар.
3. Ижтимоий омиллар.
4. Таълим жараёнида ўқувчининг психик ривожланиши.

Ўқувчининг психик ривожланишини юзага келтирувчи омиллар муаммоси. Ўқувчининг психик ривожлантиришни юзага келтирувчи омиллар муаммоси қадимдан мавжуд. Бу омилларга асос қилиб, биологик омил ёки ижтимоий омил эканлиги ҳалигача аниқ исботланмаган. Бу муаммони ҳал қилишда ҳозирча икки қарама-қарши идеалист ва материалистларнинг фаразлари мавжуд. Материалист олимлар фикрига кўра психик тараққиётни ўқувчи шахсий муҳит таъсирида шакллантиради. Биологик омил эса қисман таъсир кўрсатиши мумкин, деган фикрни илгари суриб келмоқда.

Идеалистик олимлар эса бу фикрга қарама-қарши фикр, яъни шахси шаклланишида биологик омил муҳим роль ўйнайди, деган фикрдалар. Уларнинг фикрича қобилиятлар туғма ривожда берилади. Муҳит эса ривожланиши, намоён бўлиши учун хизмат қилади. Бу олимларнинг фикрича, таълим жараёнида ўқувчининг нимага қодир эканлигини билиб олиб, ундан сўнг даражасига мослаштириш керак,- деб ҳисоблайдилар. Ўқувчиларнинг ақлий истеъдод даражаларига қараб ҳар-хил типдаги мактабларга юбориш ҳозирда кўплаб давлатларда мавжуд.

Англиялик генетик Ш.Аурбах бу фикрни ниҳоятда аниқ ва образли қилиб ифодалаб беришга уринган. “Ҳар бир одам,- деб ёзган эди у, - худди қартабоз қўлига қарта олиб ўйин бошлагани каби, ўз ҳаётини қўлига генларни олиб бошлайди. Баъзан қарта ёмон сузиладики, ҳатто сал-пал ютуқни ҳам орзу қилиш қийин бўлади. Айрим ҳолларда қарта шундай ажойиб сузиладики, мувоффақият қозониш учун ҳеч қандай ҳаракат қилмаса ҳам бўлаверади”. Унинг фикрича “Ақлий тараққиёт даражаси, махсус қобилиятлар, шахсий сифатлар – буларнинг ҳаммаси генетик факторлар билан муҳим факторлари ўзаро муносабатининг натижасидан иборатдир”.

АҚШда тестлар ёрдамида аниқланган ақлий истеъдод коэффиценти жиҳатидан бир хил бўлган ўқувчиларни бир синфга тўплаб, ўқитиш амалиёти давом этиб келмоқда. Ақлий коэффицент юқори бўлган ўқувчиларга жиддий материаллар билан тўлдирилган, мустақил ишларга кўп эътибор берилди. Ўртадан паст ақлий истеъдодга эга бўлган ўқувчилар ўқийдиган синфларда таълим “суйилтирилган” дастур асосида, яъни назарий материалларсиз олиб борилади.

Америкалик психолог Э.Торндакнинг “Арифметика ўқитишнинг янги методлари” ва “Психологияга асосланган принциплари” деган асарларида сиз ўқувчининг ривожланиши тўғридан - тўғри туғма қобилиятга боғланганини кўришингиз мумкин. Унинг фикрича: “Табиат ҳар бир одамга маълум капитални инъом этади, бу капиталнинг нимадан иборат эканлигини

тарбиявий намоён қилиш ва ундан жуда яхши фойдаланиш лозим” “Табиат капитали” тараққиётга чегара қўяди. Айрим ўқувчилар гарчи юз соатлаб ҳаракат қилишларига қарамай маълум даражадан юқорига кўтарила олмайди. Ўқитиш қанчалик яхши бўлишига қарамай, айрим ўқувчилар ҳеч қандай муваффақиятга эриша олмайди. Бошқа бир ўқувчилар эса ўқитиш қанча ёмонлигига қарамай мувоффақиятга эришадилар.

Австриялик психолог. К. Мюллер болаларнинг фақатгина ақлий тараққиётига эмас, балки ахлоқий тараққиётига ҳам олий томонлар белгилангандир, - деб таъкидлайди. З.Фрейд ва унинг издошлари инсон фаолиятининг бошқарувчиси инстинктларини, яъни дастлабки онгсиз эҳтиёжларини ҳамда майлларини шахс тараққиётини ҳаракатга келтирувчи деб билганлар. Д.Дюн инсон табиатини ўзгартириб бўлмайди, - деб ҳисоблаган. Одам ирсий воситалардан ҳосил қилган эҳтиёжлар ва психик хусусиятлар билан туғилади. Бу эҳтиёжлар ва психик хусусиятлар тарбия процессида тез ёки секинлик билан намоён бўлиши ёки бир оз ўзгариши мумкин.

Жаҳоннинг машҳур психологи Г. Равен ўзининг 1952 йилда нашр қилинган “Талант ва гений” деган китобида қобилиятларни «Тўғридан-тўғри туғма», - деб таъкидлайди. У қобилиятнинг тараққиётини табиий томонидан берилган хусусиятларни жадаллик билан вояга етиши, деб билади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, сўнги вақтларда психологларнинг фақат бир қисмигина илмий асоссизлиги ва аниқ бўлмаган фикрларни билдиришмоқда. Одатда, таълим-тарбиянинг катта роли ҳақида, муҳитнинг роли ҳақида ҳар - хил изоҳлар берилади. Бироқ кўпи билан бу гапларда изоҳ бир-бири билан боғлиқ бўлмаган алоҳида таъсир қиладиган икки факторнинг, яъни туғма биологик хусусиятлар билан ижтимоий муҳитнинг бир вақт ичида паралел ҳолда таъсири ҳақида боради ҳамда туғма биологик хусусиятлар таъсирининг роли оширилиб кўрсатилади. Масалан: “Дифференциал психология” деган капитал асарнинг муаллифи америкалик психолог А.Анатоли «Интеллектуал тараққиётга ноолий факторлар ҳам, муҳит факторлари ҳам таъсир қилади», -деб қайта-қайта таъкидлайди.

Яъни айрим психологларнинг фикрича, туғма биологик имконият яъни генларнинг роли асосий ҳал қилувчидир. Психик хусусиятларнинг тараққиёти бу имкониятларнинг пишиб етилиши, ўз-ўзича ривожланиши демакдир. Бунинг учун тегишли ташқи шароитлар бўлса бас. Чунончи таълим тарбия бу туғма имкониятларни намоён қилиш ва амалга оширишнинг зарурий шароитларидандир. Яроқсиз овқат жисмоний тараққиётни тўхтатиб қўйиши мумкин бўлганидек, теварак атрофдаги муҳит ҳам ички сабаблар асосида юзага келадиган ақлий тараққиётга ҳалақит бериши мумкин, деб уқтирилади.

Биологик фактор тарафдорлари тараққиётда наслий факторларни ҳал қилувчи роли бор, деб асослашга интилиб, одатда, бир тухумдан бўлган манозигот ва ҳар хил тухумдан бўлган дизигот эгизакларнинг қиёсий ўрганишдан олинган маълумотлар далили қилиб келтирилади. Генетик жиҳатдан тухумдан пайдо бўлган эгизаклар биологик жиҳатдан бир организмнинг иш нусхаси бўлиб, табиатдан ҳар-хил “ген бойлигини” олган,

бир хил ирсиятга эга бўлган ҳақиқий эгизаклардир, деб айтадилар. Психологларнинг бир тухумдан пайдо бўлган эгизаклар устида ўтказган тадқиқотларининг кўрсатишича, психик хусусиятларнинг таркиб топишида гўё ирсият етакчи рол ўйнар эмиш. Бир тухумдан бўлган, лекин бир биридан ажралган ҳолда бўлган ҳар хил шароитда алоҳида тарбияланаётган қобилиятларида ва ақлий тараққиётларида катта ўхшашлик борлиги аниқланган. Бу шундан далолат берадики, бир хилдаги генлар эса бўлган шахслар, тарбия турли бўлишига қарамай ўхшаш сифатлари бор бўлар экан. Бу тажриба кўпгина психологларда психик ривожланишда биологик омил асосий ўрин тутаети, деган фикрни пайдо қилди.

Бироқ психик хусусиятларнинг ирсий йўл билан пайдо бўлиши назариясини танқид қилувчи кўпгина психологлар ҳақли равишда қайд қилиб ўтганларидек, кўпчилик ҳолларда мутлақо ноаниқ бўлиб қолмоқда: 1. Эгизлар ҳақидаги кузатиш ва экспериментлар тўғри ўтказилганми? 2. Муҳитнинг таъсири ҳақиқатдан ҳам ҳар - хил ёки айнан бир хил бўлганми? Бир тухумдан пайдо бўлган эгизлар шахсий хусусиятлар ва ақлий методларининг бир хиллиги ҳақида тест жавоблари натижаларига қараб ҳулоса чиқариш мумкин.

Лекин бизнинг ҳозирги ёш жамиятимизда психология ва педогогик психология қобилиятларнинг тараққиётини фақат теварак атрофдаги муҳитнинг таъсири билан тушунтиради.

Шундай қилиб, сиз кўриб ўтган ҳар иккала йўналишнинг ташқи жиҳатлари бир-бирига қарама-қарши бўлишига қарамай, инсоннинг психик хусусиятларини ёки наслий биологик имкониятлар таъсири остида илгаридан белгиланган ўзгармас нарсаси,- деб эътироф этадилар.

Психологлар ва педагоглар ихтиёрида бўлган жуда кўп фактлар у йўналишни ҳам чекланган ва бир кўламлигини кўрсатади. Одамнинг генетик хусусиятларини бир маънода унинг психик хусусиятларини белгилайди, деб ҳисоблаш ҳатодир. Аммо бунинг тескараси ҳам яъни психик тараққиётнинг психик имкониятларидаги индивидуал фарқларни инкор қилиш ва одамлардаги ғоят хилма-хил барча индивидуал психологик хусусиятларни фақат ташқи таъсиротлар натижаси ҳам дейиш нотўғридир.

2. Биологик омил.

Шу пайтгача биз одамга ижтимоий мавжудод сифатида қараб келамиз. Лекин одамнинг биологик моҳиятини инкор қилиб бўлмайди. Чунки одам бевосита табиий мавжудоддир. Ўз-ўзидан равшанки, одамнинг психик ривожланиши учун табиий, биологик имкониятлар ниҳоятда зарурдир. Инсоннинг психик хусусиятлари нормал ташкил топиши учун муайян даражадаги биологик тузилиши, мия ва нерв системаси бўлиши шартдир. Бу табиий хусусиятлар психик ривожланишни ҳаракатга келтирувчи кучлар факторлар эмас, балки фақат дастлабки шароит ҳолос. Мия биологик тарзда ташкил топган орган сифатида онгнинг юзага келиши учун дастлабки шартдир. Онг эса, инсон ижтимоий турмушнинг маҳсулидир. Невр системаси теварак атрофдаги оламни акс этириш учун туғма органик имкониятларга эга. Лекин тегишли қобилият ҳаёт шароитидаги фаолиятда таркиб топади. Қобилият куртакларининг, яъни нерв системаси мияда баъзи бир туғма

анатомик–физиологик хусусиятларнинг мавжудлиги қобилиятларнинг ривожланиши учун зарур табиий шарт шароитдир. Аммо бу шарт шароитларнинг мавжудлиги, ҳали қобилиятларнинг ривожланишини таъминламайди. Қобилиятлар ҳаёт ва фаолият шароитлари одамга бериладиган таълим ва тарбия таъсири остида таркиб топади ва ривожланади.

Табиий хусусиятлар тараққиётнинг ҳаракатга келтирувчи куч эмаслигига қарамай психик тараққиётга маълум даражада таъсир кўрсатади.

Биринчидан, табиий хусусиятлар психик хусусиятлар тараққиётининг турли йўллари ва усуллари белгилаб беради. Инсон нерв системасининг хусусиятлари ўз-ўзича шахснинг ҳеч қандай психик хусусиятларини белгиламайди. Ҳеч бир нормал бола дадил ёки иродасиз, меҳнатсевар ёки ялқов, интизомли ёки интизомсиз бўлиб туғилмайди. Агарда тарбия тўғри ташкил қилинса, нерв системасининг исталган типи асосида характернинг барча ижтимоий қийматли ҳислатларини ҳосил қилиш мумкин. Масалан, сабр, матонат ва ўз-ўзини тутати билиши ҳислатларининг нерв системаси типи шиддатли бўлган болаларда ҳам, нерв системаси типи вазмин бўлган болаларда ҳам тарбиялаш лозим ва тарбияласа бўлади. Лекин биринчи ҳолдаги болаларни тарбиялаш, иккинчи ҳолдагиларни тарбиялашга қараганда қийинроқ бўлади. Ҳар иккала ҳолда керакли сифатларнинг тарбиялаш йўллари ва усуллари ҳам турлича бўлади.

Иккинчидан, табиий хусусиятлар одамнинг бирор бир соҳада эришган ютуқлари даражасига ҳам таъсир қилиши мумкин. Масалан, қобилият куртакларида туғма индивидуал фарқлар бўлади. Шу сабабли баъзи одамлар бошқа одамлардан маълум бир фаолиятни эгаллаш имконияти жиҳатидан устун юриш-туришлари ва шунинг билан бир пайтда, бир фаолият турининг эгаллаш имконияти жиҳатидан эса улардан ожизлик қилишлари мумкин. Масалан, ўзининг музика қобилияти ривожланиши учун қулай табиий шароитга эга бўлган бола бошқа ҳамма шароитлар бир хил бўлишига қарамай, музика қобилиятини ривожлантириш учун табиий шароитга эга бўлмаган болага нисбатан, музика соҳасида тез ривожланади ва нисбатан катта ютуқларга эришади.

3. Ижтимоий омил.

Ижтимоий омил одамнинг психик хусусиятлари таркиб топиши ва ривожланишида одамнинг ижтимоий тажрибаси, унинг ҳаёт ва фаолият шароитлари таълим ва тарбия етакчи ҳал қилувчи ролга ўйнайди деб ўргатади.

Муҳит маълум мақсадга қаратилган таълим ва тарбия азалдан берилган генетик жиҳатдан қатъий белгиланган ниманидир намоён қилиш учун шароитгина бўлиб қолмай, балки инсон психик хусусиятларини таркиб топтиради. Шунинг алоҳида қайд қилиб ўтишимиз лозимки, жамият талабларига жавоб берадиган муайян шахсий сифатларни таркиб топтириш мақсадида катта авлоднинг ёш авлодга онгли мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатиш процесси сифатида таълим ва тарбия ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Биринчидан, шуни таъкидлаб ўтиш керак-ки, одам муҳит таъсири остидаги пассив объект бўлмай, фаол мавжудоддир. Шунинг учун ташқи ҳаёт шароити ташқи таъсир инсон психикасини тўғридан - тўғри белгиламайди, балки одамнинг муҳит билан бўлган ўзаро таъсири орқали унинг муҳитдаги фаолияти орқали белгилайди. Шу сабабли муҳитнинг таъсири ҳақида эмас, балки одамнинг теварак атроф муҳит билан ўзаро актив таъсири ҳақида гапириш тўғрироқ бўлади.

Иккинчидан, психиканинг ривожланиши оқибати натижаси ташқи шароитларга, ташқи таъсиротларга боғлиқдир. Лекин бу ривожланишни ташқи шароитлардан ва ташқи вазиятлардан келтириб чиқариб бўлмайди. Бу шароитлар ҳамда вазиятлар ҳаминша одамнинг ҳаётий тажрибаси унинг шахси, индивидуал психологик хусусиятлари ва психик қиёфа орқали таъсир қилади. Мана шу маънода ташқи таъсир индивиднинг ўзига хос психикаси ва шахсий тажрибасини ўз ичига олган ички шароит орқали бевосита таъсир қилади. Ўз даврида И.М.Сеченов одамнинг хатти-ҳаракатлари ташқи таъсиротлар орқали дермикетлашгани ҳақидаги тезисни илгари сурганида, ташқи таъсирот деб содда равишда тушунмасликни эмас, балки аслини олганда, мазкур ҳаётий тажрибаси мужассамлашган барча аввалги таъсиротлар йиғиндисини ҳам назарга олиш кераклигини уқтириб ўтган эди.

Учинчидан, одам фаол мавжудод сифатида ўзи ҳам онгли равишда ўз шахсини ўзгартириши, яъни ўз-ўзини тарбиялаш билан шуғулланиши мумкин. Лекин ўз-ўзини тарбиялаш жараёни теварак атрофдаги муҳитдан ажралган ҳолда бормайди. Ўз-ўзини тарбиялаш муҳит билан мослашган ҳолда ва муҳит билан фаол ўзаро муносабатда содир бўлади. Шунинг учун ўзини ўзи тарбиялашда ҳам муҳитнинг таъсири кўриниб турибди.

Мана шу юқоридаги баён қилинган ҳамма фикрлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, бир хил ташқи шароит, бир хил муҳит, турли болаларга, ўсмирларга, йигит ва қизларга турлича таъсир кўрсатиши мумкин. Мактаб ўқувчисининг психик тараққиётининг қонунлари шунинг учун ҳам мураккабки, психик тараққиётнинг ўзи мураккаб ва қарама-қарши ўзгаришлардан иборат ҳолдир.

Таълим жараёнида ўқувчининг психик ривожланиши

Дунё психологлари, бир томондан таълим ва тарбия, иккинчи томондан эса ривожланиш ўртасидаги муносабат муаммосини ҳам кенг муҳокама қилмоқдалар. Ривожланиш деганда, одатда, ҳодисаларнинг ҳар-хил икки категорияси тушунилади, аммо бу категориялар бир-бири билан чамбарчас боғлангандир:

1. Миянинг ўзи биологик органик етилиши, унинг анатомик билологик тузилиши жиҳатдан етилиши;

2. психик ривожланишнинг маълум динамик даражалари сифатидаги, ўзига хос ақлий етилиш, ақлий ривожланиш. Ўз-ўзидан маълумки, ақлий ривожланиш мия тузулишининг биологик етилиши билан боғлиқдир ва бу фарқ ўқув – тарбия ишларида, албатта, ҳисобга олиниши лозим. Таълим мияни органик жиҳатдан етилишини инкор эта олмайди. Мана шу маънода

биз америкалик психолог Д.Бернернинг ҳар бир бола ўз тараққиётининг ҳар бир босқичида ҳар қандай материални тўла ўзлаштиришга қодир, деган фикрлари билан ҳеч бир келиша олмаймиз. Бизнинг ўйлашимизча, масалан, биринчи синф ўқувчисини қандай гениал педагог ўқитмасин, етти ёшли боланинг бошланғич дифференциал ва интеграл ҳисоблашларни билишга ҳали чиндан ҳам етишган эмас. Бироқ мия тузилишининг органик жиҳатдан етилишни муҳитга таълим-тарбияга мутлоқ боғланмаган ҳолда ўзининг қатъий биологик қонунлари асосида содир бўлади, деб бўлмайди. Шунинг учун биз ақлий ривожланиш ҳақида гапирганимизда бу процессни миянинг биологик жиҳатдан етилиши билан чамбарчас боғлаган ҳолда содир бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Таълим ўз орқасидан ривожланишни эргаштириб борадими? Бу жуда муҳим муаммодир. Бу муаммони ҳал қилиниши таълим жараёнининг мазмуни ва методикасини белгилаб беради.

Ўз даврининг буюк психологи В. Штерн: «Таълим психик ривожланишнинг орқасидан боқади ва унга мослашади, деган фикрни олға сурган эди. С, Вқготский бу фикрга қарши фикр билдириб», «Боланинг психик ривожланишида таълим ва тарбиянинг етакчилик роли бор», деган қоидани биринчи бўлиб илгари сурди ва уни, «Таълим ривожланишидан олдинда боради ва уни ўз орқасидан эргаштириб олиб боради»,-деб аниқ ифодалаб берди. Юқорида баён қилинган биринчи фикрга мувофиқ таълим фақат ривожланиши томонидан эришилган нарсаларда фойдаланилади. Машхур психолог Ж.Пиаженинг фикрича боланинг ва мактаб ўқувчисининг ақлий ўсиши ўзининг ички қонунлари асосида ривожланиб, сифат жиҳатидан ўзига хос бир қатор генетик босқичларни босиб ўтади. Таълим бу ақлий етилиш жараёнини фақат бир қадар тезлатишга ёки секинлаштиришга қодирдир, лекин у ақлий жиҳатдан етилиш жараёнига ҳеч қандай муҳим таъсир кўрсата олмайди.

Демак, таълим ривожланиш қонунларига бўйсунishi керак. Масалан, болада мантиқий оператив тафаккур етилмай туриб, уни мантиқий фикр юритишга ўргатиш мумкин эмас. Таълим турли босқичларни боланинг тегишли психологик имкониятлар пишиб етиладиган маълум ёшга қатъий боғлиқлиги ана шундан келиб чиқади.

САВОЛЛАР

1. Психик ривожланиш нима?
2. Психик ривожланишни юза келтирувчи кучлар нималардан иборат?
3. Биологик омилни психик ривожланишга таъсири қандай?
4. Ижтимоий омиллар инсон психик ривожланишига қандай таъсир кўрсатади?
5. Олимларни инсон психик ривожланиши тўғрисидаги фикрлари.
6. Таълим жараёни нималардан иборат?
7. Таълим жараёнида ўқувчининг психик ривожланишини вужудга келтирувчи кучлар.
8. Штерн В таълимоти.
9. С.Вқготскийнинг таълим тўғрисидаги психологик қарашлари.

БИЛИМЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ

РЕЖА:

1. Билимларни ўзлаштиришнинг моҳияти.
2. Билим фаолиятининг умумий тавсифномаси
3. Билим ва кўникмаларни эгаллашга ундовчи куч
4. Ўқиш фаолиятининг манбалари
5. Билимларни эгаллашда ўқитувчи шахсини роли

Билим кишиларнинг объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни, табиат ва жамиятнинг қонунларини билиб олишидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам билим билиш маҳсулидир. Киши ҳаётда таркиб топган билими тарихий тараққиёт давомида ўзгариб боради, янги билимлар билан тўлдирилади, кишининг нарса ва ҳодисалар тўғрисидаги билимлари тобора чуқур, аниқ, равшан бўлиб ўсиб бораверади.

Барча билимлар оғзаки ва ёзма нутқ орқали авлоддан авлодга ўтиб, кишилар томонидан ўзлаштирилиб борилади. Шу ўринда “Ўқувчиларнинг билимлари қандай бўлмоғи керак?”, деган савол туғилади. Мактаб томонидан бериладиган муайян мақсадга қаратилган билимлар қатъиян илмий, яъни ҳақиқий текширилган бўлмоғи лозим. Ўқувчиларнинг фикри ҳодисаларга, уларнинг моҳиятига йўналтирилиши, нарсаларни пайдо бўлиши, уларнинг ўзгариши ва ривожланишини кўрсатиш, энг муҳими ҳодисалар ўртасидаги ички ўзаро боғланишларни кўрсатиб бериш лозим. Билимлар мазмунининг илмий бўлиши ўқувчиларнинг умумий ўсишига таъсир кўрсатади. Уларнинг билим доирасини кенгайтиради, ёшларни келгусидаги ҳаёти профессионал таълим учун олий ўқув ютларида билимларни чуқурроқ ўзлаштириш учун шароит яратади.

Ҳозирги кунда фан жуда тез ўсмоқда ва унинг янги тармоқлари вужудга келмоқда, табиат ва жамият ҳақидаги тасаввурлар, тушунчалар пайдо бўлмоқда. Буларнинг ҳаммаси ўқувчиларнинг илмий билимларида акс этмоғи керак, албатта;

Ўқувчиларнинг билимларига қўйиладиган муҳим талаблардан бири билимларнинг системалилигидир. Ўқувчилар томонидан ўзлаштириладиган билимлар ўзаро боғланган, аниқ мантиқий тузилишга ва изчилликка эга бўлиши лозим;

Ўқувчиларнинг билими тушунарли, маълум маънога эга бўлмоғи лозим. Ўзлаштириладиган билимларнинг маънодорлиги шундан иборатки, бу билимлар биринчи навбатда конкрет мазмун ўргатилаётган нарса, ҳодиса ва уларнинг қонуниятлари тўғрисида аниқ тасаввур ва тушунчалар билан бойитилган бўлиши керак. Ўрганилаётган материалнинг моҳиятига тушуниш, улар ўртасидаги ўзаро боғланиш ва муносабатларни топиш,

ўзлаштирилаётган қонуниятларни асослаб бериш ҳамда тўғри хулоса чиқаришни билиш демакдир.

Ўқувчининг билими чуқур ва ҳар томонлама бўлиши лозим. Мактаб таълими шароитида билимнинг чуқурлиги муайян фаннинг тараққиёти даражасига, шу билан бирга мактаб таълимининг мақсад ва вазифаларига ҳамда ўқувчининг ўсишига қараб турлича бўлади. Билимнинг чуқурлиги ўқитиш усулига, ўқувчиларнинг хусусиятларига, ақлий тараққиётига боғлиқдир.

Ўқувчиларнинг билими ҳаёт тажрибалари билан боғланган бўлиши лозим.

Ўзлаштириш муайян билим, кўникма ва малакаларини эгаллашга қаратилган, муайян мақсадга таянган билиш фаолиятидир. Ўзлаштириш, муайян мақсадга педагогик таъсир тариқасида ўқувчилар онгида, уларнинг ўқиш ва амалий фаолиятида ўз ифодасини топади.

Ўқиш фаолияти шахс камолотида катта рол ўйнайди ва муҳим маъно касб этади.

Бу шундай фаоллики, унинг жараёнида билимлар малака ва турли кўникмалар ўзлаштирилади. Болаларнинг онгли мақсадга йўналтирилган ўқиш фаолияти уларнинг мактабга кириб, таълим олишга киришилганидан кейин бошланади.

Ўқиш фаолияти жараёнида юқори фаоллик уй вазифаларини системали ва мустақил бажариб боришига одатлантириш, ўқувчиларнинг ўқиш фаолиятини мувоффақиятли ташкил қилишнинг муҳим шартидир.

Билимларни эгаллаш жараёни ўқитувчиларнинг раҳбарлигидаги билиш фаолиятининг асосий формасидир. Ўқитувчи ўқувчиларга янги ўқиш материалларини тушунтирибгина қолмай, балки уларнинг максимал даражасини мустақил билим эгаллашга ундаш керак. Ўзлаштириш жараёни билиш фаолияти тариқасида инсон психик тараққиётини барча томонларини ўз ичига олади. Ўзлаштириш идрок, хотира, тафаккур, ҳис-туйғу, ирода ва шахснинг бошқа бир қатор хусусиятлари билан бевосита боғлиқдир. Билимларни ўзлаштириш ўқувчининг ўқишга бўлган тайёрлиги, илгари ҳосил қилган кўникмалари ақлий тараққиётига, ёш ва индивидуал хусусиятларига боғлиқдир.

Юқоридаги фикрларга қисқача изоҳ бериб кетамиз.

Ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштириши, материални идрок қилишдан бошланади. Идрок нарса ва ҳодисаларнинг сезги органларига бевосита таъсир этганда яхлит акс эттирилишидар. Ўқиш фаолиятида идрок кўпинча кузатишга ўтиб кетади. Ўқувчи ўзи ўрганаётган нарсаларни, ҳодисаларни уларнинг хусусиятларини борлиқдаги объектларни идрок қилган ва кузатган ҳолда билиб олади. Бундан ташқари, ўқув материалларини ўзлаштиришда ҳиссий билишнинг роли катта. Ҳиссий билиш предмет ва ҳодисаларнинг бизнинг сезги органларимизга бевосита таъсир этиши натижасида пайдо бўладиган психик жараёнларни бирлаштиради.

Ҳиссий билишнинг бошланғич пайти сезгидан иборат бўлиб, сезги предмет ва ҳодисаларни бир бутун ҳолда ўзида акс эттирувчи идрокда, унинг

барча хилма-хил хусусиятларида иштирок этади. Олдин идрок қилинган нарсa ва ҳодисалар тасаввур шаклида эсга туширилади. Ўқувчи ўқитувчининг айтганларини идрок қилиш билан бирга кўргазмали қуролларни ҳам кўрса, амалий машқларни бажарса ўқув материалларни ўзлаштириш анча енгиллашади ва материал мустаҳкам эсда қолади.

Ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштиришлари юқорида айтиб ўтганимиздек, одатда, ҳиссий билишдан бошланади, бироқ идрок қанча мазмунли бўлмасин, ўқувчи материалнинг маъносига тушунмаса, унда ҳеч қандай билим ҳосил бўлмайди.

Маълумки, тафаккур киши ақлий фаолиятининг юксак формаси бўлиб, реал борлиқнинг билвосита ва умумлашган инъикоси, борлиқдаги буюмлар ҳамда ҳодисалар ўртасидаги алоқа ва муносабатларнинг акс этиш жараёнидир. Шунинг учун тафаккур ўқувчиларнинг ўқув материални онгли ўзлаштиришда ва уни амалий ишга тўғри тадбиқ этишни асосий фаолиятидир. Билимни ўзлаштиришда тафаккурнинг турли операцияларини умумлаштириш, таҳлил ва синтез, конкретлаштириш, системалаштириш, абстракциялаш кабилар иштирок этади.

Одамнинг ҳар қандай ақлий фаолияти диққатсиз амалга ошмайди. Ўқувчиларнинг диққати ўқув ишига жиддий қаратилгандагина ўқув материални тўла англаб ва мустаҳкам ўзлаштирилиб олинади. Шу билан бирга, ана шу ўзлаштирилиш жараёнида диққатнинг ўзи ҳам ўсиб барқарорлашиб боради.

Ўқиш фаолиятида диққатнинг барқарорлик, марказланиш, тақсимланиш ва бошқа хусусиятлари ривожланади, диққатнинг ҳажми кенгаяди. Олдин ташқи диққат, яъни ташқи объект ташқи ахборотларга қаратилган диққат ўсиб боради. Ўқувчиларнинг ўсиши ва уларда билимларнинг кўпайиб бориши билан ички диққат ўқувчининг ўз психик ҳаётига қаратадиган диққат ҳам ривожланиб боради. Маълумки, диққатнинг 3 тури - ихтиёрсиз, ихтиёрий диққатдан кейинги диққатлардир.

Хотира инсон тажрибасида нима бўлса ўшани эслаб, сақлаб қолиш кейинчалик яна эсга тушириш ва унутиш билан боғлиқ мураккаб жараёндир. Психология фани ўқув материални эслаб қолиш тезлиги, аниқлиги ва мустаҳкамлигининг муайян шартлари аниқлади. Аввало, ўқув материалининг қандай эслаб қолиши муҳим аҳамият касб этади. Эслаб қолишда сезги органлари қанчалик кўпроқ иштирок этса, унинг шунчалик пухта эсда қолдириш аниқланган.

Дарсда эсда олиб қолган материални хотирада мустаҳкам сақлаб қолишда, такрорлаш муҳим роль ўйнайди. Такрорлашнинг самарали бўлиши унинг миқдорига эмас, балки бу такрорлашнинг йўли материални фаол такрорлашдир. Фаол такрорлаш идрок қилинган материални бир неча марта эсга тушириш, ўқиган нарсани қайта сўзлаб бериш демакдир. Бундай такрорлашда тафаккур ва нутқ фаолияти фаоллашади ва текстнинг мазмунини тўла тушунишга эришилади.

Агар малакаларимиз қатъий тарзда биздаги билимларга таянса, фаолиятнинг мақсади ва талабларига кўра ҳаракатларни муваффақиятли бажаришни таъминласа биз буни кўникма деб атаймиз, кўникма доимо

биздаги аниқ билимларга таянади. Масалан, кўникма ва малакалар ўзаро боғлиқ бўлади, шунинг учун ҳам ўқув фаолияти жараёнида шаклланадиган барча кўникма ва малакалар шахсининг муваффақиятли ўқишини таъминлайди. Иккаласи ҳам машқлар ва қайтаришлар воситасида мустаҳкамланади. Шунинг учун ҳам болада билим ва кўникмаларни эгаллашга ундовчи мотивлар вужудга келади. Мотив – шахсдаги у ёки бу хулқ-атворга мойиллик мақсадига ундовчи кучдир. Бундан ташқари эҳтиёжлар, мақсадлар, мулжаллар, истаклар, қизиқишлар ҳам кишини билим ва кўникмаларни эгаллашга бевосита таъсир қилади. Масалан, техника олийгоҳларида “Материалнинг қаршилиги” номли курс бор дейлик. Шу курсни ўзлаштириш ва ундан синовдан ўтиш кўпчиликка осонликча бўй бермайди. Ҳали курс бошланмасданоқ ёш талабаларда шу курс ва унинг талабларига нисбатан шундай установка шаклланадики, албатта, бу курс қийин, уни олиб борувчи ўқитувчи унга талабчан қаттиқ қўл ва ўта талабчан деган.

Бундай мотивация талабаларга билимларни яхшироқ ўзлаштиришга ундаб туради.

Ҳар қандай мотивларнинг орқасида шахсининг эҳтиёжлари ётади. Яъни мақсад ҳаётда, шахсда аввал у ёки бу эҳтиёжлар пайдо бўлади ва айнан уларнинг табиати ва заруратига боғлиқ тарзда хулқ мотивлари намоён бўлади. Мисол учун талабаниннг ўқув фаолияти, билим олиш мақсади, билим, илм олишга қизиқувчанлик эҳтиёжини пайдо қилади. Бу эҳтиёж тараққиётнинг маълум бир даврида, масалан, боғча ёшидан бошлаб қониктирила бошлайди. Болага сотиб олиб берилган китоблар, дафтарлар ва ўқув қуроллари, маълум таълим масканида ташкил этилган шарт-шароитлар ва бу ердаги бевосита билим олишга қаратилган фаолиятни ўзи бола учун мотив ўрнини босади. Яна оддий мисол, қўлингизда китоб бор. Сиз ҳали уни ўқишни бошламадингиз. Лекин ўқиш истаги бор, шу истакнинг остида эса ўша мазмунни билиш ва тагига етиш эҳтиёжи туради.

Таълим психологияси ўқувчилардаги билим, кўникма ва ўқув малакаларини тез ва пухта ўрганишни ўз ичига олади. Ўқувчилар билим ва кўникмаларни пухта эгаллашда таълим муассасалари яъни, боғча, мактаб, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлари аҳамияти жуда муҳимдир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида фикр ва мулоҳазаларни таъкидлаб ўтиш лозим.

“Бизга миллий кадрлар тайёрлашнинг махсус дастури керак, бу дастур: умум таълим мактабларида дарс бериш сифатини ошириш (ўқитувчиларни, методистларни қўшимча равишда моддий рағбатлантириш, махсус синф хоналари барпо этиш, олий ўқув юртларини, мактабларни оталиққа олишни йўлга қўйиш ва шулар кабиларни);

энг истеъдодли болалар учун мактаблар очишни;

корхоналар билан мактаблар ўртасида сифат жиҳатидан янги муносабатларни жорий этишни;

Хунар-техника билим юртларида хўжалик ҳисобини жорий этишни ва шу асосда оммавий касб кадрларни тайёрлаш сифатини кескин оширишни;

олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш системасини қайта кўришни ўз ичига олиши керак (Маърифат газетаси 1992 йил 7 январ).

“Таълим тўғрисидаги” янги қонун “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинганга қадар ҳам, биз мактабгача тарбия тўғрисида фикр юритиб келганмиз.

Бугун эса масалага чуқурроқ янгича ёндашмоқдамиз. Дастуримиз талабларига асосан мактабгача таълим тури болани мактабга тайёрлаш билан бирга уни соғлом бўлиб ўсишини таъминлайди, мунтазам таълим олишга тайёрлайди, унда ўқишга интилиш ҳисси уйғонади.

Мактабгача тарбия ёшидаги ўқиш-ўрганиш ҳали системали ҳарактерда бўлмайди. Мактабгача тарбия ёшидаги болани бирор нарсани системали равишда ўқиб-ўрганиш камдан-кам учрайди. Болалар боғчаларида махсус ўқув машғулоти жорий қилинган, ҳар бир ёш учун мос муайян программа талаблари мавжуд.

Мактаб ўқитиш фаолиятининг манбаидир. Боланинг мактабга кириши унинг ҳаётида бурилиш чоғидир. Бола мактабга кириб ўқиши биланоқ унинг ҳаётида ўқиш асосий фаолият бўлиб қолади. Ўқиш ўқувчининг вазифаси, ижтимоий бурчидир. Мактабда бола системали равишда янгиликлар олади. Бу ўқувчининг кундан-кунга ортиб бораётган манбаидир.

Мухтарам Президентимиз Ислон Каримовнинг Республика Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган, “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” нутқида бошқа таълим турлари қатори, умум ўрта таълим мактаблари фаолиятини ҳам жиддий танқид остига олган эди. Жумладан, нутқда бошланғич таълимга иккинчи даражали деб қаралиб келинаётганлиги, ўқувчиларда мустақил, эркин фикр юритиш кўникмалари ҳосил қилинмаётганлиги 11 йиллик ўқув тизими илмий жиҳатдан асосланмаганлиги ва бошқа камчиликлар айтилган.

Бунда энг асосий жиҳат – мактаб битирувчиларида касбга йўналтириш ва меҳнат фаолияти кўникмалари шаклланимай қолаётганлиги, йигит ва қизларни ўз қобилиятлари истаклари, ижодий ва меҳнат мойилликларига монанд ҳолда ҳаёт йўллари босиб ўтишда қийинчиликлар сезилаётганлиги ва шу билан бирга умумий ўрта таълим тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ вазифалар белгилаб олинган эди.

Муҳим масалалардан яна бири, ўқувчиларнинг лаёқатини, қобилиятини ҳисобга олган ҳолда касбга йўналтиришдир. Бу вазифалар мактаб жамоаси ва ота-оналар ҳамкорлигида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташҳис марказлари раҳбарлигида амалга оширилади. Ташҳис марказлари бизнинг мамлакатимизда биринчи марта таъкил этилди. Улар ўқувчининг қобилиятлари ва мойилликларини аниқлашда, соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорликда ҳар йили тиббий-педагогик кўрикдан ўтказиш; ўқувчиларга ва уларнинг ота-оналарига психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш; мактаб ўқувчиларига уларнинг қобилиятларини касб-хунарга мойилликларига, қизиқишлари ва кўникмаларини, ҳисобга олган ҳолда академик лицейда ёки касб-хунар коллежида маълум йўналиш танлашда кўмаклашади ва тавсиялар беради.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисми бўлган узлуксиз таълим тизимига киритилган уч йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълимининг жорий этилиши том маънодаги янгилик бўлади. Юқорида мажбурий таълимнинг тўққиз йили ҳақида фикрлашдик. Ёшларимиз уни тугатганларидан сўнг яна уч йил ўрта махсус касб-хунар ўқув юртлари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида таълим мажбурий-ихтиёрий давом эттирилади.

Олий таълим муассасаларида, шу давргача олинган билимлар, кўникма ва малакалар янада чуқур, кенг ва аниқ бир соҳалар бўйича ўзлаштирилади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида қандай даражадаги олий таълим муассасалари бор?

Улар қуйидагилар:

Университет – кадрлар тайёрлаш ва билимларнинг кенг соҳалари бўйича олий ва олий ўқув юртларидан кейинги таълим дастурларини амалга оширишга имкон беради.

Академия – кадрлар тайёрлаш ва билимларнинг аниқ соҳалари бўйича олий ва ўқув юртидан кейинги таълим дастурини амалга оширади.

Институт – билимларнинг битта соҳаси доирасида аниқ йўналишлар бўйича олиш ва қоидага кўра олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурларини амалга оширади.

Ўқитувчи – мактабдаги таълим-тарбия жараёнининг асосий ташкилотчисидир. Ўқитувчилик – инсон жамияти тарихи бошланишидан то ҳозирги кунгача ҳамма вақт жамият ва жамоатчилик томонидан эътиборга лойиқ эъзланиб келинган касбдир. Ўқувчиларга замонавий билимларни бериш учун ўқитувчининг ўзи шундай билимга эга бўлмоғи лозим.

Ўқитувчи ўз ўқув фанини ўзи ўқитаётган фан қонуниятларини билибгина қолмай, балки таълим ва тарбиянинг қонуниятларини ҳам яхши билиши (билим бера олиш, уни ўргата олиши, тарбиялашни билиши), билимни ўзлаштириш жараёнининг қандай бораётганлигини, ўқувчининг қандай ўқиётганлигини ҳам яхши билиши керак.

Билимларни эгаллаш жараёни ўқувчиларни ўқитувчи раҳбарлигидаги билим фаолиятининг асосий формасидир. Ўқитувчи ўқувчиларга янги ўқиш материални тушунтирибгина қолмай, балки уларни максимал даражада мустақил билим жамлашга ундаши керак.

Замонавий мактаб ўқитувчиси қатор вазифаларни бажаради. Ўқитувчи – синфда ўқув жараёни ташкилотчисидир. Ўқитувчи ўқувчилар учун дарс пайтида қўшимча дарсларда ва шу билан бирга дарсдан ташқари ҳолларда ҳам керакли маслаҳатлар беришда билимлар манбаидир.

Кўпчилик ўқитувчилар синф раҳбари вазифасини бажариб, тарбия жараёнининг ташкилотчилари бўлиб ҳисобланади.

Кузатишларнинг кўрсатишича, ўқитувчининг асл муддаоси андишалилик оқибатида шахслараро муносабат, муомала, мулоқот маромининг бузилиши ва нозик мисолларни англашда ва хоказоларнинг бирига айланиб қолади. Чунончи ўқувчи ўзлаштириши ахлоқи, келажаги тўғрисида ахборот ижтимоий муаммо – оилавий муҳит иқтисодий масала, жамоанинг турмуш тарзи мулоҳазаларидан кейин (ўқувчи жинсига хос

равишда ўзлаштириш даражаси ёки хулқ-одоби ётиғи билан пардали қилиб) муҳокама қилади. Андишалилик ҳам ўқитувчининг ўзига хос фазилатидир.

САВОЛЛАР

1. Билим ва кўникма ҳақида тушунча?
2. Билимларни ўзлаштириш қандай фаолият?
3. Ўқиш фаолиятининг шахс камолотидаги роли?
4. Билимларни ўзлаштиришда ҳиссий билишнинг роли?
5. Билимларни ўзлаштиришда тафаккур операцияларининг иштироки?
6. Таълим жараёнида ўқувчининг хотира хусусиятлари?
7. «Мотив» тушунчаси?
8. Таълим психологияси?
9. Билимни ўзлаштиришда ўқитувчи шахсининг роли?
10. Ҳозирги замон ўқитувчиларига қўйилган талаблар?
11. Ўқув маскани ва ўқувчилар фаолияти?

Мавзу: Ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.

РЕЖА:

1. Ўқувчиларда ақлий ҳаракатларнинг таркиб топиши.
2. Ақлий фаолият усулларини эгаллаш ва ўқувчиларнинг фаолияти.
3. Ўқувчиларда билим олишга бўлган эҳтиёжнинг таркиб топиши.
4. Ўқувчиларда назарий ва амалий тафаккурни ривожлантириш.
5. Ўқувчиларда ижодий тафаккурни ва билим олишга бўлган қизиқишларида ривожлантириш.
6. Ўқувчиларда мустақил ўқиш малакасини таркиб топтириш.
7. Ўқувчиларнинг олган билимларини меҳнатда қўллай олишга ўргатиш.

1. Ўқувчиларда ақлий ҳаракатларнинг таркиб топиши.

Бола мактабга келган кундан бошлаб, таълим жараёнида унда илмий тушунчалар ва тасаввурлар миқдори соат сайин орта боради, у аста секин ўзлаштираётган тушунча ва тасаввурларнинг асл маъноси, моҳиятига тушуна бошлайди. Ўқиш фаолияти кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ақл-идроки, сезгирлиги, кузатувчанлиги, ўқувлиги, эсда олиб қолиш, эсга тушириш имкониятларини ривожлантириш учун муҳим шарт-шароитлар яратади, ўқувчиларда ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш малакаларини шакллантиради. Бундан ташқари, мазкур таълим жараёнида уларнинг билим кўлами кенгаяди, билишга қизиқишлари ортади, ижодий изланиш қобилияти ривожланади, уларда тафаккурнинг фаоллиги, мустақиллиги, маҳсулдорлиги ортади, ақлий имкониятни ишга солиш вужудга келади. Ўқувчи I-II синфда «вақт» тушунчаси билан танишади, лекин у кундалик турмуш тажрибаси

доирасидан ташқарига чиқмайди. III –синф ўқувчиларида эса тарихий темага оид китоблар ўқиш туфайли «соат», «хафта», «ой», «йил», «аср», «юз йил», «минг йиллар», «Узоқ ўтмишда» каби тушунчалар шаклланиб боради. Лекин бу болаларда ҳам катта вақт ўлчовини (миқдорини), кичик вақт миқдорини тушуниб қўйиш, ўтган замонни ҳозирги замонга яқинлаштириш ҳоллари тез – тез учраб туради. Шунинг учун икки хил тарихий воқеа тўғрисида фикр юритишса, сонадаги тафовутни «сал ундан кейин ёки сал илгарироқ» дея изоҳлайдилар, холос. Аслида эса ўн минг йиллар оралиғи ичида рўй берган ҳодиса ҳақида фикр юритилади. Бу даврда ақлий хатти- ҳаракатларни эгаллаш кетма-кет босқичларни босиб ўтади. Ўқувчилар тафаккурининг тараққийсидаги бу босқичларнинг кетма-кетлиги ҳамма фикр юритиш жараёнларида ҳам бир хил бўлавермайди. Чунки болалар маълум шароитда эгаллаган ақлий ҳаракатни бошқа шароитда бажара олмайди. Ўзлаштирилган ақлий фаолият усуллари, кўникма ва одатларни янги шароитга кўчира билмайди. Бунинг асосий сабаби, уларда ўрганилган мавзуларга боғланган тасаввур образларининг маҳкамланмаганлигидир. Ўсмирлик даврига келиб, таълим жараёнида ўқувчиларнинг ақлий фаолияти тараққиётида муҳим силжишлар рўй беради. Кичик мактаб ёшидаги болаларда эндигина ривожланиш босқичига кўтарилган интеллект ўсмирлик даври янада такомиллашади. Таълим жараёнида уларда материалларни таҳлил ва синтез қилиш, муаммони моҳиятига тушуниши жадал суръатлар билан ўсади. Тафаккурнинг ривожланиши интеллектни қўшимча маълумотлар билан атайди. Ўсмир учун ҳарактерли хусусиятлардан бири тафаккурнинг мустақиллиги, танқидлилиги шиддатли, тараққиёт галасига киришдир. Бу эса кичик мактаб ёшидаги ўқувчилардан фарқли ўлароқ ўсмирнинг ақлий фаолиятида янги давр бошланганлигидан дарак беради.

Мактабда ўз-ўзини англаш жараёни, камолоти учун ҳарактерли бўлган фикрлаш тараққий эта бошлайди. У ўзининг шахсий фикрига, мустақил қарашга, бирор масала юзасидан ўз мулоҳазасига эга бўлиш учун ҳаракат қилади. Шунинг учун ўсмир ўқитувчи ва ота-онанинг айтганларига, китоб ва дарсликларга нисбатан тараққий нуқтаи назардан қарайди. Кўпинча ўқувчи мулоҳазасидан ёки дарсликдан хато ва камчиликларни топишга интилиб, ўз позициясида туриб, у фикрларга қатъий эътибор билдиришга, ҳатто тортинишга майл кучли бўлади.

Ақлнинг танқидийлиги айрим ҳолларда педагог билим ўқувчи ўртасида «англашилмовчилик ғояси»ни вужудга келтиради. Бу албатта, ўқувчидан психологик – педагогик тактга риоя қилишни ва унинг чегарасидан чиқмаслигини талаб этишнинг «танқидийлиги» ўсмирларнинг асосий хусусиятларидан бири бўлиб, у ўзгалар фикрини турли баҳоналар, сабаблар билан йўққа чиқаришга қаратилганлиги билан характерланади.

Ўспиринларнинг ақлий фаолияти ўзининг умумлаштириш ва абстракциялаш жараёнининг янада юқорироқ даражаси ҳамда нарса ва ҳодисаларнинг келиб чиқиши сабабини тушунтириш тенденциянинг ортиб бориши ажиралиб туради. Бу баъзи ҳолларнинг чин ёки чин эмаслигини кўрсатиш билан, ўрганилаётган нарсани системага киритиш билан характерланади ва тафаккурнинг танқидийлиги билан бошқа даврдаги

ўқувчилардан ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатдан тафовутланиб туради. Ўспиринлар ақлининг танқидийликда оғмачиликка мойиллик кучли бўлади. Оғмачиликнинг энг асосий сабабларидан бири воқеликнинг мохиятини илмий жиҳатдан тўғри тушунмасликдир. Шунингдек, ўспириннинг «ўз позицияси» да бўш келмаслиги, нарса ва ҳодисанинг асл мохиятини англаб туриб, жўрттага «ўжарлик» қилиши ҳам ана шу оғмачиликнинг бир кўринишидир. Уларда моддий дунё тўғрисида шахсий фикрлар, мулохазалар, илмий дунёқараш таркиб топгандан кейингина тафаккурнинг танқидийлик хусусияти ривожлана бошлайди. Ақлнинг танқидийлигини тарбиялашда ўқитувчи ўқувчи камолотга хос типологик хусусиятига, ақлий камолот даражасига, қобилиятига, шахсий нуқтаи назарига, ўқишга нисбатан муносабатига, қизиқишининг хусусияти ва даражасига, ақлий фаолият операцияларини қанчалик билишига, мавжуд ўқиш кўникмаси ва малакаларига алоҳида эътибор бериш лозим.

Ақл танқидийлигининг ривожланиши юқори синф ўқувчиларининг моддий дунёни, атроф муҳитни ўрганишга, ўқув материалларини пухта ўзлаштиришга, таълим жараёнида ташаббускорликка, фаолликка даъват этади ва бундан ташқари, воқеликни исботлаш ва асослаш кўникмалар таркиб топишига имкон яратади. Ўрганилаётган ходиса тўғрисида ҳукм ва хулоса чиқариш, тасдиқлаш ёки инкор қилиш қобилиятини ривожлантиради.

2. Ақлий фаолият усуллари эгаллаш ва ўқувчиларнинг фаолияти.

Инсоннинг билиш фаолиятида ҳаёл, тафаккур, нутқ ва бошқа психик жараёнлар муҳим ўрин эгаллайди. Ҳар қандай ақлий фаолият билишга, тажрибага ва ижодий тафаккурга асосланади. Янги нарсаларни яратиш инсонга илгари идрок этилган предмет ва ҳодисалар ҳақида тасаввурсиз амалга ошмайди. Тафаккурнинг муҳим операциялари таҳлил ва синтез, умумлаштириш ва муҳимлаштириш бўлиб, ҳар қандай ақлий фаолият ўзаро боғланиб келади. Маълумки, орифметикадан алгебрага ўтиш умумлаштиришнинг юқори босқичга кўтарилишини билдиради. Бинобарин, мазкур ҳолат мавҳумлашган сонлар қайтадан мавҳумлаштирилади, олдин умумлаштирилган нарса ва ҳодисалар қайтадан умумлаштирилади ва натижада «мавҳум мавҳумлаш», «умумлашмани умумлаштириш» деган илмий тушунчалар вужудга келади. Асосан ўқувчилар ўрганаётган фан асослари, аввало уларнинг мавҳум тафаккурини ўстиришга қаратилади. Унинг ақлий фаолияти таъсири остида ўсмирда аналитик синтетик фаолият жадал суръат билан ривожлана бошлайди. Шунинг учун унда асосий натижани изоҳлаш ўқуви мустаҳкамланиб боради. Ўқувчи материалларни муҳим белгиларини ажиратишга, кенг маъноси умумлаштиришни амалга оширишга ҳаракат қилади. Таълим жараёнида анчагина мавҳум тушунчалар, масалан, математикада – нуқта, чизиқ тенглик, ампер, вольт, тарихда – қул, давр бойлик, эксплуатация ва хоказолар вужудга келади. Ўқувчиларда аналитик- синтетик фаолият етарлича ривожланмаган, фикр юритиш усуллари тўлиқ эмаслиги учраб туради. Шунинг учун геометрик масалани ечиш усулини ёки исботлаш йўлини кўрсатиб берилмаса, қийинчиликлар

туғилади, ўқувчилар масалани энг оддий усулида «таваккал» лигича бошлайдилар. Ўқитувчи ўқувчининг ақл – заковатининг тўғри ривожлантириши учун ҳар бир имкониятни тўла ишга солиши:

1) яъни ўсмирларга тўғри тарифлашни, таҳлил қилишни, таққослашни, материалларни мавҳумлаштириши ва умумлаштиришни ўрганиши;
2) уларга ўз фикрини тўғри, равон ва аниқ ифодалаш йўлини тушунтириб бериш лозим. Мустақил равишда ҳукм ва ҳулоса чиқариши, мулоҳаза юритиши каби ақлнинг турли шаклларида фойдаланиши ўсмирларда, ақлий фаолият кўникма ва малакаларни ўстиради, натижада жадал ривожланиш палласи амалга ошади. Юқоридаги вазифаларни бажариш учун аввало ўсмирлар олдида турли объектларни мустақил ҳолда таққослаш, улардаги ўхшаш ва тафовутли жиҳатларни топишни юклаш керак. Бунинг учун уларнинг диққатини қуйидаги саволларга жавоб беришга қаратиш мақсадга мувофиқдир:

1. «Бу ҳолатда қандай умумийлик мавжуд?»
2. «Ушбу нарсалар қайси белги ва жиҳатлари билан бир-биридан фарқланади?»
3. «Мазкур нарсалар ўртасида қандай ўхшашликлар бор?» ва ҳақозолар.

Ўспиринлик даврида ўқув фаолиятида ақлий сифатлар ва индивидуал ўқув хусусиятлар шаклланади.

Юксак нерв фаолияти аналитик –синтетик ҳарактерда эканлигини; таҳлил ва синтез зиддиятли ва шу билан бирга ўзаро боғланган жараёнлар эканлигини И.П.Павлов қайта – қайта таъкидлаган эди. Йигит ва қизлар орасида аналитик ақл намоёндалари ҳам, синтетик ақл намоёндалари ҳам, бўлади. Аналитик ақл намоёндалари умумий илм қоидаларини ўзлаштириш учун ҳар бир қоидани таркибий қисмларга ажиратадилар, фактлар, мисоллар, далиллар қидирадилар ва муайян қоиданинг ҳаққонийлигини исбот этганларидан кейингина қаноатланадилар. Синтетик ақл намоёндалари фактларга, мисолларга ёпиштириб олиб, тезлик билан, баъзан эса шовқалоқлик билан уларни синтез қиладилар ва умумий ҳолда чиқарадилар. Синтетик ақл намоёндалари янги материалларни баён қилишда олдинга югуриб кетгандай ўқитувчи нима демоқчи бўлганини ёки китоб ўқиганда автор нима демоқчи бўлаётганини «фаҳмлайдилар».

Баъзи ўспиринларнинг ақли кўпоқ ҳислар таъсирида бўлади, бошқаларда эса ақлида фактлар мантиқи ҳукмронлик қиладди. Бу хусусиятлар мустақил иншо ёзиш жараёнида яққол кўринади: ҳислар таъсирида бўлган йигит ва қизлар фактларни баён қилишдан кўра, асарларнинг ижтимоий ва айниқса шахсий баҳосини ифода қиладилар; фактлар мантиқига амал қиладиган йигит ва қизлар эса фактларга асосланадилар ва муайян ёзувчининг ва у ёзган асарларнинг ижтимоий аҳамиятини кўрсатувчи далилларини келтирадиган ва ўз фактларини камдан- кам билдирадилар. Ўспирин йигит – қизлар ақлининг ўткирлиги кенглиги жиҳатидан фарқ қилишади: баъзилари кўпдан-кўп фактларни ўзлаштириб, фаннинг асосий қонуниятларини чуқур тушуниб олади, бошқа бирлари эса фактларни ўзлаштириш даражасининг торлиги билан фарқ қиладди. Лекин қонуниятларни чуқур тушунади, учинчи

бир хиллари юзаки ўқиб, анчайин тушуниши ва эсда қолдириши билан кифояланади. Нутқ маданиятида катта тафовутлар кўзга ташланади: одатда, кўп йигитлар ва қизларнинг нутқи бой бўлади, у ҳодисани жонли ва образли қилиб, аниқ ва чуқур тасавур эта оладилар.

Ақлнинг ана шу индивидуал хусусиятларининг вужудга келиши ва мустаҳкамланиши кўп сабабларга боғлиқ. Ўсмирлар оиланинг катта ёшли аъзолари ва ўқитувчиларига, айниқса, сеvimли ва хурматли кишиларига разм солиб, уларнинг юриш туришига ва муҳокама юритишига ихтиёрий равишда ёки кўпинча беихтиёр тақлид қиладилар. Ёшлик даврида эса бу тақлид ақлий фаолиятни барқарор формаларини вужудга келтира олади. Муайян фанларни ўрганишда эришилган ютиқлар ва рағбатлантиришлар ўқув материални эсда сақлаб қолиши ва эсга тушуриши усуллари мустаҳкамлаши мумкин.

3. Ўқувчиларда билим олишга бўлган эҳтиёжнинг таркиб топishi.

Инсонни тарбиялаш нозик, ниҳоятда катта диққат эътибор талаб қиладиган ички зиддиятли жараёндир. Бинобарин, ўсаётган киши шахсининг қайси йўллар билан шаклланиб бараётганини олимларга хос зўр хавас ва синчиковлик билан кузатиш лозим. Ўқитувчи ўзининг фақат муаммосига, интуициясига таяниб иш қилмаслиги керак.

У педагогик жараёни бошқариш учун уни яхши билиш керак. Таълим бериш ишида шахсни ривожлантиришнинг асосий вазифаларидан бири бажарилади ёки авлодга инсоният тажрибасида олинган билимлар берилади, унда зарур ҳаётий малака ва кўникмалар шакллантирилади. Ўқувчи таълим жараёнида ўзининг умумий меҳнат фаолиятида иштирок этишга ва муҳим, ижтимоий ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга имконият берадиган билимларни олади. Таълим билиш фаолиятини бир тури сифатида ҳозирги педагогик фанда бир неча асосий маънони англатади. Яъни:

- ўқувчиларда билим, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш;
- уларда дунёқарашни, фикр ва эътиқодларни шакллантириш;
- ўқувчиларнинг муайян даражада ўқилиши, маданиятли, тарбияли киши бўлишларига эришиши;
- уларнинг қобилиятларини ўстириш.

Таълим инсон билиш фаолиятининг энг мураккаб турларидан бири бўлиб, индивидуал психик ривожланишни ва билимларни ўзлаштиришни анча тезлаштиради.

Ўқиш (билим олиш) ўқувчининг кишилар тарбиясида билиб олган қонуниятларни ўзида акс эттиришдир. Теварак атрофдаги дунёнинг қонуниятларини билишнинг камида икки усули бор: бири уларни инсониятнинг ижтимоий – тараққиёти орқали, иккинчиси эса, одамнинг индивидуал ривожланиши орқали билишдир. Илмий назарияси пайдо бўлиши ва шаклланишнинг биринчи усули такрорланмайди, иккинчи усули эса боланинг ёки ўқиб турган катта ёшли индивидуал ривожланиши давомида такрорланади. Гарчи ўқувчи янги назариялар ярата олмасдан, у маълум нарсаларгина ўрганиш билан шуғуланса ҳам, унинг билиш фаолиятидан олимларнинг билиш фаолиятига хос хусусиятлар бор.

Ўқиш фаолияти энг аввал ўқитувчи раҳбарлигида ва ўқувчиларнинг фаол иштироки натижасида ўқувчиларнинг билим, иқтидор ва малакалар эгаллаш жараёнидир. Ўқитувчи болаларга билим бера бориб, уларга иқтидор ва малакаларни сингдира бориб ўқувчиларни фикрлашга ва кузатишга, ўз фикрини ва тушунчаларни ифода қилишга ўргатади.

Ўқитувчининг энг муҳим вазифалардан бири болаларда бадиий адабиёт ўқишга, жамоа ишига бошқа кишиларга фойда келтиришга интилиши эҳтиёжларини тараққий эттиришдир.

Билимга бўлган эҳтиёжни 7-8 яшар болалар унча тушуниб етмайдилар. Бинобарин, ўқитувчи мактабда ўқитишнинг биринчи йилидаёқ уларда илмий маълумотларга қизиқишни уйғотиш керак.

К.Д.Успенский бундай деб ёзган эди; «Ўрта ва қуйи ўқув юртларида ўқувчини ўз-ўзидан фанга қизиқишини кутиб ўтириши ярамайди, лекин ўқитувчи ўзини тингловчи барча ўқувчиларни ҳамиша қизиққан ҳолда ушлаб туришга ёрдам берадиган метод керак бўлади». Ўқиш маълум даражада ўқувчиларни қизиқишларига таяниши, лекин айна вақтда ўқиш уларнинг эҳтиёжларини тараққий эттириши ҳам лозим.

Ўқувчиларни ривожлантиришда ўқув материалларининг фойдалилиги ва зарурлигини бир-биридан фарқлаш лозим. Ўқувчининг ўз атрофини ўраб олган дунёни тўғри тасаввур қилиши ва тушунишига ёрдам берадиган билимларнинг ҳаммаси ҳам фойдали. Лекин, шунга қарамай, ўқув материални муайян қисмларга бўлиш ва боланинг ривожланиши учун айна фурсатдир. Билимларнинг худди шу йиғиндиси зарур, деган ишонч бўлиши керак. Масалан, биринчи синф ўқувчиларига ўргатилган геометрик материал фойдали. Аммо шундай бўлса ҳам, ўқитувчи бу материални синфда ўрганиши албатта зарурлигини педагогик ва методик асосларини билиши керак.

Кичик ёшдаги ўқувчилар билиши зарур бўлган билимларни ўзлари учун фойдасиз ва кераксиз деб ўйлаши мумкин. Масалан, баъзи болалар нота ёзувини ўрганишни хоҳламайдилар, чунки ўзлари учун кераксиз деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун ўқитувчи бераётган билимни қанчалик фойдали эканлигини, инсон ҳаётида муҳим ўрин тутишини ўқувчилар онгига сингдириб бориши ва билим олишга қизиқишини ривожлантириш керак. Мактабда бериладиган янги билимлар ўқувчида бўлган билимларга, унинг турмуш тарзида асосланиши керак; ўрганиладиган билимлар системаси болани умумий савиясини юқори кўтаришга ёки шундай ўзгаришга қаратилган анъаналар яратиш лозим; конкрет шароитларда ўқув материалларининг ўқувчиларни ривожлантириш учун зарурлиги очиқ кўриниб туриши керак.

Ўқувчиларда билим олишга бўлган эҳтиёжни таркиб топтириш учун аввало, мактаб тамонидан бериладиган билимлар, қатъиян илмий яъни ҳақиқий, тушунарли бўлмоғи лозим; ўқувчилар тамонидан ўзлаштириладиган билимлар ўзаро боғланган, аниқ мантиқий тузимга ва изчилликка эга бўлиш лозим; ўқувчиларнинг билими маълум маънога эга бўлмоғи лозим. Яъни ўзлаштириладиган билимларнинг маънодориги шундан иборатки, бу билимлар, биринчи навбатда, конкрет мазмун ўрганилаётган нарсга ва ҳодисалар уларнинг қонуниятлари тўғрисида аниқ тасаввур ва

тушунчалар билан бойитилган бўлиши керак. Ўрганилаётган материалнинг маҳиятига тушуниш, улар ўртасидаги ўзаро боғланиш ва муносабатларни топиши, ўзлаштирилаётган қонуниятларни асослаб бериш ҳамда тўғри хулоса чиқаришни билиш демакдир. Ўқувчиларга берилаётган билим чуқур ва ҳар тамлонлама бўлиши ҳамда ҳаёт тажрибалари билан боғланган бўлиши лозим.

4. Ўқувчиларда назарий ва амалий тафаккурни ривожлантириши.

Тафаккур умумлашган даражасига биноан конкрет ва абстракт тафаккурга, йўналишига қараб эса назарий ва амалий тафаккур турларига ажратилади.

Ҳодисаларни изоҳлашга, фараз қилишга қаратилган тафаккур назарий тафаккур деб аталади. Тушунчалар ўртасидаги боғланишларни муносабатларни, ички боғланишларни назарий жиҳатдан фикр юритиш йўли билан изоҳлаш каби жараёнларни назарий тафаккур ёрдамида амалга ошириш мумкин. Воқеликни ўзлаштириш воситаси билан реал нарса ва ҳодисаларни яратишга йўналтирилган фикр юритишни амалий ва назарий вазифаларни янги усуллар билан ҳал қилиш, онгимизда янги тасаввур тушунча ва ҳукмлар ҳосил қилиш муайян янги нарсалар яратиш билан боғлиқ мураккаб тафаккур жараёнидир. Ўқувчиларда назарий тафаккурнинг таркиб топишига математика масалаларини ечиш, грамматик категорияларни ўзлаштириш ва мураккаб чизмалар билан таништириш каби ҳоллар муҳим роль ўйнайди. Амалий тафаккурни таркиб топишида ўқувчиларга диктант, баён ёки иншо ёзиш жараёнини тўғри ривожлантириш муҳим роль ўйнайди.

- 1) Тафаккур ва унинг мустақиллигини ривожлантириш учун асосий муҳим мавзу юзасидан системали тарзда муаммоли дарсларни ташкил этиш лозим, қайсиким ўқувчи тафаккурни стимуллаштиради, хотирада мавжуд билимлар билан чекланиб қолмайди.

Билим эҳтиёжлари ва қизиқишлари тафаккур учун муҳим шароит эканлигини назарда тутган ҳолда дарсларни ташкил этиш лозим.

- 2) Дарс жараёнида ўқувчилардан сўроқни тўғри ташкил қилиш ва алоҳида эътибор бериш лозим. Сўроқ ўқувчининг ривожлантиришга жавоб беришига, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила олишга кўмак бериши лозим. Нутқни ривожланишга катта эътибор бермоқ лозимки, чунки нутқ ва тафаккур бир-бирига боғлиқдир.
- 3) Ўқувчиларни монологик таълимида диалогик таълимни қарама-қарши қўймоқ керак. Амалда тафаккур фақатгина диалогик ҳолатда ривожланади. Бу, албатта, шериклик муҳокама қилинаётган муаммо юзасидан тўлиқ маълумотга эга бўлиш у ёки бу мунозарада тўғри муҳокама қилиш учун имконият яратилишини ёдда сақламоқ керак.

- 4) Таълим амалиётга янада қулай вазиятларни, жавобни кўриб чиқишни, шароитни бошқаришни таклиф этувчи таълим методикаларини жорий этиш лозим. Акс ҳолда, тафаккурнинг предметларнинг «латентлиги» хусусиятига қарама – қаршиликларига эътиборсизлик, мустақил равишда аниқ хулоса ва умумлашмалар чиқара олмаслик каби тафаккурнинг самарасиз усул белгилари шаклланиш хавфи бор. Ўқитувчи мавзунини тушунтиришда ўқувчилар билан биргаликда қанчалик кўп вазиятларни кўриб чиқса, ўқувчи тамонида ушбу мавзу шунчалик яхши ўзлаштирилади.
- 5) Ўқитувчи таълим амалиётида кўр-кўрона «синан ва хато» усулини қўлламасдан балки ўқувчиларни турли қонуниятлар излашга диққат эътиборларини қаратиш лозим.
- 6) Ўқувчиларга тушунтирилган ва кўрсатилган ҳарактерларни англаб олишларни талаб қилувчи саволларни тез-тез бериб туриш лозим.
- 7) Дарсларни ташкиллашда асосий диққат эътиборни уларнинг ташқи кўринишига қараб эмас, балки дарсларни мазмунига ва жозибадорлигига, уларнинг бажарилишига қаратиш лозим. Дарс жараёнида ўқитувчи ўқувчиларнинг муваффақиятларига ва эришган ютуқларига кўпроқ эътибор беришлари керак.
- 8) Ўқувчиларга кўпроқ ижодий вазифалар бериш, турли «чалғитувчи» материаллар билан уларнинг малакаларини ривожлантириш лозим.
- 9) Педагог дарс мобайнида ўқувчиларга мураккаб вазифалар бажариш жараёнида, мохирлик билан «миқдорий» кўрсаткичлар бериши лозимки, бу кўрсатмалар ўқувчилар тафаккурини чегаралаб қўймаслиги лозим.

5. Ўқувчиларда ижодий тафаккур ва билим олишга бўлган қизиқишларини ривожлантириш.

Ижодий тафаккур билиш фаолиятидан бири бўлиб, изчил ўзаро боғланган жараёнлардан ташкил топади. Даставвал, саволлар туғилади, вазифа аниқланади, масалани ечиш ёки саволларга жавоб қидириш жараёнида вужудга келади. Ижодий тафаккур жараёнида баъзи бир вазифаларни ҳал қилиш, фараз қилиш сингари жараёнлар мантиқий фикр юритиш усуллари ва воситаларини қўллаш йўли билан ниятига етказилади. Масалан, математика, физика каби фан асосларини ўзлаштиришда худди шундай ҳолат рўй беради.

Физика ўқув предмети сифатида ўқувчиларга абстракт тафаккурни ривожлантирувчи асосий манбадан бири бўлиб хизмат қилади. Айниқса, физика фани бўйича ўтказиладиган олимпиадалар, қизиқарли ижодий бахслар қўшимча манбалардан топилган далиллар, кашфиётлар, коинот сирларидан маълумотлар, жаҳон энергетикаси масалалари лаборатория методи орқали

физик қонуниятлар билан яқиндан танишиш имкониятлари ўспиринда фикр юритиш фаолиятида силжишни вужудга келтиради. Бу нарсаларнинг барчаси ўқувчиларда билишга қизиқишни тараққий эттиради. Математика, асосан, ўқувчиларнинг абстракт тафаккурини ўстиришга қаратилган фан бўлиб, алгебрик, геометрик, трганометрик шакллар ва уларнинг турли вариантлари билан чуқур ва ҳар тамонлама топишиш муҳим аҳамият касб этади. Адабиёт ўқувчиларда мантиқий ва ижодий тафаккурни ўстиришда асосий роль ўйнайдиган фан ҳисобланади. Тўғараклар таъсири остида мустақил фикр юритиш ақлнинг танқидийлиги, нутқ маданияти тез суръатлар билан тараққий эта бошлайди. Бундан ташқари ўқувчиларни бадиий санъатга бўлган қобилияти ўсади, бадиий диди, ижодий қобилияти, ижодий фикри ва ҳаёли камолот сари кўтарила беради.

Ўқувчиларда билим олишга бўлган қизиқиш хосил қилишда уларни фаол ижодий фаолиятга тортиш катта аҳамиятга эгадир. Бунда ўқувчиларга ўқув материалларидан уларнинг кучи етадиган, қизиқарли топшириқлар бериб бажартириш йўли билан эришиш мумкин. Шу нарса жуда муҳимки, билимларни ўзлаштириш жараёни ижобий эмоционал кечинмалар: билим олишда эришган ютуғидан, бу йўлдаги қийинчиликларни енгишдан қувониш каби эмоционал кечинмалар билан боғланган бўлиши лозим. Ўрганилаётган материалнинг мазмуни ва аҳамиятини ҳаёт билан тушунтириш ўқувчиларни ўқиш ва меҳнатда ўз қобилиятларини кўрсатганлигида, уларни рағбатлантириш – буларнинг ҳаммаси билим олишга қизиқишни таркиб топтиради.

Ўқувчиларда қизиқишларнинг пайдо бўлиши ва ўсишига ўқитувчининг маънавий қиёфаси, унинг билимларини чуқур ва кенг бўлиши ўқув материалларини қизиқарли равишда баён эта олиш, ўқувчиларни ўз дарсига, ўз фаолиятига торта олиши катта таъсир этади.

Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг қизиқишларини ривожлантиришда асосан, ўқишда кўрсатмалиликни (расмлар; дидактик; материал; тажриба экскурсиялар ўтказиш ва ҳоказолар) ўқитувчининг жонли ёрқин ҳикояси муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчилар ўзлари қилишлари керак бўлган кузатишлар, шунингдек, уларнинг мустақил ишларининг бошқа турларига катта қизиқиш уйғотади. Ўқитувчи I синфда «Бароқ Васка» ҳикоясини ўқишдан олдин болаларга ўз мушукларини кузатиш ва бошқа бир қанча саволларга жавоб беришларини таклиф этади. Болалар топшириқни зўр қизиқиш билан бажарадилар, саволларга яхши жавоб бердилар ва ва дарсда белгиланган ҳикояни қизиқиш билан ўқиб чиқдилар ҳамда муҳокама қилдилар. Болаларда бирор нарсага қизиқиш уйғотишни муҳим шарт янги ўқув материални олдиндан маълум бўлган маълумотлар билан тўғри нисбатдир. Ўқувчиларнинг ўзлари ҳамма нарсани яхшилаб ўзлаштириб олган ўқув фанларига қизиқадилар ва бажонидил шуғуланадилар, бирор сабабга кўра ўз билимларида катта камчиликлари бўлган баъзи фанлар билан шуғуланишни жуда ёмон кўрадилар.

Ўқишга қизиқишни юзага келтириш учун янги нарсани эскиси билангина эмас, балки қизиқарсиз материални қизиқарли материал билан ҳам боғлаш керак.

Ўқишга бўлган қизиқишни ўстиришда эмоциялар катта роль ўйнайди. Бунда ўқувчиларнинг ўқув материални эгаллашларида материал ўқитувчини шахси билан узвий суратда боғланиди. Севимли ўқитувчининг қўлида ўқиганингда ҳамма фанлар қизиқарли бўлиб туюлади. Ўқувчиларга ёқиб қолишга муяссар бўла олмаган ўқитувчи болаларни ўқишга қизиқтиришда ҳам жуда қийналади. Ўқувчиларнинг тўғри йўлга қўйилган эстетик тарбияси маданий эҳтиёжларни ўстиришга ёрдам беради. Бошланғич синфлардан бошлаб болаларга адабиёт ва санъатга қизиқиш ҳисларини сингдириб бориш керак. Шу боисдан болаларни китоб ўқишга мохирлик билан изчил қизиқтириб бориш, кичик ёшдаги ўқувчиларни бадиий хаваскорлик тўғрақларида фаол қатнашишлари, музейлар, театрлар, кўргазмаларга боришлари, ўзлари тушунадиган мусиқани тинглашлари – буларнинг ҳаммаси ўқувчиларни маънавий қизиқишларни ўстиришга, ижодий тафаккурини ривожлантиришга, ўқишга бўлган қизиқишларини шакллантиришга имкон беради. Уларни бахтиёр ҳаётга тайёрлайди.

6. Ўқувчиларда мустақил ўқиш малакасини таркиб топтириш.

Ўқитувчи болаларни янги билимлардан хабардор қилиш, уларнинг билим доираларини кенгайтириш, нутқларини такомиллаштириб бориш орқали уларда тафаккурни ҳам ўстиради. Қўйи синфлардаёқ болаларни ўқув материални тушуниб ва ўзлаштириб олишгагина ўргатмасдан, балки уларни қизиққан саволларига жавоб топишга ҳам ўргатиш керак. Болалар дастлаб бу ишни ўқитувчининг бевосита раҳбарлигида, сўнгра эса мустақил равишда бажарадилар.

Таълимнинг дастлабки кунларидан бошлаб ўқитувчи болани фикрлашга ўргатиш; тушунтиришга шошилмаслиги, балки ўқувчига ўзи ўйлаб кўришни таклиф этиши жуда муҳимдир. Бироқ ўқувчининг ўзи тушуна олмаган, битта ҳам тушунтирилмаган масалани қолдириб бўлмайди.

Ҳозирги пайтда болалар мактабдан ташқарида, яъни радио, телевидения, кино, оиладаги суҳбатлар ва китоблар орқали ниҳоятда кўп янгиликлар ва китоблар орқали ниҳоятда кўп янгиликлардан хабардор бўладилар. Шунинг учун ўқитувчи ҳатто кичик ёшдаги ўқувчилар билан олиб борадиган ишида ҳам дарсликлардаги материалнинг ўзи билангина чекланиб қолмаслиги керак. Баъзан болалар билан барқ уриб ривожланаётган фан ва техниканинг турмушимизга киритаётган янгиликлари ҳақида оммабоп суҳбатлар ҳам ўтказиб туриш керакки, улар бу ҳақида ўзлари тушуниб оладиган тўғри тасаввурларга эга бўлсинлар. Билимларни кенгайтириш ўқувчининг ақлий камолотига йўл очиб беради. Ўқувчиларни мустақил баҳо беришга ва уни назорат қилишга ўргатиш зарур. Ўқитувчи нимага? Нима учун? деган саволларга жавоб талаб қилар экан, болаларнинг ўз мулоҳазаларини асослаб беришларига, уларни амалда текшириб кўришларига, ўз фикрларининг тўғрилигини исботлашга ёки хатоларни тан ола бошлашга эришишга интилади. Бошланғич синфлардаёқ мактаб ўқувчилари ўқитувчиларигагина эмас, балки ўзларига ҳам савол беришга ўрганишлари керак. Уларнинг бу саволларга мустақил равишда жавоб

топишга интилишлари, сўнгра ўз фикрларининг тўғрилигини амалда ёки ўқитувчи билан бўладиган суҳбатдан текшириб кўришлари ниҳоятда муҳимдир.

Ўқиш истаги ўқувчиларга, айниқса, кичик ёшдаги ўқувчиларга таълим беришнинг мувоффақиятини янги мазмунга ўтган ҳозирги шароитда ўқувчининг мустақил фикр юритиши, мустақил суръатда билим олиши тобора кўпроқ талаб қилинади. Билимларни ўзлаштириш жараёни ижодий тус олади. Ўқувчининг машғулотларга бўлган муносабатига, машғулотларда ўзини қандай тутиши га тобора кўроқ эътибор қилинади.

Таълимнинг самарадорлиги ўқитувчининг ўз амалий ишига болаларнинг ўқишига изчил ва мунтазам қизиқтириб бориш усулларига жуда ҳам боғлиқдир. Ўқитувчининг вазифаси – ўқувчи фойдаланиб, унда билишга шакллантириш яхши ўрганиш учун нима қилиш кераклиги ўқувчиларга тегшли йўл – йўриқ, кўрсатма ва маслаҳатлар беради. Ўқувчилар ўзлари учун мустақил ўқиб ўрганадилар. Билимларни ўрганиш ва ўзлаштириш ўқувчилар учун, айниқса кичик ёшдаги ўқувчилар учун, қийин ва мураккаб мустақил ўрганишда ўзини кўпроқ шахс сифатида намоён этади, шу сабабли унинг янги материални ўрганиш учун танланган йўлни амалга ошириш ва назорат қилиш қийин. Лекин ўқувчиларни баъзи бири мавзуларни мустақил ўрганишлари уларда мустақил ишлаш малакаларининг ҳосил бўлиши нуқтаи назаридан ҳам олий қобилиятларини ва шахсий фазилатларини ривожлантириш нуқтаи назарда ҳам фойдали ва мақсадга мувофиқдир. Шу сабабли, биринчи синфдан бошлаб, болаларга улар бажара оладиган ўқув топшириқлари берилади.

Ўсмирлик ёшидаги болаларни тарбияловчи кишиларнинг муҳим вазифаси- болалар китобхонлигини яхши йўлга қўйишга ёрдамлашиш ва унга раҳбарлик қилишдир. Китоб ўқишга, билим олишга беҳафсала қилишлар анчагина учраб қолади. Бу ҳафсаласизлик уларда ўсмирлик чоғида пайдо бўлади. Шунинг учун бадий ва илмий – оммабоп адабиётларни мунтазам ўқиб боришни ўсмирнинг ҳаёт қойидасига айлантириш керак. Тажрибамиз бола китобнинг ғоявий мазмунини англаб олишга қийналади. Шунинг учун болалар боп китобни танлаб ва ўқиган нарсалари ҳақида суҳбатлашиб, мустақил ўқишга бўлган малакасини таркиб топтириш ва ўқувчилар китобхонлигининг ғоявий мақсадини таъминлаш керак.

Ўқувчиларнинг олган билимларини меҳнатда қўллай олишга ўргатиш.

Меҳнат тарбияси болаликдан бошланади. Даставвал ўз-ўзига хизмат қилиш, ундан сўнг ясама ўйинчоқлардан «уй қуриш», кейин ота-оналарига ҳўжалик ишларида ёрдам бериш. Меҳнат тарбияси мактабда давом эттирилади. Мактабда машғулотларнинг маълум қоидаларига риоя қилиш, ўқув топшириқларини бажариш, меҳнат дарсларида, ундан сўнг хунар-техника билим юртларида ва бевосита саноатда элементар ишларни амалга ошириш талаб қилинади. Ёш йигит-қизлар шахс сифатида саноатга қандай тарзда келишлари, савдо ходими сифатида дўкон пештахтасига, механизатор

сифатида далага келишлари, меҳнатга нисбатан, ўз – ўзига нисбатан қандай муносабатда бўлишлари, ўзининг профессионал ва фуқоролик сифатларини қайси тамонга ва қанчалик муваффақият билан ривожлантиришлари билим юртининг педагогларига боғлиқдир. Шунинг учун ўқитувчилар ўзларига тегишли билим юртини битирувчиларининг фақат махсус билимлари ва ўқувчиларигагина эмас, балки уларнинг ўз ватанининг меҳнаткаш ва фуқороси сифатида тарбияланганликларига ҳам жавобгардирлар.

Меҳнат тарбиясининг ҳамма даврларида (оилада, мактабда, ўқув юртида, саноатда) меҳнаткаш шахсий ҳислатларининг ва унинг меҳнатга бўлган қобилиятларини мувоффақиятли таркиб топишининг асосий психологик шарт – шароитлар қуйдагилардан иборат: ишлаб чиқариш фаолиятига ундовчи меҳнат муҳити; меҳнат ҳаракатларига тарбияловчи таълим; меҳнатга психологик жиҳатдан тайёрлаш; ўқиш ва меҳнат вазифаларини ҳал қилиш учун шахс сифатларини психологик жиҳатдан сафарбар қилиш; самарали меҳнат.

Ишлаб чиқариш фаолиятига ундовчи меҳнат муҳитига қуйдагилар киради: тарбияланувчи (болани, ўсмирни ва катта ёшли одамни) биргаликда ишлайдиган кишилар гуруҳига ёки жамоасига қўшиш; конкрет меҳнат мажбуриятларини аниқлаш; ишни зарур моддий воситалари билан таъминлаш; меҳнатга жалб қиладиган ташқи шароитни ҳосил қилиш.

Тарбияловчи таълим ўзлаштирилган билимларни шахс хусусиятларига айланиши жараёнидан иборатдир. Бундай билимлар ишонч - эътиқодга айланади, билимларнинг кўлами билимдонликка кўтарилади, малака ва ўқувлар одат, маҳорат ва профессионал (касбий) қобилиятлар даражасига бориб етади. Психологик жиҳатдан тайёрлаш деганда, ўқиш ёки ишлаб чиқариш меҳнатнинг маълум турига нисбатан қобилиятларни фаоллаштириш тушунилади. Психологик жиҳатдан сафарбар қилиш маълум фаолиятни бажариш учун шахсни вақтинча фаоллаштиришдан (асосан иродавий сифатларини) иборат.

Меҳнат унумдорлиги унинг моддий натижалари ва бу натижаларнинг меҳнаткаш психикасига таъсири билан аниқланади.

Саволлар.

1. Ақлнинг танқидийлиги ҳақида тушунча.
2. Ақлнинг танқийдилигини тарбиялашда ўқитувчининг роли?
3. Ўқитувчи ўқувчининг ақл заковатини тўғри ривожлантириш учун қандай имкониятларни ишга солиши керак?
4. Ўқувчининг билимларни ўзлаштириш жараёнидаги фаоллиги қандай ривожланади?
5. Ўқувчиларда кўникмалар қандай йўللار билан ҳосил қилинади?
6. Ўқувчиларда мустақил тафаккур қандай ривожлантирилади?
7. Ўқувчиларда ўқишга бўлган қизиқишларни ўстиришда эмоциялар қандай аҳамиятга эга?
8. Қандай шароитларда таълим ўқувчиларни тарбиялайди?
9. Ўқувчини меҳнатга психологик жиҳатдан тайёрлаш.

10. Касбга бўлган адаптация қандай босқичларни ўтайди?

МАВЗУ: ЎҚУВЧИЛАРДА БИЛИМЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШДАГИ ИНДИВИДУАЛ ФАРҚЛАР

РЕЖА:

1. Ўқишга бўлган қобилият.
2. Ўқишга бўлган қобилиятда билимнинг умумлашганлик даражаси.
3. Ўқувчиларнинг ўқиш ва меҳнатга қобилияти, ўқишга муносабати.
4. Ўқувчиларнинг хотира, тафаккурдаги индивидуал фарқлари.
5. Ўқувчиларнинг ўзига баҳо бериши.
6. Ўқувчиларнинг маънавий дунёқараши, унинг ўқишга таъсири.
7. Ўқувчиларнинг ўзлаштира олмамликлари сабаблари, унинг олдини олиш.
8. Ўқувчиларнинг ўзлаштиришида ўқитувчининг индивидуал ёндашуви.

1. Ўқишга бўлган қобилият.

Ўқишга бўлган қобилият ҳақида фикр юритар эканмиз, аввало қобилиятлар ҳақида бир оз тўхталиб ўтамиз. Яъни қобилиятлар – бу шахсдаги шундай индивидуал, турғун сифатларки, улар одамнинг турли хил фаолиятидаги кўрсаткичлари, ютуқлари ва қийинчиликлари сабабларини тушунтириб беради. Қобилиятлар индивидуал – психологик хусусиятлар сифатида, яъни бир одамнинг бошқа бир одамдан фарқ қиладиган белгилари сифатида таърифланади. Қобилиятлар фақат фаолиятда, шунда ҳам фақат ана шу қобилиятларсиз амалга оширилиши мумкин бўлмаган фаолиятдагина намоён бўлади. Агар кишини расм чизишга ўргатишга ҳали ўрганилмаган бўлса, агар у таъсвирий фаолият учун зарур бўлган ҳеч қандай кўникмани эгалламаган бўлса, унинг расм солиш қобилиятлари тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Фақат расм чизишга ва тасвирий санъатга махсус ўқитиш жараёнида ўқувчида қобилиятнинг бор ёки йўқлиги, аниқланиши мумкин. Бу унинг иш усуллари, ранг муносабатларини қанчалик тез ва осон ўзлаштириб олишда, теварак атрофимиздаги оламда гўзалликни кўришга ўрганишда номоён бўлади.

Шундай қилиб, ўқишга бўлган қобилиятга келсак, совет психологлари таъкидлашича: барча болалар ўқишга қобилиятлидирлар. Ҳар бир нормал ва психик жиҳатдан соғлом ўқувчи ўрта маълумот олишга қодирдир, мактаб программалари доирасида ўқув материални маълум даражада муваффақиятли эгаллашга қодирдир. Лекин бундан ҳамма ўқувчиларга ҳам таълим бериш бир хилда осон, деб асло ўйлаб бўлмайди. Ҳар қандай таълим методикаси шароитида, бу таълим жуда яхши ташкил этилган шароитда бир хил ўқувчилар яхшироқ ҳаракат қилиб, бошқалардан кўра юқори натижаларга эришадилар. Бир ўқувчи алоҳида кўп куч ва меҳнат сарф қилмасдан нисбатан қисқа муддат ичида юксак натижаларни, катта

муваффақиятларни қўлга киритади. Бошқа ўқувчи бўлса, қанчалик интилимсин ва ҳаракат қилмасин, ўша даражага шунчалик тез ва осонликча кўтарила олмайди.

Ўйлаймизки, бугунги кунда деярли ҳеч ким: “Ёмон ўқувчилар йўқ, ёмон ўқитувчилар бор, “деган формулани ҳеч сўзсиз қабул қилавермайди, ўқувчиларнинг ўзлаштирмаслигида ҳеч ким ўқитувчиларни ёппасига айблаб ўтирмайди. Албатта, таълимнинг муваффақиятли бўлиши ва билимлар, куникма ва малакаларнинг жуда юқори даражаси асосан таълимнинг мазмуни билан, таълим методикасининг такомиллашуви, ўқитувчининг маҳорати билан таъмин этилади, лекин ҳамма нарса фақат ана шунга боғлиқ деб ўйлаб бўлмайди. Муваффақият ички шарт-шаритларга ўқувчининг индивидуал – психологик хусусиятларига ҳам боғлиқдир. Ҳар гал, бошқа тенг шароитларда бир хил машқлар, бир хил таълим методикаси фоят ҳар хил натижалар беради.

Бир қатор тадқиқотчилар ўқувчиларнинг ўқий олишлик даражаси ҳар-хил бўлган типларини ажратиб кўрсатадилар. Масалан, Н.А.Менчинская ва М.И.Моро арифметикани ўзлаштириш материали асосида ана шундай икки типни тасвирлаб берадилар. 1-типга мансуб бўлган ўқувчилар тез ўзлаштириш суръатига эгадирлар, деб ҳарактерлайдики, бу суръат тез умумлаштириш, таҳлил ва синтезнинг юқори даражаси, фикрлаш жараёнининг тезлиги билан боғлиқдир. 2-тип секин ўзлаштириш сураъти билан ажралиб туради. Бу ҳол умумлаштиришнинг сустлиги, аналитик, синтетик фаолиятнинг паст даражаси, тафаккурнинг инертлиги билан белгиланади. Ана шундай типларни С.Ф.Жуйков ва К.Г.Павлова грамматикани ўзлаштириш материали асосида тасвирлаб берганлар.

Албатта, ўқий олишликдаги индивидуал фарклар шу қадар каттаки, ҳамма категориядаги ўқувчилар учун бир хилда аптемал бўлган умумий таълим шарт-шароитларини яратиб бўлмайди. Шу нарса белгилаб чиқилганки, кенгайтирилган ва мазмун жиҳатидан анча мураккаб программа асосида таълим бериш ўқий олишлик қобилияти бир мунча юқори эканлиги яққол намоён бўлган ўқувчилар учун оптимал даражадаги таълим бўлади. Материални таълимдаги проблемалилик принципини максимал даражада амалага ошириш асосида тақдим этмоқ керак. Бундай ўқувчиларга проблемаларни ҳал этишнинг асосий, принципиал жиҳатдан янги методларини кўрсатиб беришга қаратилган ва четдан бериладиган нисбатан озгина кўмак кифоя қилади.

2. Ўқишга бўлган қобилиятда билимнинг умумлашганлик даражаси.

Ўқишга бўлган қобилият барча ўқувчиларда бўлганидек билимнинг умумлашганлик даражаси умумий қобилиятларга эга бўлган шахслардагина мужассамлашган бўлади. Яъни шахснинг умумий қобилиятлари ундаги шундай индивидуал сифатлар мажмуики, улар одамга бир қанча фаолият соҳасида ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатиш ва натижаларга эришишга имкон беради. Масалан, техника олий ўқув юртининг талабаси ҳам ижтимоий гуманитар, ҳам аниқ фанлар, ҳам техника фанлари соҳасидаги

билимларни ўзлаштира олади. Бунда унга умумий билимдонлик, нутқ қобилиятлари, тиришқоқлик, чидам, қизиқувчанлик каби қатор сифатлар ёрдам беради. Шунингдек мактаб ўқувчиларининг аксарияти ҳам қатор фанларни яхши ўзлаштириб оладилар ва аъло баҳолар билан якунлайдилар. Бунга сабаб, улардаги умумий қобилиятга эга эканлигидир.

Умумлашган билимларни таркиб топтиришдаги секин сураётни, интеллектуал пастивликни интеллектуал фаолият вақтида ҳаддан ташқари чарчашни ҳисобга олмоқ керак. Бу категориядаги ўқувчилар учун бир мунча секин суръат билан таълим бериш бунда умумий қоидаларни анча кенг кўргазмали ва оғзаки тарзда конкретлаштиришдан, кўп миқдордаги машқлардан фойдаланиш оптимал таълим ҳисобланади. Четдан ёрдам кўрсатишни аста секин камайтириб бориш, шунингдек, масаларнинг қийинлик даражасини секин аста ошириб бориш мумкин. Таълимнинг билишга оид қизиқишларини ривожлантиришга қаратилган мотивацион – қизиқарли томонларига кўпроқ эътибор берилиши лозим. Ана шу ўқувчилар билан олиб бориладиган ишнинг ҳарактерли хусусияти – улар психикасининг ожиз томонларига пассивлик билан мосланиш эмас, балки бу ўқувчилар максимал даражада вояга етиш учун уларнинг ақлий ривожланишига фаол таъсир кўрсатиш принципи бўлмоғи керак. Тарбиячи ва ўқитувчи айрим болаларда ўзининг ўртача эканлиги, қобилиятсизлиги ва ҳатто мукамал эмаслиги ҳақида пайдо бўлган таъсаввурга фаоллик билан қаршилик кўрсатишлари лозим. Таълим бундай ўқувчининг индивидуал хусуситларига мувофиқлашмайди, балки ўқувчининг ўзи тобора тезлашиб ва мураккаблашиб бораётган таълим жараёнига кўпроқ мувофиқлашади.

Мана, мустақилликка эришгандан сўнг, жуда кўп мактабларда иқтидорли синфлар ташкил этилган. Бунда турли синфлардан турли иқтидорли ўқувчилар танлаб олинади, яъни уларнинг аъло даражадаги умумий ўзлаштирган билимлари асосида танлаб олинади. Албатта бундай синфларга кенг билимга эга, малакали ўқитувчилар дарс ўтишади. Қўшимча билимлар берадилар. Лекин бу албатта бир томондан ижобий, бир томондан салбий аҳамиятга эга. Ижобий томони, яъни бунда болаларнинг тез шаклланишига, ақл доирасининг кенгайишига ҳамда болаларда ўқишга ижобий муносабатни таркиб топтиришга муваффиқ бўлинади ва ҳоказолар. Салбий томони эса, бошқа оддий синфлардаги болаларда ишончсизлик, билимларни ўзлаштирмаслик каби қатор салбий томонлари юзага келади.

3. Ўқувчиларнинг ўқиш ва меҳнатга қобилияти, ўқишга муносабати.

Биз ўқувчиларнинг у ёки бу фаолият турида иштирок этиши билан ўқиш ёки меҳнатга бўлган қобилиятини аниқлашимиз мумкин. Барча ўқувчиларнинг ўқишга қобилияти бўлганидек, албатта, меҳнатга ҳам қобилияти бўлади ва бизлар буни шакллантириб боришимиз керак.

Бизга маълумки, мактаб таълимида кичик мактаб ўқувчиларида билишга бўлган қизиқиш, теварак атрофдаги оламни билишга бўлган қизиқиш, кўпроқ билишга бўлган қизиқиш жуда ривожланади. Кейинчалик ўқиш малакасининг ривожланиши билан китоб ўқишга қизиқиш юзага

келади. Даставвал, умуман китоб ўқишга, ундан сўнг эса мазмуни ўткир ва қизиқарли бўлган муайян адабиётларни, эртакларни ўқишга қизиқиши ортади.

Ўсмирлик ёшининг бошланиши ўқиш фаолияти энг юксак босқичининг таркиб топа бошлаши билан бўлинади. Ўсмир учун билиш эҳтиёжларини қондиришга қаратилган мустақил билим ортириш тарзидаги ўқиш фаолиятининг маъноси секин аста очила бошлайди.

Воқеликка бўлган онгли муносабатнинг умуман ўсиши билан ўсмирларнинг ўқишга бўлган онгли муносабатлари сезиларли даражада кучаяди. Ўзларининг ўқиш фаолиятларида улар секин асталик билан шахсий маъно касб этадиган ҳақиқий чуқур билимлар билан янгича муносабатларда боғланган янги, юксакрок босқичга кутариладилар. Ўсмирлар ўқиш фаолиятининг мотивлари таркибига кенг ижтимоий мотивлар аслида муваффақиятга интилиш, иззат-нафс билан боғлиқ бўлган билим мотивлари ва шахсий мативлар бирга қўшилиб кетгандир. Бунда баъзан қарама-қаршилик кузатилади.

Билим орттиришга бўлган интилиш мактабдаги ўқишга бефарқ ёки хатто салбий муносабатда бўлиш билан мактабдаги баҳоларга муносабати билан аралашиб қўшилиб кетиши мумкин. Бу ўқишдаги у ёки бу хилдаги муваффақиятсизликка, ўқитувчи билан бўлган низоъга нисбатан ўзига хос реакция бўлиши мумкин. Ўсмир, одатда, ўзининг ўқишдаги муваффақиятсизликларини қаттиқ ичидан кечиради, лекин унинг иззат нафси баъзан бу муваффақиятсизликка бўлган ҳақиқий муносабатни ниқоблаш хоҳишини туғдиради. Натижада ўқувчи ўқишдаги муваффақиятларга ўзини мутлақо бефарқдек кўрсатмоқчи бўлади.

Ўсмирларнинг ўқишга бўлган ижобий муносабатларининг таркиб топишида ўқув материалининг ғоявий илмий мазмуни, унинг ҳаёт ва амалиёт билан боғлиқлиги, ифода этилишнинг муаммоли ва эмоционал ҳарактерга эга бўлиши ҳамда ўқувчиларга мустақил кашфиёт қувончини кечиртиш имконини бағишлайдиган, уларни қидириб билиб олиш фаолиятларини ташкил қилиш жуда муҳим роль ўйнайди. Ўсмирларнинг муваффақиятга эришиш учун асос бўлган ўқиш ишларининг рационал усуллари билан қуроллантириш жуда муҳимдир. Экскурсиялар адабий ишларнинг ҳар хил турлари, турли тўғараклар ва секциялар ҳам ўсмирларнинг ўқишга бўлган ижобий муносабатларининг таркиб топишига ёрдам беради.

Шунингдек, ўқувчиларда таълим билан биргаликда меҳнатга бўлган қобилиятни ривожлантириб боришимиз керак. Болалар ўз-ўзига хизмат қилиш ва ўзлари учун фойдали бўлган нарсаларни тайёрлаш билан шуғулланаётганларида, уларда меҳнатсеварликни тарбиялашга, хусусан, зўр эътибор бериш керак. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни секин-аста кўпчилик фойдасига қаратилган, бошқалар учун бўлган ва ўз кучларига лойиқ келадиган ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш жуда муҳимдир. Бу нарса яна шунинг учун муҳимдирки, биринчи синф ўқувчиларининг меҳнат фаолиятларида шахсий мотивлар аниқ номоён бўлади. Биринчи синф ўқувчиси ўзи учун бўлган нарсани катта қунт билан берилиб тайёрлайди. Бошқалар учун ишлашга эса, унда ҳали тажриба йўқ. Болалар ўз меҳнатлари

билан теваарак атрофдаги бошқа одамларга фойда келтиришларини секин-аста англай бошлайдилар.

Одатда, ўсмирлар ҳам меҳнат билан зўр хафсала билан шуғулланадилар.

Бунда ўсмирларнинг фаоллик сингари яққол ёш хусусияти ифодаланади. Ўсмирлар меҳнатини уюштиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Бу мактаб устахоналарида меҳнат қилишга ҳам, мактаб хузуридаги ўқув тажриба участкасида ишлашга, уйда қилинадиган меҳнатга ҳам, ижтимоий фойдали меҳнатга ҳам таллуқлидир. Афсуски, кўпчилик мактабларда сўнгги йилларда болалар меҳнатини уюштиришга эътибор берилмай қолди. Бу ҳол ўқувчиларга ҳам таъсир этмоқда, яъни ўсмирлар бир қанча мактабларда меҳнатнинг уюштирилишидан норозидирлар. Уларда меҳнатга бўлган қизиқиш йўқолиб бормоқда, улар меҳнатга бефарқ ёки хатто салбий муносабатда бўлмоқдалар. Бунга қисман сабаб шуки, педагоглар коллективларининг бутун куч ва эътибори янги программаларни ўзлаштириб олишга қаратилган. Бироқ баъзан меҳнатнинг тарбиявий аҳамиятига етарлича баҳо бермаслик ҳам таъсир қилмоқда.

4. Ўқувчиларда хотира, тафаккурдаги индивидуал фарқлар.

Маълумки, ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари ҳар хил бўлиб, улардаги билиш жараёнлари ҳам турлича даражада тараққий этган бўлади. Улар ўзларининг хотираси, тафаккури, турлича дунёқарашга эга эканлиги билан бир биридан кескин фарқ қиладилар. Яъни бунда бир ўқувчига муваффақият билан қўлланган таълим усули, бошқа бирига қўлланилганда кутилган натижани бермаслиги мумкин. Ана шундай таълим жараёнида ҳар бир ўқувчининг психик дунёсига оқилона йўл топа олиш муваффақиятларининг гаровидир.

Демак, одамлар хотирасидаги индивидуал фарқлар хотира жараёнларининг хусусиятларида, яъни бошқача қилиб айтганда, ҳар турли одамларда эсда олиб қолиш ва қайта эсга тушириш қандай қилиб амалга оширилишида ва хотира мазмунининг хусусиятларида, яъни нималар эсда олиб қолинишида намоён бўлади. Хотира жараёнларида индивидуал фарқлар эсда олиб қолишнинг тезлигида, аниқлигида, мустаҳкамлигида ва қайта эсга туширишга тайёрлигида ифодаланади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг хотирасидаги индивидуал фарқларни ҳисобга олиши зарур. Шунинг билан бирга, у ўқувчиларнинг хотирасини ҳар томонлама ривожлантириши керак. Ўқув материали хилма - хиллигининг ўзи ҳам шуни талаб қилади: ўқув материалининг хилма-хиллиги ўқувчилар хотирасини ҳар томонлама ривожлантириш учун максимал қулай шароит яратади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда хотира таълимнинг таъсири билан 2 йўналишда ривожланади. Сўз – мантиқ хотасининг ва маъносига тушуниб эсда олиб қолишнинг роли ва унинг салмоғи кучаяди ва бола ўз хотирасини онгли равишда бошқариш ҳамда хотиранинг номоён бўлишини, тартибга солиш имкониятига эга бўлади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда механик хотира яхши ривожланган бўлади ва улар кўпинча ортиқча меҳнат сарф қилмай, материални сўзма сўз эсда олиб қоладилар.

Яна уларнинг олдига эсда олиб қолиш кераклиги ҳақида вазифа қўйилганда, ҳали у ўзидан конкрет нима талаб қилаётганини тушунмайди. Ўқитувчи бўлса, бу хусусда кўпинча ўқувчига ёрдам бермай, материални тўғри ва етарли даражада тўла қайтариб беришни талаб қилиш билан чекланади. Ўқувчи ўз хотирасини онгли бошқариш, эслаб қолиш, эсга тушириш, эсда сақлаш жараёнларини фаолиятнинг мақсадига мувофиқлаштириш имкониятига эга бўлади. Ўқувчиларда мантиқий хотирадан кўра кўрсатмали – ҳаракатли хотира муҳимроқ роль ўйнайди. Шунинг учун назарий қонун қоида ва мавҳум тушунчалардан кўра воқеа ҳодисаларни, образлар ва нарсаларни тезроқ ва узоқроқ муддат эсда сақлайдилар.

Ўсмирларда хотиранинг ўсиши, эсда сақлаб қолишнинг усулларида тўғри фойдаланиш, уларнинг билимлар, кўникма, малакаларни эгаллашларида катта роль ўйнайди. Ўсмирлик ёшида, хусусан мактабда ўқиш таъсирида ихтиёрий эсда қолдириш ривожланади. Ўсмирларда эсда қолдириш ва ёдлаб олиш тобора онгли ва тушунган ҳолда бўлади. Ўсмирлик ёшида сўз-маъно хотираси тез тараққий этади.

Шу билан бир қаторда, ўқувчиларда тафаккурнинг индивидуал хусусиятлари, энг аввало, уларда фикрлаш фаолиятининг ҳар-хил ва ўзаро бир-бирини тўлдирувчи турлари ҳамда шакллари турлича нисбатда таркиб топгани учун юзага келади. Кичик ёшдаги ўқувчилар тафаккури бошланғич таълимнинг дастлабки даврларда, асосан конкрет, образли ҳарактерга эга бўлиб, улар ўзлари бевосита кўраётган ва эштаётган, умуман, бевосита идрок қилаётган нарсалари ҳақида амалий фикр юритадилар. Шу сабабли бу ёшдаги болалар ўзлари ҳали кўрмаган, идрок қилмаган кўп ҳодиса ва воқеаларнинг қандай содир бўлишини, уларнинг ўзаро боғланишини фикран таҳлил-синтез қилиб улардан тўғри хулоса чиқара олмайдилар. Шунингдек, бу ёшдаги ўқувчилар ўзларининг қилаётган хатти-ҳаракати ва ишлари қандай оқибатларга олиб боришини ва ундан нималар келиб чиқишини ҳам аниқ тасаввур қила олмайдилар.

Ўсмирлик ёшида эса фикрлаш фаолиятининг объекти кескин ўзгаради.

Тафаккур процеслари: таққослаш, таҳлил, синтез, абстракциялаш ва умумийлаштириш ўсмирларда анча асосли ва тўғри бўлади. Ўсмирлар нарса ва ҳодисалар ўртасидаги боғланиш ва муносабатларни чуқурроқ тушуниб, уларнинг моҳиятини аниқроқ англай бошлайдилар.

Билимларнинг ортиши билан ўсмирларда абстракт тафаккур таррақий этади. Тафаккур билан боғлиқ ҳолда ўсмирларда ҳаёл ҳам тараққий қилади.

5. Ўқувчиларнинг ўзига баҳо бериши.

Ўз-ўзига нисбатан баҳо турли сифатлар ва шахснинг орттирилган тажрибаси, шу тажриба асосида ётган ютуқларига боғлиқ ҳолда турлича бўлиши мумкин. Яъни, айти бирор иш, ютуқ юзасидан ортиб кетса, бошқаси таъсирида аксинча, пастлаб кетиш мумкин. Бу баҳо аслида шахсга

бошқаларнинг реал муносабатларига боғлиқ бўлса-да, аслида у шахс онги тизимидаги мезонларга, яъни унинг ўзи субъектив тарзда шаклланади. Масалан, мактабда бир фан ўқитувчисининг болага нисбатан ижобий муносабати, доимий мақтовлари унинг ўз-ўзига баҳосини оширса, бошқа бир ўқитувчининг салбий муносабати ҳам бу баҳони пастлатмаслиги мумкин. Яъни бу баҳо кўпроқ шахснинг ўзига боғлиқ бўлиб, у субъектив характерга эгадир.

Ўз-ўзига баҳонинг паст бўлиши, кўпинча атрофдагиларнинг шахсга нисбатан қўяётган талабларининг ўта ортиқлиги, уларни урдадай олмаслик, турли хил эътирозларнинг доимий тарзда билдирилиши, ишда, ўқишда, ва муомала жараёнидаги муваффақиятсизликлар оқибатида ҳосил бўлиши мумкин. Бунда ўсмир ёки катта одам ҳам, доимо тушкунлик ҳолатига тушиб қолиши, атрофдагилардан четроқда юришга ҳаракат қилиши, ўзининг кучи ва қобилиятларига ишончсизлик кайфиятида бўлиши билан ажралиб туради ва бора-бора шахсда қатор салбий сифатлар ва хатти-ҳаракатларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Ҳаттоки, бундай ҳолат суицидал ҳаракатлар яъни ўз жонига қасд қилиш каби ҳаракатларни келтириб чиқариши.

Ўз-ўзига баҳо ўта юқори ҳам шахс хулқ атворида яхши таъсир кўрсатмайди. Чунки у ҳам шахс ютуқлари ёки ундаги сифатларнинг бошқалар томонидан сунъий тарзда бурттирилиши, ноўрин мақтовлар, турли қийинчиликларни четлаб ўтишга интилиш туфайли шаклланади. Ана шундай шароитда пайдо бўладиган психологик ҳолат оқибатида шахс, хаттоки мағлубиятга учраганда ёки ўзида ночорлик, ўқувсизликларни сезганда ҳам бунинг сабабларини ўзгаларда деб билади ва шунга ўзини ишонтиради. Яъни, нимаики бўлмасин айбдор ўзи эмас, атрофдагилар, шароит, тақдир айбдор.

Шунингдек, катта мактаб ёшидаги ўқувчилар аввал ўзларининг кучли ва заиф жиҳатларини ютуқ ва камчиликларини, муносиб ва номуносиб хулқларини аниқроқ баҳолаш имкониятига эга бўладилар. Агар ўсмирда атрофдаги кишиларнинг оқилона баҳолашлари орқали аниқ баҳолаш юзага келса, ўспиринда бу ҳолат бошқачароқ тарзда кечади. Унда ўз шахсий фазилатини, хулқ-атворини, ақлий ва жисмоний меҳнат фаолиятини таҳлил қилиш, қиёсий баҳолаш майли кучаяди. Ўспирин ўсмирда қараганда ўз маънавияти ва руҳиятининг хусусиятларини тўлароқ тасаввур эта олса ҳам, уларни оқилона баҳолашда камчиликларга йўл қўяди. Натижада у ўз хусусиятларига ортиқча баҳо бериб, манманлик, такаббурлик, кибрланиш иллатига дучор бўлади. Синф ва педагоглар жамоаларининг аъзоларига ғайритабiiй муносабатда бўла бошлайди. Шунингдек, айрим ўспиринлар ўз хатти-ҳаракатлари ақлий имкониятлари ва қизиқишларига паст баҳо берадилар ва ўзларини камтарона тутишга интиладилар.

6. Ўқувчиларнинг маънавий дунёқараши, унинг ўқишга таъсири.

Дунёқараш шахснинг шахслигини, унинг маънавиятини ижтимоийлашуви даражасини кўрсатувчи кучли мотивлардандир. Шунинг

учун ҳам унинг шаклланиши ва ўзгариши масаласи муҳим масалалардан бўлиб, ҳамма вақт ва даврларда ҳам ўта долзарб бўлиб келган. Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач, жамиятда туб ислохотлар бошланди. Ана шу ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири маънавий–маърифий ислохотлар бўлиб, унинг асосий мақсади жамият аъзолари дунёқарашини истиқлол руҳида шакллантиришни мақсад қилиб қўйди. Давлатимизнинг ёшлар борасидаги сиёсатининг асосини ҳам уларда янгича ҳур фикрлик билан янгича дунёқарашни шакллантиришдир.

Маънавият ва маърифат хусусида тўхталиб ўтсак, маърифат-бу одамнинг табиат, жамият ва инсонлар тўғрисидаги турли билимлари, тушунчалари маълумотлари мазмун бўлиб, унинг мазмуни бевосита шахс дунёқарашининг мазмун моҳиятини белгилайди. Демак, ёшларга қаратилган ва улар ўқиб, ўрганиш учун йўналтирилган барча турдаги маълумотлар улар асосида шаклланадиган янгича тасаввурлар янгича дунёқараш учун заминдир. Мустақиллик йилларида эски ўзини тарих олдида оқламаган мафкурадан воз кечилди. Янги мустақиллик ғояси, унинг асосий тамойиллари ёшларнинг маърифатли қилиш борасидаги вазифалар давлатимиз раҳбари Ислом Абдуғаниевич Каримов асарларида мухтасар, аниқ баён этилган. Улар асосида мамлакатимизда янги “Таълим тўғрисидаги қонун” ва “Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури” қабул қилинди. Улар ёшларни энг илғор илм фан ютуқларидан бохабар қилиш, буюк алломалар меросини чуқур ва теран ўрганиш, замонавий технологиялар асосида таълим –тарбия жараёнини ташкил қилиш, ёшларни маърифатли қилишнинг барча шарт шароитларини яратишни назарда тутди. Бу сайи - ҳаракатлар маънавият борасидаги ислохотлар, ўзбек маданияти, санъати, адабиётини ривожлантириш ишлари, тарихимизни тиклаш борасида амалга оширилаётган оламшумул ишлар табиий, ёшларимизда янгича дунёқарашнинг шаклланишига асос бўлади.

Албатта, ўқувчиларнинг маънавий дунёқарашини ўқишга нисбатан ўзининг ижобий самарасини кўрсатади. Яъни маънавий дунёқарашга эга бўлган ўқувчиларда ўқишга бўлган, илм фанга бўлган қизиқиш юқори даражада шаклланган бўлади. Уларнинг тарихга, санъатга ва маданиятга бўлган интилишлари кучли бўлади.

Хусусан, мустақилликдан рухланган, унинг моддий ва маънавий меҳнатларидан баҳраманд бўлаётган ўзбекистонликлар ўтган қисқа вақт мобайнида унинг қадриятлари, ҳар бир шахсга яратилаётган чексиз имкониятлари, илм ва билим борасидаги шарт - шароитларни англаб, ўз - улари онгли равишда ана шу тузумга садоқат ва уни севиш, ардоқлаш ва химоя қилишга тайёрлик фалсафасини шакллантирмоқдалар.

7. Ўқувчиларнинг ўзлаштира олмасликлари сабабли, унинг олдини олиш.

Ўқиши паст даражада бўлган ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини – уларнинг билиш фаолиятига, интеллектуал соҳаларига оид хусусиятларини, шунингдек уларнинг шахсига оид баъзи бир

хусусиятларни синчиклаб таҳлил қилиш асосида муттасил ўзлаштирмасликнинг олдини олиш ва унга барҳам беришнинг айрим йўллари психологик жиҳатдан асослаб берилди, ана шу ўқувчиларга таълим беришнинг оптимал йўллари аниқлаб олинди.

Кўпгина ўқитувчилар муттасил ўзлаштирмовчи ўқувчилар билан ишлашда, ҳамма ўлаштирмовчи ўқувчилар “бир хилда ёмон” тафаккур хусусиятларига эгадирлар ва уларнинг ўзлаштирмаслигига барҳам бериш учун айтиб бир хил ёндашиши зарур, деб хато ўйлайдилар. Ана шу қатор фикр, афтидан бир хил ўқувчилар билан ишлашда кўпинча муваффақиятсизликка учрашга сабаб бўлаётганга ўхшайди. Ҳақиқатда, у ўқувчилардаги тафаккур хусусиятлари жуда ҳар - хил уларнинг муттасил ўзлаштирмасликлари сабаби ҳам ҳар-хил бўлиб улар билан ишлаш методикаси ҳам ҳар-хил бўлиши лозим.

Муттасил ўзлаштирмасликка барҳам беришда ўқувчининг ўз кучига ишонishi, ўз имкониятлари ва қобилиятига ишонч билан қараши муҳим роль ўйнайди. Ўқувчини у ўқув материални ўз ўртоқларидан яхшироқ билиши ва тушуна олишига, қийин деган нарсани қилиб бўлмайди деган маънони билдирмаслигига ишонтириш керак. Ўқитувчилар шу нарсани ҳаминча эсда тутишлари лозимки, ўз кучига ишонч билан қарашни таркиб топтириш ўқувчининг ўз муваффақиятларини, майли дастлабки ва оз муваффақиятларини бўлса ҳам ҳис қилишига жуда ёрдам беради. Шу сабабли ўзлаштирмовчи ўқувчи билан ишлашни шундай ташкил этиш муҳимки, у ўзининг илгарилаб бораётганлигини ҳис қилсин. Бунга дастлабки муваффақиятларининг қувончини ҳис этишга имкон берилсин.

Ўқитувчи ўқувчининг, гарчи оз бўлса ҳам эришган муваффақиятларини таъкидлаш, унинг диққат эътиборини эришган айрим ютуқларига қаратиш учун ҳар бир имкониятдан фойдалангани яхшироқдир.

Ўқувчиларнинг ўзлаштирмасликларига қарши кўрашиши учун, аввало, уларнинг, масалан, орфографияни билмасликлари ёки арифметикадан улгура олмасликларининг сабабларини излаш керак. Олдинги синфларда ўқитишда йўл қўйилган камчиликлар ўқувчиларга нисбатан старли равишда талабчан бўлинмаганлиги ва бошқалар шундай сабаблардан бўлиши мумкин. Масалан, ёш ўқитувчи О.А. 3 синфда 2 йил ўқиётган 12 яшар ўқувчи Аъзимнинг дарслардан улгура олмаслик сабабларини аниқлаб, унга системали равишда конкрет ёрдам курсатади. Аъзимнинг оиласи жуда катта бўлиб, ота-онаси унинг ўқишини мунтазам текшириб, ёрдам бера олмаганлар, бола ўз ҳолига ташлаб қўйилган, у дарсда тушунмаган материалларни қайта ўрганиб тушунишга тиришмаган, натижада кейинги ўтилган материалларни ҳам кўп вақт ўзлаштира олмаган. Шу тариқа у синфда қолиб кетади ва эшитилган материалларни қайта-қайта эшита бериш уни зериктиради, қунт билан ўз устида ишлай олмаслик ва ўзидан анча кичик болалар билан ўқишни истамаслиги, уларни ранжитиши, ўқитувчисидан жуда кўп дакки ейиши, уйдагиларнинг ҳам уни камсита беришлари унинг деярли ҳамма фанлардан улгура олмаслигига ва интизомининг бузишга сабаб бўлади. Ёш ўқитувчи О.А.Аъзим ва унинг ота-онаси билан жиддий ва системали равишда иш

олиб боради, болага исчил ва конкрет ёрдам беради. Натижада Аъзим 3 октябрдан 4 ноябргача бирорта ҳам 2 баҳо олмайди ва биринчи чоракни муваффақиятли тамомлайди.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг ўзлаштириш ва ўзлаштирмаслик сабабларини, шунингдек мактабни тамомлаб чиқувчининг келгусидаги иш истиқболларини аниқлаш учун уларнинг мактабдаги, умуман ҳаётдаги қизиқишларини билиши керак. 1-синфдаёқ ўқитувчи ўқувчиларнинг қайси предметга кўпроқ қизиқишини, масалан, айрим ўқувчиларнинг ўқишни, бошқаларнинг кўпроқ масала ечиш ёки расм солишни яхши кўришни пайқашни мумкин. Шунга қарамай, болаларнинг бу предметларга муносабатлари ҳамма вақт қатъий бўлмайди. Баъзан қизиқишлар, баҳо олишлари билан ҳам ўзгариши мумкин. Тарбия жараёнида болаларнинг қизиқишларини алоҳида ҳисобга олиш керак. Ўрта ва юқори синфларда ўқувчиларнинг айрим предметларга қизиқишлари анча қатъий бўлади.

Маълумки, ҳар бир ўқувчи ақлий ўсиш жиҳатидан бир-биридан фарқланади. Фан асосларини ҳамма ўқувчилар бирдай енгиллик билан ўзлаштирмайдилар. 5-синф ўқувчиси Вали Р. ўқитувчининг ҳарактеристикасига кўра, “ ёмон тушунади, ёмон фахмлайди”. У ҳамма вақт ёмон тушунадими, қандай шароитларда у яхшироқ тушунади? Буларни билиши керак. Ўқувчининг ўқитувчи баён қилаётган материал мазмунига тез тушунмаслигига, кўпинча ундаги диққатсизлик ва қизиқишнинг йўқлиги, ўз ақлий ишини уюштира билмаслиги, пассивлиги сабаб бўлади.

Салбий ахлоқий ҳислатларга эга бўлган ўқувчидаги камчиликларга: қўполлик, ўзининг ўқув машғулотларига эътиборсизлик билан қараш, ёлфончилик, эгоизм ва қайсарлик, ўжарлик кабилар киради. Аммо бу камчиликлар, кўпинча вақтинча бўлиб, улар ҳали ҳарактер ҳислатларига айланмаган бўлади. Шунга қарамай, ўқитувчи бу камчиликларни кўздан кечириб боришлари керак.

Ўқувчининг қўполлиги турли шароитда ва турли сабаблардан келиб чиққан бўлиши мумкин. Шунингдек, айрим ўқувчилар ўқув ишига эътиборсизлик билан қарайдилар. Бу ҳол ҳам турли кўриниш ва турли келиб чиқиш манбаларига эгадирлар. Чунончи, ўқувчининг ўқув ишини назорат қилмаслик, уни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, оилада жуда эркалиб юбориш ёки аксинча ҳаддан ташқари кўп жазолаш, камситиш ўқувчида ўқув ишига қизиқишни йўқотиши мумкин.

8. Ўқувчиларнинг ўзлаштиришида ўқитувчининг индивидуал ёндашуви

Индивидуал ёндашув-ўқувчига таъсир этиш йўли бўлиб, ўқувчини ўрганишдаги дастлабки босқичларидан бири ҳисобланади. Ўқитувчи болалар коллективида ҳар бир ўқувчининг хулқ атворини, қизиқ ўйини, қобилиятини, билимини, ғайратини, ҳарактерини ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия ишларини олиб боради. Баъзи педагоглар индивидуал ёндашишни анча тор маънода, яъни салбий хусусиятларга эга бўлган ўқувчиларни тузатиш йўлларида бири, деб тушунадилар. Тўғри индивидуал ёндашиш, асосан ўқувчини тузатиш талаб қилинганда

қўлланилади. Масалан: системали равишда интизомни бузувчи икки, уч ўқувчи бўлса, синф раҳбари ва бошқа ўқитувчилар ҳаммадан аввал бу ўқувчиларга таъсир этишга ҳаракат қиладилар. Шунингдек, ўқитувчи синфда агар бир неча ўқувчи улгура олмаса, биринчи навбатда уларнинг ҳар бирининг улгура олмаслиги сабабларини аниқлайди ва уларнинг ўзлаштиришларини кўтариш чораларини амалга оширади. Демак, ҳар икки ҳолда ҳам ўқитувчи ўқувчига индивидуал муносабатда бўлса мақсадга эришади.

Яхши ўқитувчи ўқувчиларнинг яхши ёмон томонларини билади улар учун нималар қийин эканлигини пайқайди, бу қийинчиликларнинг олдини олади ва кимларга ёрдамлашини зарур бўлса, ўшаларга кўмак беради. Бундай ўқитувчи ғоят даражада хаяжонли серҳаракат болаларни тинчлантиради, уятчанг, тортинчоқларни маъқуллайди, фаол, истисъодли болаларга ортиқча иш беради, дангасаларни ҳаракатга солишга уринади, қобилиятсизроқларга қўшимча ёрдам кўрсатади. Жумладан, Ф.Н.Гоноболен ўзининг “Ўқитувчи ҳақида қисса” китобида шундай ҳарактерга мисол келтиради: 5 синфдан бир ўқувчи рус тили фанидан доим икки баҳо олади. Ўқитувчи ўйлаб кўриб, унга нисбатан бошқача таъсир қўллашга қарор қилади. У боланинг қониқарсиз ишига уч баҳо қўяди: Буни шунинг учун қилдимки, - деб тушунтиради ўқитувчи, - сен бу сафар, олдинги ишингга қараганда иккита кам хато қилдинг.

- Агар бундан кейин хато яна кам бўлса, “Тўрт” баҳо қўясизми?- деб сўрайди ўқувчи

- Албатта, агар сенинг ҳаракат қилганингни кўрсам қўяман
Ўқувчи кейинчалик жиддийроқ шуғуллана бошлайди.

Индивидуал ёндашув ўқувчини ҳар томонлама ўргана билишда ифодаланади. Ўқувчини ўрганишда унга нисбатан ҳамма вақт одиллик билан иш кўриш керак. Одиллик – ўқитувчи шахсининг муҳим ҳарактер ҳислати бўлиб, ўқувчилар буни жуда қадрлайдилар. Мактаб ўқувчилари ўз билимлари ва хатти ҳаракатларига баҳо беришда ҳаққониятсизлик қилган ўқитувчисини ҳеч қачон кечирмайдилар. Уларнинг фикрича, ҳаққониятсиз ўқитувчи энг ёмон ўқитувчидир.

Индивидуал ёндашишда рағбатлантириш муҳим роль ўйнайди Шунингдек рағбатлантиришнинг ўқувчиларга турлича таъсир кўрсатишини унутмаслик лозим. Бир ўқувчини мақташ керак, чунки мақтов унда ўз кучига ишончни мустаҳкамлайди, бошқа ўқувчини ўз-ўзига тасалли берадиган, ўзига ишонадиган қилиб қўймаслик унга нисбатан мақташ усулини қўллаш ярамайди.

Ўқувчиларни диққат билан ўрганиш вақтида баъзи ўқувчининг вазмин, уятчанг баъзисининг чаққон, яна бирларининг софдил, ростгўй, бошқа бирларининг муғомбир ёлғончи ва ҳаказоликлари аниқланади. Шунингдек, индивидуал ёндашувда ўқувчининг нимага кўпроқ мойил эканлигини, айниқса нималарга қизиқишини, иштиёқини, лаёқатлигини аниқлай билиш муҳимдир, чунки ана шу хусусиятларга суяниб уларга ёндашиш, таъсир этиш усуллари белгиланади. Ўқувчиларга индивидуал ёндашувнинг муваффақиятли ҳал этилиши, ўқитувчининг психология,

педагогика билимларидан тўғри, самарали фойдаланишга боғлиқдир. Шунингдек ўқувчи шахсига тарбиявий таъсир кўрсатишда тарбиячи, ўқитувчиларгина эмас, балки ўқувчининг ўзи ва ўртоқлари яшаётган, ўқиётган коллектив ҳам муҳим роль ўйнайди.

САВОЛЛАР

1. Психологлар ўқишга бўлган қобилият ҳақида нималарни таъкидлаб ўтишади.
2. Умумлашган билимларни таркиб топтириш.
3. Ўқувчиларнинг ўқишга бўлган муносабатлари.
4. Меҳнатга қобилиятни шакллантириш учун нималарга эътибор бериш керак.
5. Ташқи таъсиротлар остида ўқувчиларнинг ўзига баҳо бериши.
6. Ўқувчиларнинг ўзига ўта юқори ёки паст баҳо бериши қандай оқибатларга олиб келади.
7. Ўқувчиларда маънавий – маърифий дунёқарашнинг шаклланиши.
8. Ўқувчиларнинг ўзлаштира олмасликлари сабаблари.
9. Ўқувчиларнинг ўзлаштира олмаслик каби камчиликларини йўқотиш учун нима қилиш керак?
10. Ўқувчилар билимларини ўзлаштиришдаги педагогларнинг индивидуал ёндашуви.

ТАРБИЯ ПСИХОЛОГИЯСИ

РЕЖА:

1. Тарбия психологияси ҳақида тушунча.
2. Тарбия психологиясининг асосий муаммолари.
3. Тарбиявий таъсир усуллари психологик асослари.
4. Тарбияда индивидуал муносабат асослари.
5. Ривожлантирувчи тарбиянинг асосий шартлари.

1. Тарбия психологияси ҳақида тушунча.

Тарбия психологияси-педагогик психологиянинг ёят мураккаб ва кам ишланган бўлимидир. У шахснинг бутун ҳолда таркиб топиши ва ривожланишига оид ички (психологик) механизмларни, шунингдек, унинг айрим хусусиятларини ўрганади.

Шахс фаолият жараёнида моддий ва ижтимоий муҳитнинг ўзаро алоқаси жараёнида шаклланиб боради. Фаоллик бўлмаган жойда шахснинг қарор топиши ва ривожланиши ҳам бўлмайди. Бундай ижтимоий алоқалар, жамият, гуруҳ ҳамда турли жиҳатдаги жамоалар

ҳаётига фаол киришиб кетиш, шахсни шакллантиришнинг муҳим омиллари сифатида майдонга чиқади. Аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда олдиндан режалаштирилган ҳамда ташкил этилган жараён бўлиши, тарбия, шахс ва ижтимоий муҳитнинг ўзаро таъсир кўрсатувчи йўналишлари ҳисобланади.

Шахснинг шаклланиб бориш суръати, унга хос айрим хусусиятларини тўла ва бутун ҳолда барқарор шаклда пайдо бўлиб бориши ўқувчининг меҳнатда, ўқишда, ўйинда ва мулоқот вақтида қанчалик ғайрат кўрсатишига тўғри пропорционалдир. Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш муҳимки, фаолият нима сабабдан амалга оширилиши зарур эканлигини тушуниб олиш таъминлангандагина, ўзининг ривожлантирилган ва тарбия берувчи функциясини бажара олади, яъни, башарти тарбияланувчи онгида англаб етилган барқарор ва кучли ички бир эҳтирос пайдо бўлганда, амалга ошириладиган фаолият тарбияловчи кучга айланади. Ўқувчининг мотивлаштирилган сфераси, яъни унда меҳнатга иштиёқ уйғотадиган муҳит- бу унинг ҳаётий фаолиятининг натижасидир. Мана шу ҳаётий фаолият муҳитида амалга ошириладиган тарбия жараёни муҳим ўринни эгаллайди.

2. Тарбия психологиясининг асосий муаммолари.

Юртбошимиз маънавиятнинг амал топиши, инсоннинг рухий покланиши ва юксалишига даъват этадиган, “инсоннинг ички оламини бойитадиган, унинг имон-иродасини, ички оламини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли кучда” деб ҳисоблайди. (Ҳалқ сўзи 1999 й 28 август)

Шахснинг маънавий шаклланишига турли шаклдаги ижтимоий муҳит таъсир этади. Инсон фаолиятининг мазмунига кўра, шахс билан мунтазам алоқада бўлган муҳит уч гуруҳга бўлинади: кичик муҳит (оила, мактаб, меҳнат жамоаси ва танишлар давраси) катта муҳит (ижтимоий табақалар, касбий гуруҳлар, миллий гуруҳлар, диний гуруҳлар) умум ижтимоий шароит. Ушбу муҳитлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, шахснинг маънавий шаклланишига бевосита ёки билвосита таъсир этади.

Жамиятдаги ижтимоий муносабатлар нечоғлиқ соғлом бўлса, кичик муҳитда шахснинг маънавий шаклланишига таъсир қилувчи салбий омиллар шу қадар кам бўлади ва аксинча, кичик муҳит ижобий омилларга бой бўлса, жамият шунча соғлом бўлади ва тараққий этади.

Инсоннинг шахс сифатидаги пойдевори оилада шаклланади. Инсон ўзини ўраб турган дунё ҳақида дастлабки билимини, яхши ва ёмон тўғрисидаги, хулқ меъёрлари хусусидаги бошланғич тасаввурни, илк тарбиявий таъсирни оилада олади. У шахс сифатидаги дастлабки қадамини ҳам шу ерда ташлайди. Шунинг учун инсон тарбияси айтиш

мумкинки, у туғилмасиданоқ бошланмоғи, яъни оилавий муҳит яхши йўл қўйилмоғи лозим.

Олимларнинг таъкидлашларича, оиланинг асосий вазифаси инсонни ижтимоий, иқтисодий ва демографик жараёнлар билан алоқасини мустаҳкамлайди. Оила шахснинг маънавий шаклланишида ноёб, бошқа ҳеч бир бошқа муҳитда бўлмаган имкониятларга эгадир.

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, оила жамият ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришда жуда ҳам тез таъсирчандир. Шу боис кейинги вақтларда айрим иқтисодий қийинчиликлар сабаб баъзи оилаларда унча-мунча салбий ҳолатлар юз кўрсата бошлайди. Шундай ҳолатлардан бири моддий бойликнинг маънавий бойликдан, устун қўйилишидир.

Шахснинг маънавий шаклланишига салбий таъсир этувчи иккинчи хил омиллар-субъектив омиллардир. Улар оиладаги маънавий, тарбиявий заифлик натижасида юзага келади. Маънавий, тарбиявий заифлик эса ҳаётда турли кўринишларда намоён бўлади.

Оилавий тарбияда йўл қўйиладиган хато ва камчиликлар орасида энг кўп тарқалганлари қуйидаги кўринишларда намоён бўлади: Болаларни меъёридан ортиқ эркалаш, уларнинг инжиқликлари ва тантиқликларига эрк бериб қўйиш, меъёрдан ортиқча қулайликлар яратиш, ижтимоий фойдали бўлган муайян бурчларни бажаришда, хатто кучи етадиган меҳнатдан озод қилиш, эҳтиёжларни чексиз равишда қондириб бориш, шахсиятпараст, дангаса қилиб тарбиялаш ва хоказо.

Тарбия борасидаги салбий ҳолатлардан яна бири, ота-онанинг болага қарши юзасидан бурчини очиқ-ойдин бажармаслигидир. Бундай оилаларда мутлақо тарбия бўлмайди, фарзандлар ўз ҳолига ташлаб қўйилади. Болалар қаровсиз қолади. Бу эса охир-оқибатда уларнинг назоратсиз қолишга, тўғри келган шахслар билан танишишга, турли хил салбий йўналишга эга бўлган одамлар ёки гуруҳ таъсирига тушиб қолишига сабаб бўлади.

Шахс маънавий шаклланишига салбий таъсир ўтказувчи омиллар, аввало, тарбия йўналишининг заифлигидан намоён бўлади. (Тафаккур 1996 №1)

Болалик ва мактаб ёшида шахс тарбиянинг ҳал қилувчи таъсир остида муайян программанинг, англаб олинган мақсаднинг мавжудлиги билан, таъсир кўрсатишнинг махсус ишлаб чиқарилган ва асослаб берилган воситалари, формалар ҳамда методларининг қўлланилиши билан тасодикий ва стихияли таъсирлардан ажралиб туради. Л.И.Божович таъкидлаб ўтганидек, ҳар бир бола шахсини кучларга ишонмаслик, ўз камчиликларнинг тузалмаслигига ишонч ва ўзига хос тақдирга тан бериш ҳислатларини келтириб чиқаради.

Бошқа томондан, ўқувчининг айрим нојуя ишлари ёки баъзи ҳислатларининг салбий ҳарактеристикаси билан боғлиқ бўлган салбий баҳо шахснинг умумий-ижобий йўналишини таъкидлаб ўтиш пайтида катта фойда келтиради. Агар ўқувчи “Сен бошқа қўполлик қилмайсан деб ишонаман, чунки сен унақа болалардан эмассан” “Ўзинг яхши боласану қилган ишингни кўр!”, “Тўғриси ўжарлик сенга ярашмайди сен ҳозирги ҳолатингдан кўра анча ақллироқсан” деган гапларни эшитса, унда, албатта тарбиячининг ишончини оқлаш истаги пайдо бўлади, у ўзининг бемаъни хатти-ҳаракатларидан уяла бошлайди, у ўзига айтилган ва ишонтириб қўйилган, ўзига ярашмайдиган ишларни қилмасликка интилади.

Ўсмирлик ёшидан бошлаб, тарбиянинг янги омили ўз-ўзини тарбиялаш вужудга келади. Ўқувчилар ўзларидан ижтимоий қимматга эга бўлган шахс ҳислатларини топтириш соҳасида хулқ-атворидаги камчиликлар салбий ҳислат ва сифатларга барҳам бериш соҳасида онгли равишда мунтазам ишлай бошлайдилар. Зеро Г.Епенсер айтганидек, тарбия ишида ўз-ўзини такомиллаштириш жараёнига катта ўрин берилмоғи лозим. Инсоният фақат мустақил ўрганиш туфайлигина тараққий этган. (Ислом Каримов “Баркамол авлод орзуси” 1999 й)

Ўқитувчи, ўқувчиларнинг ўз ўзини тарбиялашга раҳбарлик қилишда тўртта вазифани кўзда тутиши керак. Биринчи вазифа – ўқувчининг ўзида шахснинг ижобий ҳислатларини ҳалос этишга интилиш истагини уйғотишдир. Агар бундай истак ҳали булмаса, унинг ўз-ўзидан юзага келишини кутиб ўтирмаслик, бундай истакни қуйидагидек таркиб топтиришга эришиш имконини берадиган, бирор салбий ҳислатнинг олдини оладиган тарбиявий жараённи илмий асосда ташкил этиш асосларини ишлаб чиқиш ҳам педагог психологиянинг муҳим муаммолардан биридир. Бу муаммоларни таркиб топтиришнинг психологик қонуниятларини, унинг ахлоқий тараққиёт қонуниятларини, унинг ахлоқий тараққёт қонуниятларини билишга таянган, шунингдек, боланинг индивидуал хусусиятларини билишга таянган тақдирдагина ҳал этиш мумкин.

3. Тарбиявий таъсир усуллари

Психологлар тарбиявий иш методларининг психологик асосларини ишлаб чиқараётганларида, тарбиянинг ҳар қандай методига абстракт тарзда қараб ва уни баҳолаб бўлмайди, деган фикрга асосланадилар. Бу методлар қўлланилаётганда тарбияланган ўқувчининг ёш ва индивидуал хусусиятларини, иккинчидан, шу ўқувчи аъзо бўлган болалар жамоасининг хусусиятларини, ниҳоят тарбиявий таъсир кўрсатиладиган муайян конкрет шароитларини ҳисобга олиш зарур.

Билимлар-ахлоқий тасаввурлар ва тушунчаларнинг муайян системасини эгалламасдан туриб, унга муҳим таъсир кўрсата олмайди.

Психологик тадқиқотлар жараёнида шу нарса аниқланганки, ахлоқий тушунчаларни ўзлаштириш жараёни жуда мураккаб жараён бўлиб, унга махсус раҳбарлик қилишни талаб этади.

Ўқувчиларнинг тасодифий ҳоллар, кўчадагиларнинг беъмани таъсири, катталарнинг ярамас хатти-ҳаракатлари таъсирида таркиб топадиган ахлоқий тушунчалари тарбиячилар ва жамоа томонидан тўғри, ғоявий раҳбарлик қилинмаса, ҳатто, бузуқ тушунчаларга айланиб қолиши мумкин.

Махсус тадқиқотлар, шунингдек, ўқитувчиларнинг тажрибалари кўрсатганидек, юқорида санаб ўтилган барча методлар ўқувчилар ахлоқий тарбия бериши соҳасида катта фойда келтиради, бироқ улар асло қуруқ, зерикарли, жонга тегадиган панд-насихатга айланиб қолмаслиги керак.

Тарбиячиларнинг шахсий намунаси ўқувчи шахсини таркиб топтиришда муҳим аҳамиятга эга. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи кўпинча ўқитувчисига тақлид қилиб, унга ўхшашга ҳаракат қилади. Лекин биринчидан буни кўпинча тушуниб етмасдан қилади, иккинчидан, ўқитувчининг ташқи кўриниши ва кичикларига тақлид қилади, чунки у ҳали шахснинг номоён бўлишини таҳлил қилишга ва шахснинг барқарор ҳислатларини англаб етишга қодир эмас. Ўсмир ва катта мактаб ёшидаги ўқувчи кўпчилик ҳолларда намунага онгли равишда тақлид қиладилар. Ўсмир ўзини катта деб ҳисоблай бошлагандан эътиборан катталар хатти-ҳаракатларига ва ишларига тақлид қилишга интилади. Шунинг учун унда теварак атрофдаги кишиларнинг, айниқса ўзига энг яқин ва ўзи учун энг обрўли кишиларни, хатти-ҳаракатига қизиқиш ҳамда эътибор бериши юзага келади. Ўқитувчи қанчалик обрўли бўлса, унинг эътиқоди, билимлари, фикрлари, диди ўқувчиларга шунчалик кўп таъсир қиладиган бўлади. Ўсмирлар катталарнинг бирор ҳислатларига онгли равишда тақлид қиладилар ва уларнинг салбий ҳислатлари ва хатта-ҳаракатларини ҳам ўзига сингдириб олади.

Ўқитувчилар ва ота-оналар баъзан тарбиявий ишларда ўзларининг шахсан намуна кўрсатишларининг таъсирига етарлича баҳо бермайдилар.

А.С.Макаренко таъкидлаб ўтган эдики: Бу жиҳатдан одам хулқ-атворининг ҳамма томонлари, ҳатто одамнинг қандай қувониши ва хафа бўлиши, унинг дўстлари ҳамда душманлари билан қандай муносабатда бўлиши, унинг бошқа кишилар билан қандай гаплашиш ва бошқалар тўғрисида қандай гапириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Тарбиячи хулқ атворининг ўз сўзларига зид келиши ҳоллари ҳам тарбия учун жуда зарарлидир.

Агар ўқувчи бундай ҳолни бир неча марта, унинг устига, ҳар-хил кишилар кузатадиган бўлса, унда икки юзламачилик тарбияланади.

Табиийки, ҳамма ўқитувчилар ва ота-оналарнинг камчиликлари бўлмаслигини ҳамда ўз хатти-ҳаракатларида хатоларга йўл қўймасликларини кутиб ўтириш ярамайди.

Мактаб ўқувчисининг ишларига берилган ижобий баҳо, унинг хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш, маъқуллашнинг ҳар-хил турлари (оғзаки рағбатлантириш, мақташ, ота оналарга юборилган хатлар) ўқувчидан ижобий эмоциялар, қилинган ишдан қувончли қаноатланиш ҳиссини пайдо қилади ва бундан кейин ҳам ана шундай қилиш истагини келтириб чиқаради.

Рағбатлантириш ва жазолаш ситемасини қўлланишдаги хатолар шахсан тарбиялаш жараёнида зарарли акс этади. Масалан, меъёридан ошириб рағбатлантириш, мақташ катта зарар келтиради, чунки ўз кучлари ва имкониятлари ҳақида ортириб юборилган тасаввур кеккайиш, манманлик ҳислатларини таркиб топтиради.

Қоралаш ва жазолаш воситаларини қўллаш бундан ҳам назокатлироқ ва ўз эвида бўлиши зарур. Машхур педагог А.В.Сухомлинский тарбия идеали умуман жазосиз, бақириқ-чақириқсиз, қўрқитишсиз, одамийлик, меҳрибонлик, яхшилик билан амалга оширилиши кераклигини таъкидлаб ўтган эди.

А.Г.Ковалёв салбий баҳо бериш ва қоралашнинг ҳар-хил формаларини кўриб чиқар экан, у умуман шахс салбий баҳоланган пайтда бундай баҳо умуман баҳо бўлмаслиги кераклигига эътибор беради. Умуман, салбий баҳо кишини ғазаблантиради, ўзига бўлган ишончсизликни ўйготади. Масалан, ўқувчининг камчиликларини ҳаминча таъкидлаб туриш, унга ҳадеб сен тузалмайсан, деб гапиравериш ярамайди. “Мен сендан ўйинқароқликдан бошқа ҳеч нарсани кутмайман”, “Сен ҳамма вақтдагидек ўжарсан беъмани гапларни гапираверасан”, “Сенинг тузалмаслигинг кўриниб турибди. Одатдаги чоралар билан сени ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Сен чинакам ишбузармонсан” каби ҳарактеристикалар ўқувчиларда ўзига бўлган ишончсизликнинг уйғониши, ўз ҳарактерини ўзи юзага келтиришни ва унинг учун жавоб беришни ишонарли тарзда кўрсатиб, кишиларнинг ўз ўзини тарбиялашда қандай ютуқларга эришганликларни айтиб бериши керак.

Иккинчи вазифа ўқувчига, ўз шахсига танқидий муносабатда бўлишда, ўз хулқ атворидаги хусусиятларини диққат билан одилona тушуниб олишда, ўз камчиликларини яққол кўришда, ўз нуқсонларини фаҳмлаб олишда ёрдамлашиш вазифаси келиб чиқади. Шахс ўзини ўзига хос индивидуал ахлоқий эълон билан доим текширишда ва ана шу текшириш натижаларига қараб ўз хатти-ҳаракатларини тузатади.

Учинчидан, ўқитувчи, тарбиячи ўз ўзини тарбиялаш программасини тузишда шахс хулқ атвори ҳислатларининг қайси

хусусиятларини тарк эттириш, қайсиларига барҳам бериш кераклигини белгилаб ҳамда ҳал қилиб олишда ўқувчиларга ёрдам берадилар.

Тўртинчи вазифа,- ўқитувчи ўзи-ўзини тарбиялашнинг оқилона йўллари кўрсатиб берадилар, ўқувчининг ижобий ҳислатларини таркиб топтириш ва камчиликларга барҳам беришга оид энг мақсадга мувофиқ ва самарали ишлаш усуллари билан қуроллантирадилар.

Ўқувчига кундалик майда-чуйдалар ўз-ўзини тарбиялашнинг зерикарли ва қизиқарсиз бўлиб қолмаслиги учун, А.С. Макаренко маслаҳат берганидек, унинг олдида истиқболли мақсад ҳамда интилишлар системасини ёйиб қўйиш айрим масалаларнинг асосий ҳаётий мақсадга эришиш йўлидаги зарур босқич эканлигини ҳар бир зерикарли ҳамда майда-чуйда иш орқасидан узоқ ва қизиқарли истиқболларини кўриб туришини кўрсатиб ўтиш керак.

Тарбияда индивидуал муносабат асослари.

Тарбиячи қатор индивидуал –психолог хусусиятларга эга бўлиб тараққий этиб бораётган конкрет шахс билан шуғулланади. Бир ўқувчига нисбатан муваффақият билан қўлланган тарбиявий тадбирларни бошқа ўқувчига нисбатан қўллаган вақтида кутилган самара бермаслиги ҳам худди шу билан изоҳланади. Шунинг учун умумий тарбиявий тадбирлар индивидуал ёндашиш билан тўлдирилиши лозим.

Болаларни яхши билиш уларни ҳар биридаги индивидуал, ўзига хос ҳислатларни кўриш зарур. Тарбиячи ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини қанчалик яхши билса, тарбиявий тадбирларни ҳам тарбияланувчиларнинг ўзига хос хусусиятларига мос равишда қўллаб таълим-тарбия жараёнини тўғри йўлга қўя олади.

Индивидуал ёндошишда, биринчи наватда шахсда бирор ҳислатнинг таркиб топишга, таъсир этадиган индивидуал махсус шароитларни билиш ва ҳисобга олиш назарда тутилади. Шахснинг бирор намоён бўлиш табиатини тушунган тақдирдагина тўғри тушуниш мумкинлиги учун ҳам бу ҳолни билиш лозим.

Мактаб ёшда энг кўп тарқалган хатти ҳаракат камчиликлардан бири барча оқилона далиллар ва фикрларга қаршилик кўрсатишда, бошқа кишиларнинг илтимослари, талаблари кўрсатмаларига асоссиз тарзда қаршилик кўрсатишда намоён бўладиган ўжарликдир. Кўпинча бунга ўқувчи нерв системасининг кучли таъсиротлари, қизиқишлари, оғир кечинмалар билан қайта қўзғалишга сабаб бўлади.

Ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатларида тарқалган бошқа камчилик, қўполлик, сурбетлик, катталарни ҳурмат қилмасликдир. Кўпинча бунга катталарнинг ўсмирни менсимаслиги, унинг мустақилликка бўлган табиий интилишини босиб туриш, бу ёшда таркиб топган ўз қадрини билиш фазилатини камситиш сабаб бўлади. Бу менсимасликнинг

бевосита формаси катталарнинг ҳукмронлик қилиши, бевосита формаси тинчлик бермайдиган конкрет ва арзимаган васийлик, яшириш формаси эса ўринсиз ҳамда ҳаддан ташқари меҳрибонлик, ўсмирнинг ўз тенгдошлари кўз ўнгида обрўсини тўкадиган меҳрибонлик кўрсатишдир. Ўқувчиларга қўполлик ва сурбетлик кўпинча ўзларига нисбатан катталарининг адолатсиз муносабатга ёлғонлик, ножўя хатти-ҳаракат, ялқовлик билан асоссиз айблашга жавобан юзага келади. Ўқувчиларнинг қўполлигига, кўпинча яна шу нарса ҳам сабаб бўлади, кўпгина ўқувчилар қўполликни, жасурликнинг белгиси деб биладилар.

Кўпгина болалар хулқ-атворида ёлғончилик, ёмон мақсадларда ҳақиқатдан онгли равишда бўйин товлаш сингари нуқсонлар пайдо бўлади. Ёлғончиликни жуда кўп учрайдиган сабаби қўрқоқлик, танбех ва жазолардан чўчишдир. Ёлғончиликнинг асосини шунчалик мақтанчоқлик ва вайсақилик, кишиларнинг эътиборини ўзига тортиш, катталар ёки тенгдошларини ҳайратда қолдириш истаги, уларнинг ҳурматини қозониш, шундай қилиш билан ўз обрўсини кўтариш хоҳиши ташкил этиш мумкин. Ялқовлик (норма ва соғлом ўқувчиларда меҳнат қилиш истаги ва эҳтиёжининг меҳнатда зўр беришга одатланишнинг йўқлиги) сингари нуқсонга келсак, ялқовликни келтириб чиқарувчи энг кўп тарқалган сабаб ўз болаларини ҳар қандай аҳамиятли меҳнатдан сақлашга ҳаракат қиладиган ота-оналарнинг ўринсиз меҳр-мухаббатидир.

Шартли равишда олганда, ҳар бир ўқувчи нерв системасининг 4та типидан бирига кучли мувозанатсиз. Эпчил типга (унга ҳолерик темперамент тўғри келади) кучли мувозанатли эпчил (сангвиник темперамент) типга кучли мувозанатли. Суст типга (флегматик)ва кучсиз типга (мелонҳолик темперамент тўғри келади) мойил бўлади дейиш мумкин.

Ихтиёрсиз, жиззак, бекорчи ўқувчилар (нerv системаси тез таъсирланадиган типнинг вакили) учун вазмин, осойишта, аммо қатъий талабчанлик зарур. Nerv системаси кучсиз типнинг вакили қўрқоқ, тортинчоқ, ўзига ишонмаган ва руҳан осонгина жароҳатланадиган ўқувчи қўллаб-қувватлашни, далда бериб туришни талаб этади. Бундай ўқувчиларга нисбатан кучли таъсир кўрсатиш чоралари, қаттиқ жазолар, қатъий баҳоларнинг қўлланилиши ярамайди. Уларга муомала оханги ҳам турлича бўлиши керак.

Индивидуал ёндошишда рағбатлантиришнинг ўқувчиларга турлича таъсир кўрсатишини унутмаслик лозим. Бир ўқувчини мақташ керак, чунки мақтов унда ўз кучига ишончини мустаҳкамлайди. Шунингдек, ўқувчиларни камчиликларини таъкидлаб ўтиш ҳам салбий роль, ҳам ижобий роль уйнаши мумкин.

Индивидуал ёндошиш жазо чоралари ва формаларининг қўлланишида ҳам кўринади. Бир хил ўқувчиларга оддийгина қоралаш

таъсир этса, бошқа хил ўқувчиларга қоралашнинг унга ўхшаш формалари таъсир қилмайди ва буни улар тарбиячининг муруввати ёки бўшанглиги деб тушунадилар. Бундай ўқувчиларга нисбатан қаттиқроқ жазо чоралари қўлланилиши керак. Аммо айтилиши вақтда анча қаттиқ жазо чоралари қўлланилиши аниқ асосланган бўлиши зарур.

Охирида ҳаммага маълум бўлган қуйидаги фикрни таъкидлаб ўтамиз. Индивидуал ёндошишда тарбиянинг ишда ҳар бир ўқувчи шахсидаги мавжуд ижобий фазилятларга, чунончи унинг қизиқиш хавасларига, соғлом ахлоқий интилишлари назарда тутилади. Мактаб ўқувчисининг ўқув ишлари жараёнида, кишилар билан муносабатларини мураккаблашув жараёнида ўқитувчи олиб борадиган тарбиявий ишлар, ўқувчиларда зарур сифатларни тараққий эттириш имконини яратади.

Мактаб ўқувчисининг хатти-ҳаракатидаги ижобий ва салбий томонларини, шахснинг таркиб топиши ва тараққий этиши қонуниятларини билмасдан мумкин эмас. Бўлажак ўқитувчининг касбга оид тайёргарлиги сифатини такомиллаштиришдаги зарур шарт, ана шулардан иборат.

Ўқувчиларга таълим тарбия беришда ҳал қилувчи ролни ўқитувчи унинг ўз предметига доир билимлари, болалар жамоасига раҳбарлик қилишнинг уддасидан чиқиши, мактаб амали ишлари, бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш тажрибасини кўрсатишга, болалар билан кундалик ишлаш малакаси ва ўқувлари, уларда янги одам шахсининг ижобий ҳислатларини таркиб топтириш ишлари мактаб предметларидан билим олиш ва ўқитиш методикаси ўргатишга нисбатан анча секин амалга оширилади. Аммо шунинг билан бирга, ўрта умум таълим мактабларида ўқув-тарбия ишлари даражасини кўрсатиш ва ёшларга ғоявий, сиёсий, меҳнат, эстетик ҳамда ахлоқий тарбия беришда бирликни таъминлаш болалик тўғрисидаги қонунларни ҳар бир ўқувчининг фикр-хаёлларини, умид-орзуларини ўқитувчи ўқувчида шакллантириши керак.

САВОЛЛАР

1. Тарбия нима?
2. Тарбия психологияси ҳақида тушунча.
3. Шахснинг маънавий шаклланишига таъсир этувчи омиллар.
4. Бола тарбиясида оиланинг ўрни.
5. Тарбия жараёнидаги асосий муаммолар.
6. Тарбиячиларнинг шахсий намунаси.
7. Тарбиявий таъсир усуллари.
8. Ўз-ўзини тарбиялаш.
9. Тарбияда индивидуал муносабат асослари.

10. Ривожлантирувчи тарбиянинг асосий шартлари.

МАВЗУ: БОЛА ШАХСИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.

РЕЖА

1. Психологияда шахс тушунчаси.
2. Шахс структураси ва фаоллиги.
3. Бола шахсининг ёшга қараб ривожланиб бориши.
4. Бола шахсининг индивидуал психологик хусусиятлари.
5. Ўқитувчи ўқувчи шахсини ўрганиши ва уларга тавсифнома бериш.

Болалалар психологияси- боланинг туғилган пайтидан бошлаб, то мактаб ёшига етгунга қадар психик жиҳатдан тараққий этиш қонуниятларини ва шахсий психологик хусусиятларининг таркиб топишини ўрганадиган фандир. Бола одам сифатида ташқи жиҳатдан катта ёшли одамларга ўхшаса ҳам, ўзининг психик процесслари ва шахсий психологик хусусиятларининг мазмуни жиҳатидан катта ёшли одамлардан кескин фарқ қилади.

Болаларда турмуш тажрибаси деярли йўқлиги сабабли уларнинг, сезги ва идроклари, тафаккур ва ҳаёллари, ҳиссиёт ва иродалари катта ёшли одамлардагидек бўлмайди. Болалар психологияси ҳар бир тараққиёт босқичидаги (яъни, илк ёшлик- чақалоқлик, ясли ёшидаги ва боғча ёшидаги) психик жараёнларнинг ривожланиб боришини ўрганади.

Болалар психологияси предметининг муҳим томонларидан бири турли ёшдаги болаларга сезиш, идрок, диққат, хотира, тафаккур, ҳиссиёт, ҳаёл ва ирода каби психик жараёнларнинг намоён бўлиши, тараққий этиши ҳамда такомиллашувининг қонуниятларини ўрганишдан иборатдир. Болалар психологияси бола шахсий психологик хусусиятларининг қандай таркиб топишини чуқур таҳлил қилади. Бунда болалар психологиясининг болалар шахсини таркиб топишига фаол таъсир қилувчи омиллар қизиқтиради.

Болалар психологияси болалар шахси ва шахсий психологик хусусиятларининг таркиб топиши каби муҳим илмий малакаларни ўрганиб, мамлакатимизга янги типдаги одамларни тарбиялаб етиштириш қонуниятларини очиб беради.

Болалар психологияси ўз предметини ўрганишда умумий психологиянинг инсон психикаси ҳақида қўлга киритилган ютуқларига асосланади. Масалан: умумий психологиянинг психик жараёнлар, психологик ҳолатлар, инсон шахси ва унинг фаолияти ҳақидаги таълимотларидан тўғридан-тўғри фойдаланади. Ўз навбатида умумий психик ҳолат ҳам болалар психологиясининг ютуқларига асосланади. Умумий психология нормал тараққий этган катта ёшдаги одамларнинг психик жараёнлари ва шахсий психологик хусусиятларини ўрганар экан, бу психик жараёнлар ва

шахсий психологик хусусиятларнинг пайдо бўлишини билиш керак бўлади. Психик жараёнлар ва шахсий психологик хусусиятларнинг турли ёшдаги болаларда пайдо бўлиши масаласи билан болалар психологияси шуғулланади. Демак, болалар психологияси билан умумий психология фани ўзаро узвий боғлиқ фандир.

Болалар психологияси анатомия ва физиология фанлари томонидан қўлга киритилган ютуқлардан ҳам кенг фойдаланади. Бунда болалар психологияси хусусан болалар нерв системаси ва олий нерв системаси ва олий нерв фаолиятининг маълумотларидан фойдаланмай иш кўра олмайди. Болалар нерв системасининг нормал тараққиёти ва нормал ишлаши бола психикаси ривожланишининг муҳим шартларидандир. Шунинг учун болалар психологиясининг мутахассислари бола нерв системасининг тараққиёти масалалари билан бевоста таниш бўлишлари лозим.

Болалар психологияси педагогика фани билан ҳам яқиндан алоқадор. Педагогика фани ёшларга таълим-тарбия бериш ва уларни ҳар томонлама гармоник тарзда ривожлантириш ҳақидаги фандир.

Болалар психологияси таълим-тарбиянинг мақсади йўл-йўриқлари ва вазифаларига доир фикрларни педагогика фанидан олади ҳамда унга яқиндан ёрдам беради. Боланинг ақлий тараққиёти қонунларидан хабардор бўлиш турли ёшдаги болалар билан таълим-тарбия ишларини ташкил қилиш имкониятини беради. Болалар психологияси ўзининг мураккаб предметини ўрганишда философияга ҳамда диалектик ва тарихий материализмга асосланади.

Маълумки, диалектик ва тарихий материализм табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисалар тараққиётининг энг умумий қонунларини ўрганади ҳамда инсон онгининг ижтимоий ҳаётга боғлиқлигини исботлаб беради. Табиат ва жамият тараққиётининг умумий қонуниятларидан хабардор бўлиш, болалар психологиясига болалар психик тараққиётининг ўрганишда ва “табiiй зот” бўлиб туғилган боланинг инсон ижтимоий тажрибасини эгаллаб, шахс бўлиб етишишини ўрганишда тўғри йўналишга ёрдам беради.

Болалар психологияси болалар гигиенаси, болалардаги касалликларни ўрганувчи педиатрия ва болалар психопатологияси билан ҳам боғлиқдир. Бу фанлар болалар психологияси намоёндаларига болалар психик тараққиётининг нормал бораётганини чуқурроқ билиш ва нормал тараққиётдан бурилиш сабабларини аниқлаш имконини беради. Болалар психологияси бола шахси ва шахсий психологик хусусиятларининг таркиб топишини ўрганишда болалар адабиётидан, хусусан, автобиографик асарлардан кенг фойдаланилади. Шундай қилиб, болалар психологияси болаларнинг мураккаб психик жараёнлар ва шахсий психологик хусусиятларини ўрганишда бир қатор фанларнинг қўлга киритилган ютуқларидан фойдаланилади ҳамда бу фанларга ҳам ўз предметларини чуқурроқ ўрганишларида яқиндан ёрдам беради.

”Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин деб талаб қиламиз, аммо замонавий билим бериш учун аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак.”

Миллий дастурни амалга ошириш билан боғлиқ муҳим муаммолардан бири “аввал айтганимдек, тарбиячи, яъни ўқитувчига бориб тақалаяпти” — деб таъкидлайди- И.А. Каримов.

Инсон омили билан боғлиқ миллий дастурни барча муҳим вазифаларини ҳал қилишда психология фани ғоят катта роль ўйнайди.

Шахс — ижтимоий муносабатлар йиғиндисидан иборатдир, деган эди. Чунки одам ҳамма вақт маълум бир жамиятда яшайди. Жамиятдан, яъни одамлар жамоасидан ташқарида яшайдиган одамлар жамияти билан боғлиқ бўлмаган биронта одам йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Демак, шахс деганда биз, маълум жамиятнинг аъзоси, шу жамият аъзолари билан ижтимоий муносабатларга киришадиган одам тушунилади.

Одамнинг шахси сифатида теварак атрофдаги одамлар ва турли туман нарсалар билан бўлган алоқалари уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятларида одамлар ўртасида юзага келадиган ҳар хил муносабатларда намоён бўлади .

Одамлар ўзларининг биргаликда амалга оширадиган ишлаб чиқариш муносабатларида бир бирларини англайдилар, хатти- ҳаракатлари ва хулқ атворларидаги ижобий ва салбий томонларини кўрадилар. Шундай қилиб, одам ижтимоий жамиятда тезкор одамлар билан бўлган ижтимоий муносабатлар жараёнида шахс сифатида таркиб топа бошлайди.

Меҳнат туфайли ҳайвонот олаmidан ажралиб чиққан ва жамиятда ривож топаётган, бошқа одамлар билан биргаликдаги фаолиятини амалга ошираётган ва улар билан муносабатга киришаётган киши аста-секин шахсга айланиб бормоқда — моддий дунёни, жамиятни ва хусусан ўзини ўрганиш ва фаол тарзда қайта ўзгартириш субъектига айланмоқда. Индивид сифатида дунёга келган киши алоҳида социал фазилат кашф этади, шахс бўлиб етишади. Кишининг жамиятдаги бундан кейинги ривожланиши муносабатларини шу қадар чигалликларини вужудга келтирадигани, бу ҳол уни шахс сифатида шакллантиради.

Нихоят, XX аср бошларида АҚШда бола рухий тараққиётининг ҳамма муаммоларини батафсил тушунтириб беришни даъво қилиб, педология деган фан юзага келди. Педология иккита сўздан ташкил топган *paides* — «болалар, *lbgys* — таълимот» бўлиб, бизнингча, бола ҳақидаги таълимот деган маънони англатади.

Педология ўзида инсон тараққиётига доир педогогик, психологик, физиологик ва социологик билимларни мужассамлаштирган фан сифатида майдонга келди. Педология фани номоёндаларининг фикрига кўра, инсон шахсининг ташкил топиши асосан, иккита факторнинг, яъни наслий хусусиятларнинг таъсири, ҳамда ўзгармас муҳитнинг таъсирига боғлиқдир.

Маълумки, ҳар бир одам ўзига хос бошқаларда айнан такрорланмайдиган ижтимоий муҳитда айнан ижтимоий муносабатда, яъни маълум оилада одамлар орасида яшаб ўсади.

Демак, одам илк ёшлик чоғларидан бошлаб уйин фаолияти орқали таварак атрофдаги одамларнинг инсоний сифат ва фазилатларини (меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, софдиллик, ҳалоллик, ростгўйлик, раҳмдиллик ва бу сифатларнинг акси бўлмиш, ишёқмаслик, ёвузлик, ўғрилик, виждонсизлик, бераҳмлик, ёлғончилик, ва ҳок.) ўзларига сингдириб

борадилар. Кейинчалик бундай сифат ва хусусиятлар кундалик ҳаётда мустаҳкамланиб одамнинг шахсий сифатларига айланиб қолади. Инсон шахсининг таркиб топишига ташқи ижтимоий муҳитнинг таъсири ҳақида гап борар экан, шуни кўрсатиб ўтиш керакки, айрим гайритабiiй ҳодисалар инсон шахсини таркиб топишига ташқи муҳит таъсирининг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги яққол кўзга ташланади.

Инсон ўзининг хилма-хил фаолиятлари орқали табиат ва жамиятдаги турли-туман нарсаларни билади, бошқа одамлар билан ижтимоий муносабатларга киришиб, ўзини шахс сифатида намоён қилади. Одамнинг фаолияти ўзининг структураси жиҳатидан анча мураккабдир. Инсон фаолияти ҳамма вақт айрим иш-ҳаракатларидан, аниқроғи, айрим ҳаракат ва амаллардан таркиб топади. У ёки бу фаолиятни таркибига кирувчи ҳаракат ва амаллар англаган ҳамда баъзан англамаган бўлиши мумкин.

Боғча ёшидаги болалар ҳар куни кўп вақтини, асосан уйин фаолиятига сарфлайди. Улар ўзларини уйин фаолиятига ундовчи майлларини камдан-кам пайтларда англайдилар.

Маълумки, одам ўз фаолиятида ташқи оламдаги турли нарсалар ва бошқа одамлар билан муносабатда бўлади. Лекин ҳар бир одамнинг ўз ички дунёси ҳам мавжуд. Одамнинг ички дунёси худди ташқи дунё каби бёқиёс даражада кенгдир. Одамнинг ички дунёсини хилма-хил тасаввурлар, турли образлар ва тушунчалар ҳамда кўп тил нутқ материаллари бўлади.

Шундай қилиб, одам фаолиятининг структураси жуда мураккаб ва ўзига хосдир. Одамнинг фаолияти шунчаки эҳтиёжларни қондиришдан иборат бўлибгина қолмай, у жамиятнинг мақсадлари ва талаблари билан ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Одам фаолиятининг кўзга ташланиб турадиган энг асосий белгиси мақсадни англаш ва уни амалга оширишда қилинадиган иш-ҳаракатларидан иборатдир.

Шахс ва унинг фаоллиги — жамият билан доимий муносабатни ушлаб турувчи, ўзини-ўзи англаб ҳар бир ҳаракатини мувофиқлаштирувчи шахсга хос бўлган энг муҳим ва умумий хусусият-бу унинг фаоллигидир.

Фаоллик- (лот.”actus”- ҳаракат, “activus”- фаол) шахснинг ҳаётдаги барча хатти-ҳаракатларини намоён этишини тушунтирувчи категориядир. Шунинг учун ҳам психологияда шахс, унинг онги ва ўзини-ўзи англаши муаммолари унинг фаоллиги, у ёки бу фаолият турларида иштироки ва уни уддалаши алоқадор сифатлари орқали баён этилади. Фанда инсон фаоллигининг асосан икки тури фарқланади.

А) ташқи фаоллик-- бу ташқаридан ва ўз истак ва хоҳишларимиз таъсирида бевосита кўриш, қайд қилиш мумкин бўлган ҳаракатларимиз, мушакларимизнинг ҳаракатлари орқали намоён бўлади ган фаоллик.

Б) ички фаоллик- бу бир томондан у ёки бу фаолиятни бажариш мобайнидаги физиологик жараёнлар (моддалар алмашинуви, қон айланиш, нафас олиш, босим ўзгаришлари) ҳамда иккинчи томондан, бевосита психик жараёнлар, яъни, аслида кўринмайдиган, лекин фаолият кечишига таъсир курсатувчи омилларни ўз ичига олади.

Инсон фаоллиги “ҳаракат”, “фаоллик”, “хулқ” тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, шахс ва унинг онги масаласига бориб такалади. Шахс айнан турли фаоллик жараёнида шаклланади, ўзлигини намоён қилади. Демак, фаоллик ёки инсон фаолияти пассив жараён бўлмай, у онгли равишда бошқариладиган фаол жараёндир. Инсон фаоллиги мужассамлаштирувчи ҳаракатлар жараёни фаолият деб юритилади.

Маълумки, одамнинг ички дунёси пайдо бўлгандан сўнг, ҳар бир нарсани, ҳар бир ҳаракатни олдин ичида уйлаб сўнгра амалга оширади. Одам бошқа кишилар билан қиладиган ташқи муносабатлари орқали нутқни эгаллаб ички дунёсига эга бўлиб борар экан, бу нарса шу чоғда кўз ўнгида йўқ бўлган нарсалар ҳақида фикр юргизиш имкониятини беради. Шунинг учун одамнинг ақлий тараққиётида интериоризациянинг аҳамияти гоят каттадир.

Шундай қилиб одам фаолиятининг структураси жуда мураккаб ва ўзига хосдир. Одамнинг фаолияти шунчаки эҳтиёжларни қондиришдан иборат бўлибгина қолмай, у жамиятнинг мақсадлари ва талаблари билан ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Одам фаолиятининг кўзга ташланиб турадиган энг асосий белгиси, мақсадни англаш ва уни амалга оширишда қилинадиган иш - ҳаракатларидан иборатдир.

Бола психикасининг тараққиёти ҳақида гапиришдан олдин тараққиётнинг туб моҳиятини тушуниб олиш керак. Тараққиётнинг муаммоси, шу жумладан, психик тараққиёт муаммоси биринчи марта диалектик материализм томонидан илмий равишда ҳал қилиб борилди. Тараққиётнинг икки асосий концепцияси камайиш ва кўпайиш сифатидаги, такрорлаш сифатидаги тараққиёт ҳамда қарама-қаршиликлар бирлиги сифатидаги тараққиётдир.

Тараққиёт концепциясидаги биринчи йўналишга мувофик-тараққиёт аввалги нарсанинг оддий такрорланишидан организмда мавжуд бўлган муайян сифатларнинг шунчаки кўпайиши ёки камайишидан иборатдир. Бу йўналиш эса идеалистик йўналиш бўлиб тараққиётнинг ҳақиқий сабабларини (яъни тараққиётни юзага келтирувчи омилларни) тушунтириб бера олмайди. Шунинг учун бу йўналиш тараққиётнинг сабабини худонинг иродаси билан боғлайди.

Иккинчи йўналишга кўра, тараққиётнинг қарама-қаршиликлар курашининг натижасидир. Организмнинг хусусиятлари билан ташқи муҳит шароити ўртасида доимий келиб чиқадиган зиддият, яъни қарама-қаршиликлар тараққиётининг сабабидир. Ўзгариб турувчи ташқи муҳит шароити организмга тобора янги талаблар қўяди. Боланинг психик тараққиёти ҳам қарама-қаршиликлар кураши асосида юз беради. Боланинг психик тараққиётини юзага келтирувчи қарама-қаршиликлар асосан қуйидагилардан иборат.

1. Боланинг шу чоққача эришган даражаси имкониятлари билан янги эҳтиёжлари ўртасида тугиладиган қарама-қаршиликлар. Соддароқ қилиб айтганда, боланинг эҳтиёжлари тез ортиб боради, лекин бу эҳтиёжларни қондириш имкониятлари жуда секин юзага келади. Натижада боланинг

хилма-хил эҳтиёжлари билан тор имкониятлари ўртасида жиддий зиддият юзага келади. Бола ана шу зиддиятни, ана шу қарама-қаршиликни ҳал этиш жараёнида психик жиҳатдан тараққий этади. Мисол: Боғча ёшидаги боланинг тили энди чиқаётган бўлади. Унинг сўз бойлиги деярли бўлмайди. Бундан ташқари улар сўзларни тўғри талаффуз эта олмайдилар. Шу сабабли бу ёшдаги болаларнинг тилини ҳамма ҳам тушуна олмайди. Боланинг фаол муносабатга интилиши билан имкониятлари йўқлиги ўртасидаги қарама-қаршилик нутқни тез ўзлаштириш жараёнида ҳал этилади. Бунинг натижасида бола психик жиҳатдан маълум тараққиётга эришади. Боланинг имкониятлари ана шу тариқа ошиб борган сари эҳтиёжлари янада кўпайиб бораверади.

2. Боланинг эски хулқ-атвор формалари билан янги хатти-ҳаракатлари, янги ташаббуслари ўртасидаги қарама-қаршилик.

Мисол: Боланинг кичик давридаги асосий фаолияти катталарга тақлид қилишдан иборат бўлади. Тақлидий ҳаракатларда мустақиллик, ташаббускорлик деярли бўлмайди. Бу бола ўсиб улгайган сари унинг ўз шахсий тажрибаси мустақиллиги, ташаббуси ортиб боради. Бу қарама-қаршиликларни ҳал қилиш жараёнида бола психик жиҳатдан тараққий этади.

3. Бола ҳаётининг мазмуни билан унинг формаси ўртасида майдонга келадиган қарама-қаршиликлар. Масалан: бола боғчага катнашдан олдин оиладаги ҳаёт шароитга одатланган бўлади. Боғчага келгандан кейин эса, у ўзи учун тамомила янгича бўлган жамоа ҳаётининг талаб ва қоидаларига дуч келади. Натижада боланинг оиладаги ҳаёт мазмуни ўртасида қарама-қаршилик юзага келади. Бола янгича ҳаёт мазмунини ўзлаштириш жараёнида у қарама-қаршиликларни енгиб психик жиҳатдан янада тараққий этади ва унинг шахсий тажрибаси ортади. Боланинг психик тараққиётида ташқи муҳитнинг таъсири жуда катта аҳамиятга эгадир. Бола туғилган кунидан бошлаб оқибатда, яъни одамлар қўлида яшай бошлайдилар. Ҳақиқатан ҳам боланинг психик жараёнлари (идроки, хотираси, тафаккури, ҳаёли ва шу қабилар) ва шахсий сифатлари (қизиқишлари қобилияти малака ва одатлари характери ва ҳок.) туғма равишда берилмайди. Одамнинг шу жумладан боланинг барча психик процесслари ва шахсий сифатлари тезкор ижтимоий шароитнинг таъсири туфайли индивидуал ҳаёт давомида юзага келади. Бунда энг муҳим омил оилadır. Оила ҳаётининг умумий тарзи бола психикасининг тараққий этишига таъсир этмасдан қолмайди.

Бола ўз табиатига кўра жуда ҳам тақлидчан бўлади. Тақлидчанлик бола психикаси тараққиётининг белгилловчи омиллардан биридир. Бола ҳар доим ўз оиласидаги катта одамлар қўлида яшар экан, у ҳамма ана шу ўзига яқин одамларнинг хатти-ҳаракатларига тақлид қилади.

Ташқи муҳитнинг, яъни оила муҳитининг бола психикасига таъсири нутқ (тил) тараққиётида жуда яққол кўринади.

Шундай қилиб, ижтимоий муҳит болалар психикасининг тараққий этишига фаол таъсир этадиган энг муҳим омиллардан биридир.

Бола психик тараққиётида таълим-тарбия жуда катта аҳамиятга эга бўлган омиллардандир. Болаларнинг психик тараққиётига биринчи навбатда

ташқи муҳит таъсир этса, иккинчи навбатда болага ўзок муддат давомида системали равишда бериладиган таълим-тарбия кучли таъсир қилади.

Л.С.Виготский фикрига кўра, таълим-тарбия жараёни психик тараққиёт жараёнига мос келмайди. Бола ижтимоий тажрибани таълим-тарбия жараёнида ўзлаштириб ривожланади. Демак таълим-тарбия жараёни ҳар доим психик тараққиётдан бир қадам олдинда боради. Таълим-тарбия жараёни боланинг психик тараққиёти учун шароит яратиб замин ҳозирлайди, яъни ижтимоий таълим-тарбия жараёни психик тараққиётни ўз кетидан эргаштириб боради. Машҳур педагог А.С.Макаренко ҳар бир боланинг камолот имкиниятларига ва тараққиётнинг истиқбол йўлларини аниқлашга жуда катта эътибор берган эди. Макаренко ўзининг бу фикрларини янада яққолроқ қилиб “бола шахсини лойиҳалаш керак” деган фикрни илгари сўрган эди. Тарбиячи таълим-тарбия жараёнида боланинг ҳозирги тараққиёт босқичини келажакда қандай тараққиёт даражасига эриштириш учун аниқ режаларга эга бўлиши керак. Шунинг учун таълим-тарбия жараёнида тараққиётнинг юқоридаги иккинчи босқичини таққослаб иш олиб борилади.

Маълумки, боланинг ҳар бир ёш даври маълум билимларни бир мунча ортиқ даражада ўзлаштиришга нисбатан сезгир бўлади. Масалан: шундай ёш давлари борки, бунда таълим-тарбия боланинг психик тараққиётига ортиқ даражада таъсир қилади.

Турли ёш босқичидаги болаларнинг индивидуал психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олиб бориш болаларга нисбатан индивидуал муносабатда бўлишни таъминлаши билан бирга уларни ҳар томонлама ривожлантиришга ёрдам беради.

Боланинг психик жиҳатдан ўсишида боғча ёшидаги давр анча мураккаб ва маъсулиятли даврдир. Уч ёшдан етти ёшгача бўлган давр боғча ёши даври ҳисобланади. Асосан мана шу даврдан бошлаб боланинг мустақил фаолияти кучая бошлайди. Боғча ёшида бола мустақил фаолиятда бўлиши учун зарур бўлган иккита қудратли кучга эга. Биринчидан, маълум даражада ўзига буйсундирилган ҳаракат аппаратига эга. Иккинчидан, эса атрофидаги катта одамлар ва ўз тенгдошлари билан бир қадар эркин муносабатда була оладиган нутққа эга. Мана шунинг учун боғча ёшидаги болаларнинг хулқ-атворлари, хатти-ҳаракатлари, қизиқиш ва эҳтиёжлари боғчагача тарбия ёшидаги болаларникидан фарқ қилади. Бу эса ўз навбатида, боғча ёшидаги болалар билан боғчагача тарбия ёшидаги болалар тарбиясига ҳам турлича муносабатда бўлишни тақозо этади.

Демак, асосан боғча ёшидан бошлаб боланинг бундан кейинги бутун шахсий ҳаёти давомида таркиб топа борадиган индивидуал хусусиятлари ҳам юзага кела бошлайди. Ана шу сабабли ҳам инсоннинг ҳар томонлама камол топа бориши ва хусусан, психик жиҳатдан ўсиши кўп жиҳатдан боғча ёшидаги даврида олган таълим-тарбиясига боғлиқдир.

Инсоннинг боғча ёшидаги даври шундай бир даврки, бу даврда унда келгусида қандай ҳарактер ҳислатлари пайдо бўлиши белгиланади ва ахлоқий ҳарактернинг асослари юзага келади. Боғча ёшидаги болалар ҳаётида ва уларнинг психик жиҳатдан ўсишларида қизиқишнинг ҳам роли каттадир. Қизиқиш ҳудди эҳтиёж каби, болани бирор фаолиятга ундовчи

омиллардан биридир. Демак, қизиқиш билиш жараёни билан боғлиқ бўлган мураккаб психик ҳодисадир. Боғча ёшидаги болаларнинг энг асосий фаолиятларидан бири-- уйиндир. Бошқача қилиб айтганда, мана шундай асосий фаолият жараёнида боланинг барча психик жараёнлари анчагина ўсади. Ўйин бола ҳаётида мана шундай асосий фазилятлардан биридир. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, уйин фақат ташқи муҳитдаги нарса ва ҳодисаларни билиш воситасигина эмас, балки кудратли тарбия воситаси ҳамдир. Ижодий ва сюжетли ўйинларда болаларнинг барча психик жараёнлари билан биргаликда, индивидуал ҳислатлари ҳам шаклланади.

Демак, боғчадаги таълим-тарбия ишларининг муваффақияти кўп жиҳатдан болаларнинг ўйин фаолиятларининг мақсадга мувофиқ ташкил қила билишга боғлиқдир. Тарбиячи боланинг барча психик жараёнларини ва ахлоқий сифатларини тарбиялашда уйин фаолиятидан кенг фойдаланиши лозим.

Боғча ёшидаги болалар сезгиларини ўстиришда тарбиячининг асосий вазифаси турли қизиқарли машғулотлар орқали болалар сезги органларининг сезгирлик кучини ўстиришда ҳаракат қилишдан иборат бўлиши керак. Боғча ёшидаги болаларда диққатнинг ихтиёрий тури ривожлана бошлайди. Боғчада жамоа томонидан талаб этиладиган тартибларга бўйсиниш, қоидалар ўйинлар шартларини сўзсиз бажариш, катталарнинг топширган вазифаларини чидам билан бажариш каби ҳоллар болаларда ихтиёрий диққатни ривожлантира бошлайди. Боғча ёшидаги болаларнинг психик жиҳатдан ўсишларида тасаввўрнинг роли ҳолат каттадир. Боғча ёшидаги болаларда тафаккурлари жуда жадал суръатда ўсади. Боғча ёшидаги болалар тафаккур жараёни айна шу чоғда идрок қилиб турган нарсаларигагина эмас, балки илгари идрок қилган нарсаларига ҳам таянади.

Боланинг нутқ тараққиётида нутқ катта рол ўйнайди. Боланинг боғча ёшидаги даври ҳам нутқни амалий ва фаол эгаллаш даври ҳисобланади. Агар икки яшар боланинг сўз бойлиги тахминан 250тадан 400 тагача бўлса уч яшар боланинг сўз бойлиги 1000 тадан 1200 тагача етади. Етти яшар болада эса 3000 мингтадан 7000 тагача боради.

Одамнинг умумий ҳаракатчанлиги ва ҳис-туйғуларининг қанчалик кучли ҳамда тез намоён бўлишида кўриладиган индивидуал психологик хусусиятларнинг йиғиндисига темперамент деб аталади. Павлов темпераментни 4 хил турини аниқлаган. Булар:

Ҳолерик - бу одам кучли, мувозанатлашмаган ва ҳаракатчан бўлади.

Сангвиник - темпераментдаги одам кучли, мувозанатлашмаган (яъни кўзгалиш ва тормозланиш жараёнлари бир-бирига мос бўлади) ва ҳаракатчан бўлади .

Меланхолик- бу типдаги одам ҳар жиҳатдан кучсиз бўлади .

Флегматик- бу одам кучли мувозанатлашган лекин ниҳоятда суст бўлади .

Боғча ёшидаги болаларнинг темпераментларига оид хусусиятлари уларнинг уйин фаолиятларида намоён бўлади .

Инсон шахси хусусиятларидан бири ҳарактер ва унинг ҳислатларидир. Ҳарактер деб- ҳар бир шахснинг яшаш шароити ва таълим тарбиянинг

таъсири остида таркиб топган ҳамда унинг теварак-атрофдаги нарсаларга, бошқа одамларга ва ўзига бўлган муносабатларида намоён бўлади ган индивидуал хусусиятларига айтилади. Ҳарактер ҳислатлари одамнинг хулқ - атори ва хатти ҳаракатларида баъзан учраб қоладиган эпизодик хусусиятлар бўлмай, балки нихоятда мустаҳкам доимий хусусиятлар бўлади .

Болаларнинг илк ёшлик давларидан бошлаб уларнинг ҳарактер ҳиссиётларини жиддий эътибор билан таркиб топтириб бориш лозим. Бунда намунанинг роли каттадир. Болалар ўз табиатлари жиҳатидан ғоят тақлидчан бўладилар. Тарбиячи ва ота оналар ҳар жиҳатдан намуна бўлишларидан ташқари болаларга турли ибратли китобларни ўқиб бериш, ажойиб, олийжаноб одамлар ҳақида сўзлаб беришлари катта аҳамиятга эгадир.

Шундай қилиб кишиларнинг қобилият ва истисодларини ривожлантириш, демократик жамият куриш иши кенг авж олдириб юборилган. Ҳозирги кунда нихоят даражада катта аҳамиятга эгадир. Ана шу жиҳатдан олганда болалар қобилияти, истисоди ва лаёқатларини ўз вақтида аниқлаб замон талабига яраша ривожлантириш керак. Бу муҳим ишнинг нақадар маъсулиятли эканини тарбиячилар ҳам, ота-оналар ҳам билишлари керак.

“Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун аввало мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак”. -деб таъкидлайди И.А.Каримов ўқитувчилик инсон жамияти тарихи бошланганидан то ҳозирги кунгача ҳамма вақт жамият ва жамоатчилик томонидан эътиборга лойик, эъзозлаб келинган касбдир. Ўқитувчининг ўрни ва унинг вазифалари ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш ишига жамият ва жамоатчилик томонидан эътибор қаратилишининг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланади.

Ўқитувчи ўқувчилар учун дарс пайтида қўшимча дарсларда ана шу билан бирга дарсдан ташқари ҳолларда ҳам керакли маслаҳатлар беришда билимлар манбаидан биридир. Замонавий ўқитувчи ижтимоий психолог бўлмаслиги мумкин эмас, шунинг учун ҳам ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни йўлга солиши, болалар жамоасида ижтимоий психологик механизмлардан фойдаланишни билиш зарурдир. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга куйиладиган талаблар билан бирга ўқитувчи шахси ва унинг фаолиятига нисбатан қўйиладиган ижтимоий талаблар ҳам ўсиб бормокда. Мактабда ўқитувчи томонидан бола хулқига нисбатан куйиладиган дарс вақтида ўқитувчининг сўзларини яхшилаб тинглаб утириш, ўзидан-ўзи товуш чиқариб гапирмаслик сингари тезкор талаблар болани ўқувчилар қоидаларига буйсунишга ва дарс вақтида юз берадиган ҳиссиётларни идора қилишга мажбур қилади.

Бошланғич таълим даврида айрим ўқувчиларнинг баъзи ўқув фанларидан улгура олмаслиги, ёмон болалар билан ўқиши уларнинг ўқувсизликларидан ва ҳеч қандай қобилиятига эга эмасликларидан эмас, балки кўп ҳолларда уларнинг индивидуал хусусиятларини яхши аниқлаб олмаганлиги, ўқишга, айрим ўқув фанларига уларда хавас уйғота олинмаганлиги оқибатида уларни ўқишдан, мактабдан совитиб юбориш,

хатто бездириб юбориш сингари сабаблардан келиб чиқади. Шунинг учун таълимнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ ҳар бир ўқувчининг қобилиятидаги индивидуал хусусиятларни аниқлаб ола билиш, шунга мувофик ундаги салохиятни муайян томонга йўналтириш, уни юзага чиқариш, устириш устида амалий ишлар, тегишли машғулотлар олиб бориш ва бунга ўқувчида кучли хавас уйғотиш керак бўлади .

Шундай қилиб, таълим-тарбия ўқувчилардаги табиий имкониятларни, улардаги туғма лаёқатларни уйғотиб уларни устириш ва такомиллаштириш имконини беради.

Яна шунини айтиб ўтиш жоизки, ўқитувчи ўқувчи шахсини ўрганиши ва уларга ҳарактеристика бериши асосан у таълим жараёнида ундаги мавжуд бўлган ҳислатлари таълим-тарбияси ва бошқа индивидуал психологик хусусиятларини ўрганиб уларга тавсиф беришдан иборатдир.

САВОЛЛАР

1. Болалар психологияси ҳақида тушунча.
2. Болалар психологиясининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.
3. Шахс деганда нимани тушунасиз?
4. Шахснинг фаоллиги қандай намоён бўлади ?
5. Инсон фаоллиги структураси қандай?
6. Бола психик тараққиётининг вужудга келтирувчи қарама-қаршиликлар нималардан иборат?
7. Бола психик тараққиётида ташқи муҳитнинг таъсири.
8. Темперамент нима ва унинг типлари?
9. Ҳарактер деб нимага айтилади ва унинг таркиб топиши нималарга боғлиқ?
10. Қобилият деб нимани назарда тутиш мумкин?
11. Қобилиятнинг истеъдод ва лаёқатга боғлиқлиги?
12. Болани тарбиялашда ўқитувчининг роли?

МАВЗУ: ЎҚУВЧИ ШАХСИНИ ЖАМОАДА ШАКЛЛАНИШИ.

Режа.

1. Болалар жамоаси ва унинг хусусиятлари.
2. Бола шахсини шаклланишида мулоқотнинг аҳамияти.
3. Ўқувчининг жамоадаги мавқеини ўрганиш.
4. Бола шахсини шаклланишида жамоа муносабатларининг аҳамияти.

Болалар жамоаси ва унинг хусусиятлари.

Жамоа деганда биз, умумий мақсад асосида бирлашган жамиятнинг бир қисми ҳисобланган ва ана шу жамият мақсадларига тўла бўйсунган одамлар гуруҳини тушунамиз.

Болалар жамоаси эса ўйин жараёнида вужудга келади. Ўйиндаги умумий кечинмалар болаларни бирлаштиради. Ўйинда ўртоқлик ҳисси, бир бирини қўллаш, енгиб чиқиш учун фаол курашга интилиш тарбияланади. Жамоа ўйинларида мақсадга зўр бериб интилиш шаклланилади, бошқаларни бошлаб бора оладиган ташкилотчи – болалар етишиб чиқади. Жамоада кичик ёшдаги ўқувчи болалар ҳарактерини тарбиялаш мувоффақиятли суратда олиб борилади. Болада коллектив фаолият ҳарактерининг жамоага хос ҳислатлари тарбияланади. Жамоа бўлиб ўйнаш жараёнида баъзи бир болаларнинг салбий ҳислатлари уятчанлик, инжиқлик, жиззакиллик, кеккайиш бартараф қилинади. Ўйин болалар жамоасининг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлигини ҳис этишга ёрдам беради. Ўз коллективи, ўз жамоасидан ажраб қолиш болага ёмон таъсир этади. Катталар билан тарбияланиш натижасида болада салбий ҳислатлар одам ёқтирмаслик, жамиятдан қўрқиш, эгоизм ва бошқа ҳарактер ҳислатлари ўсиб бориши мумкин.

Ўқитувчи умумий меҳнат фаолиятини йўлга қўйганда, бутун синф олдида умумий мақсад қўйиб, биргаликда ҳаракат қилиш иштиёқини уйғотган тақдирдагина коллективизм ҳиссини тарбиялаш бошланади. 1-2 синф ўқувчиларида хатти-ҳаракатларнинг одатланган кўринишлари жамоада вужудга келтирилади.

Булар жамоа бўлиб ўқиш, ўйин ўйнаш, меҳнат қилиш шароитида таркиб топади. Коллективизм туйғулари 3-4 синфларда анча кўп даражада намоён бўлади. Бу ёшга келиб болаларнинг ижтимоий фаолияти мураккаблашади, ўқувчилар теварак атрофдаги ҳаётни, меҳнатда ва турмушда жамоанинг аҳамиятини янада кўпроқ тушуна бошлайди.

Мактаб ўқувчисининг жамоат фаолиятида жамоат ва раҳбарнинг талабларига бўйсиниш малакалари, талаб қила билиш малакаси каби ҳарактер ҳислатлари тарбияланади. Бора-бора ижтимоий меҳнат, ижтимоий фаолият мактаб ўқувчиларида жамоада яшаш ва ишлаш иштиёқини ўстиради.

2. Бола шахсини шаклланишида мулоқотнинг аҳамияти.

Мулоқот одамлар амалга оширадиган фаолиятлар ичида етакчи ўринни эгаллаб, у инсондаги энг муҳим эҳтиёжларни жамиятда яшаш ва ўзини шахс деб ҳисоблаш билан боғлиқ эҳтиёжларни қондиради. Шунинг учун ҳам унинг ҳар бири инсон аҳамияти учун каттадир. Мулоқот ҳар бир шахснинг жамиятда адо этадиган ишлари ўзаро муносабат ва ўзаро таъсир шакллари ўз ичига олади. Бир қарашда осонга ўхшаган шахслар аро мулоқот жараёни аслида мураккаб жараён бўлиб, унга инсон ҳаёти мобайнида ўрганиб боради. Мулоқотнинг психологик жиҳатларини мураккаблиги ҳақида Б.Ф.Паригин ўз фикрларини билдиради.

А. Индивидларнинг ўзаро таъсир жараёни

- Б. Индивидлар ўртасидаги ахборот алмашуви жараёни.
- В. Бир шахснинг муносабати жараёни.
- Г. Бир кишининг бошқаларга таъсир кўрсатиш жараёни.
- Е. Шахсларни бир-бирини тушуниш жараёни.

Мулоқотнинг турли шакллари ёки босқичлари бўлиб дастлабки босқич одамнинг ўз-ўзи билан мулоқотидир. Т.Шибутанин “Ижтимоий психология” дарслигида: “Агар одам озгина бўлса ҳам ўзини англаса, демак, у ўз-ўзига кўрсатмалар бера олади”,-деб тўғри ёзган эди. Одамларнинг ўз-ўзи билан мулоқоти аслида бошқалар билан мулоқотининг ҳарактерини ва ҳажмини белгилайди. Агар одам ўзи билан мулоқот қилишни ўрганиб, доимо ўзини жамиятдан четга тортиб турса, демак у бошқалар билан суҳбатлашганда қийинчиликларга учрайди.

Мутахассислар шахс шаклланишида асосан уч соҳани ажратиб кўрсатишади:

мулоқот соҳаси.

фаолият соҳаси.

ўз - ўзини онглаш соҳаси.

Шулардан энг муҳими мулоқот соҳаси бўлиб, айниқса мактабгача ёш ва ўсмирлик давридаги мулоқот системаси болада бир қанча ижтимоий-психологик ҳислатларни пайдо қиладики, бунинг натижасида у фаол ҳаётий мавқега эга бўлади. Жамиятда ўз ўрнини тасаввур қилишга эришади. Таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда мулоқотнинг барча воситаларга, айниқса нутқга эътибор бериш керак. Болалари илк ёшлик чоғида нутқ маданиятига ўргатиш, нутқларини ўстириш чораларини кўриш зарур. Педагог эса шундай нутқ маданиятига эга бўлиши керакки, унинг аввало фаолиятини тўғри ташкил этилиши таъминлансин, қолаверса болаларда нутқнинг ўсишига имкон берсин. Болалар мулоқот жараёнида ҳамкорликда ишлаш, бир-бирига ёрдам бериш, бир-бирига ўргатиш, ҳаракат мувофиқлигига эришиш каби қатор қобилиятларини намоён қилишлари мумкин. Шу туфайли ўқитувчи бола шахсига мақсадга йўналган ҳолда таъсир кўрсатиш керак. Аслини олганда, ҳар қандай мулоқот, агар у беъмани мақсадсиз қуруқ гаплардан иборат бўлмас, доимо мулоқотга киришувчиларнинг хулқ-атворини, уларнинг установакаларини ўзгартириш имконига эга. Бола мулоқотга киришар экан, яъни бирон бошқа болага савол илтимос, буйруқ билан мурожаат қилар экан, бошқа бир кишига таъсир ўтказишини ўзи хоҳлагандек жавоб олишини, топшириқнинг ижро этилишини, шу пайтгача тушунмаганини тушуниб олишини, зарурият тарзида ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Мулоқот мақсадлари одамларнинг биргаликдаги ҳаракат, яъни одамларнинг биргаликдаги фаолияти жараёнида таркиб топадиган алоқалар ва ўзаро бир-бирига таъсирининг йиғиндиси сифатида юзага чиқади. Шахслараро биргаликдаги ҳаракат одамларнинг бир-бирига бўлган таъсирига жавобини вақтга изчил ёйилган тарзини ифода этади. А. Индивиднинг Б. Индивидга хулқ атворини ўзгартирадиган хатти-ҳаракати унда жавоб реакциясини пайдо қилади. Ўз навбатида бу А нинг хулқ атворига ҳам таъсир кўрсатади.

3. Ўқувчининг жамоадаги мавқеини ўрганиш.

Ўқувчининг синфдаги, жамоадаги ўзаро муносабатлари хилма-хил ва мураккабдир. Бу муносабатларни ўрганиш учун махсус методлардан фойдаланишга тўғри келади. Ҳозирги замон социал психологиясида шахснинг коллективдаги ўзаро муносабатларни ўрганишда социометрик методидан кенг фойдаланилади. Социометрик методи шахснинг жамоадаги муносабатларини ўрганиш мақсадида биринчи марта америкалик психолог жон Морен томонидан кашф этилган. Ўқувчиларнинг жамоадаги муносабатларини ўрганадиган бу методни танлаш, табақалаш методи деб аталади. Моҳият жиҳатидан олиб қараганда социометрик метод ҳисобланган танлаш, табақалаш методи, фойдаланиш мумкин бўлган объектив методдир. Лекин, бу метод ҳамма вақт Джон морено айтгандек бутун бир жамиятнинг қонунларини ўрганиш имконини берадиган универсал метод бўла олмайди. Социометрик методни кичик бир жамоада ёки гурӯҳдаги одамларнинг ўзаро муносабатларини ўрганишда қўллаш мумкин. Жамоа аъзолари бир-бирини яхши билгандагина бу методдан эффектив фойдаланса бўлади. Социометрия методининг мазмуни нимадан иборат? Ўқувчилар гуруҳида 30 та ўқувчи бор дейлик, биз ана шу 30 кишилик жамоадан, жамоа аъзолари учун энг ёқимли, энг қадрли кишини, жамоа учун энг қадрсиз кишини, камроқ ёқимли бўлган ўқувчиларни аниқлашимиз лозим. Бунинг учун жамоа аъзоларининг номерланган рўйхатини тузамиз. Рўйхатдаги қизларнинг фамилиясини доира билан, ўғил болаларнинг фамилиясини эса учбурчак билан ўраб, шундан сўнг тўртта устма уст доира чизмаси, сўнггра жамоа аъзоларига илтимос қилиб, қуйидаги саволларни берамиз: “сиз синфда ким билан ўтиришни хоҳлайсиз?”, “бирон бир топириқни ким билан бажаришни хоҳлайсиз?”, “ўз муаммоингизни ким билан ҳал қилишни хоҳлайсиз?”. Жавобларда ўқувчилар ўзлари ёқтирган ўқувчиларнинг фамилияларини ёзиб беришлари керак. Фамилиянинг жамоа аъзолари томонидан қанчалик кўп такрорланганлигига қараб ўқувчиларнинг жамоадаги қадр-қимматини ва обрўсини аниқлашимиз мумкин. Ўқувчиларнинг юқоридаги саволларга берган жавобларини таҳлил қилиб, энг кўп такрорланган фамилияни ичкаридаги биринчи доирадаги, ундан камроқ такрорланган фамилиянинг иккинчи доирага, иккинчи фамилияга караганда камроқ такрорланган фамилияни учинчи доирага ва энг кам такрорланган фамилияни тўртинчи доирага рўйхатдан рақамлар билан ёзиб қўйилади. Ушбу социограммадан кўриниб турибдики, доирадаги 6 ва учбурчакдаги 8 рақамлар биринчи доирага жойлаштирилади. Булар гурӯҳ аъзолари томонидан кўп тилга олинган жамоанинг энг сеvimли ва энг қадрли ўқувчиларидир. 6-айланага жойлаштирилган 1.6.3.4.9.12.15.16.18.24.27.30-рақамлардаги ўқувчилар жамоанинг иккинчи даражали ўқувчиларидир. Учинчи айланага жамоанинг қандайдир учинчи даражали кишиларни жойлаштирилади. Социограмманинг тўртинчи доирасига жойлаштирилган

7.13.21.29 рақамларидаги ўқувчиларнинг номлари энг кам тилга олинадиган, яъни жамоа томонидан рад этилган ўқувчилардир.

Шундай қилиб, социометрия ёки табақалаш методи ёрдами билан ўқувчиларнинг жамоа аъзолари ўртасида турган ўрнини аниқ белгилаш мумкин. Социометрия методи орқали олинган маълумотларга, жамоа аъзоларини узоқ муддат кузатишдан олинган маълумотларни ҳам қўшиб қўйиш яхши натижа беради.

Бола шахсини шаклланишида жамоа муносабатларининг аҳамияти. Боланинг психик тараққиётида ташқи муҳитнинг таъсири жуда катта аҳамиятга эгадир. Бола туғилган кунидан бошлаб, ижтимоий муҳитда, яъни одамлар орасида яшай бошлайди. Ижтимоий муҳит деганда – биз даставвал оила муҳитини тушунамиз, лекин “Муҳит” тушунчаси икки хил маънони ифодалайди. Кенг маънодаги “Муҳит” сўзи одамнинг бутун юрти (Ватан) билан боғлиқ бўлган ҳаёт шароити тушунилади. Тор маънодаги “Муҳит” сўзидан асосан одамларнинг турмуш шароити ва оила, теварак-атрофдаги ижтимоий ҳаёти тушунилади. Боланинг психик жараёнлари ва шахсий сифатлари туғма равишда берилмай-ди. Одамнинг шу жумладан, боланинг барча психик жараёнлари ва шахсий сифатлари конкрет ижтимоий муҳитнинг таъсири туфайли индивидуал ҳаёт давомида юзага келади. Бунда энг муҳим фактор оиладир. Оила ҳаётининг умумий тарзи бола психикасининг тараққиётига таъсир этмасдан қолмайди. Бола ўз табиатига кўра жуда ҳам таъқлидчан бўлади. Тақлидчанлик бола психикасининг тараққиётини белгиловчи омиллардан биридир. Бола ҳар доим ўз оиласидаги катта одамлар қуршовида яшар экан, у доимо ана шу ўзига яқин одамларнинг хатти-ҳаракатларига тақлид қилади. Тақлид қилиш орқали ҳар қандай инсоний муносабатлар ва фазилатларни ўзига аста-секин сингдириб боради. Оила муҳитининг бола психикасига таъсири нутқ тараққиётида жуда яққол кўринади. Нутқ болага туғма равишда яъни тайёр ҳолда берилмайди. Бола туғилишидан бошлаб, қайси нутқ муҳитида яшаса ана шу нутқда гапиради. Бола ўсган сари муҳит доираси ҳам кенгайди. Теварак атрофдаги қуршов (даставвал оила, ховли, кўча, қишлоқ,)дан аста секин кенгая бориб, шаҳар, вилоят, республика ва мамлакат миқёси ўтади. Шунга мос равишда ижтимоий муҳитнинг болага таъсири манбалари ҳам борган сари кенгайиб ва кўпайиб боради. Бола оила доирасидан ташқарига чиққандан сўнг унга ўзгалар ҳам таъсир эта бошлайди. Энди бола фақат ўз оиласига, катта одамларнинг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларига эмас балки яқин атрофдаги бошқа одамларнинг, ўз тенгқурларининг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларига ҳам тақлид қила бошлайди. Шу тариқа ижтимоий ҳаёт боланинг психикасига бўлган таъсирини кенгайтира боради.

Демак, бола шахсини шаклланиши унинг жамоага қўшилганлиги шароитида рўй беради. А.С.Макаренко таъкидлаганидек, шахс юксак даражада ривожланган гуруҳдан иборат ва шахснинг қимматли фазилатларини шакллантириш учун энг қулай шароитга эга бўлган жамода ва жамоа воситасида ривожланади. Индивид шахс бўлиши, яъни жамиятни тўлақонли қондирилади. Бола шахсини шаклланишида унга мақсадга мувофиқ таъсир ўтказишда - тарбия етакчи роль ўйнайди.

Тарбия бола шахсини ривожлантиришни жамият томонидан қўйилган мақсадга мувофиқ тарзда йўналтириб боради ва уюштиради. Шу билан бирга тарбия бола ҳаёти ва фаолиятини муайян тарзда уюштириб ва тартибга солиб қолмасдан, балки мавжуд педагогик принципларга биноан конкрет шахс имкониятларини энг яхши даражада кўтарадиган, ривожланишнинг махсус муҳитини, ёхут вазиятини вужудга келтиради, уни шакллантиради йўналтириб борган ҳолда фаоллигини намоён қилиш учун шарт-шароит яратади. Шу ўринда шахс психологияси, шахсни тарбиялаш педагогикаси, ахлоқий тарбия методикаси билан ўрин алмашади. Уларнинг вазифаси шахсни ҳар томонлама ривожлантириш, маънавий онгини шакллантириш, онгли интизомни, ватанпарварлик ва фидоийликни тарбиялаш воситалари ва йўриқларини аниқлашдан иборат. Бу юксак вазифаларни рўёбга чиқарилиши, шахснинг такомиллашувини таҳмин этади.

САВОЛЛАР

1. “Бола шахси” ҳақида тушунча.
2. Бола шахсининг шакллантирувчи асосий соҳалар.
3. “Болалар жамоаси” ҳақида тушунча.
4. Бола шахсини шаклланишида жамоанинг таъсири.
5. Социометрия методи.
6. Шахс шаклланишида мулоқот соҳаси.
7. Ижтимоий муҳит тушунчаси.
8. Бола шахсини таркиб топтиришда тарбиянинг роли.
9. Боладаги тақлидчанлик унинг табиатига таъсири.
10. Меҳнат жараёнида бола шахсини шаклланиши.

МАВЗУ: ЎҚУВЧИ МОТИВЛАРИ ВА УНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

РЕЖА:

1. Хатти -ҳаракат мотивлари ҳақида тушинча.
2. Аффект соҳаси, унинг шахс тараққиётларининг функцияси.
3. Баҳо ва ўз-ўзига баҳо бериш шахс йўналишининг омилидир.
4. Шахс йўналиши (истак, қизиқиш, тилак, майл, идеал, дунёқараш, эътиқод)

1. Хатти-ҳаракат мотивлари ҳақида тушунча.

Шахс фаолиятини амалга ошириши ва шахс хулқ- атворини тушинтириш учун психологияда «мотив» ва «мотивация» тушунчалари ишлатилади.

Мотивация инсон ҳулқ-атвори, унинг боғланиши, йўналиш ва фаолиятини тушинтириб берувчи психологик сабаблар мажмуини билдиради. Бу тушунча у ёки бу шахс хулқини тушинтириб бериш керак бўлганда ишлатилади, яъни «нега?», «нима учун?», «нима мақсадда?».

«қандай манфаат йўлида?» деган саволларга жавоб қидириш – мотивацияни қидириш демакдир. Шахсни жамиятда одамлар орасидаги хатти-ҳаракати ва ўзини тушиниш сабабларини ўрганиш тарбиявий аҳамиятга эга бўлган нарса бўлиб, масалани ёритишнинг икки жиҳати фарқланади:

А) ички сабаблар, яъни хатти-ҳаракат эгасининг субъектив психологик хусусиятлари назарда тутилади (мотивлар, эҳтиёжлар, мақсадлар, мўлжаллар, истаклар, қизиқишлар ва хоказолар).

Б) ташқи сабаблар фаолиятини ташқи шарт-шароитлири ва ҳолатлари. Яъни, булар айна конкрет ҳолатларни келиб чиқишига сабаб бўладиган ташқи стимуллардир.

Мотив бу хатти-ҳаракатга ундовчи куч. У шахсдаги у ёки бу ҳуқ – атворга нисбатан турган мойиллик, ҳозирликни тушунтириб берувчи сабабни назарда тутди.

Кўпгина психологларни берган маълумотига кўра биргина фаолиятни ўзида (бу фаолиятини бола учун нима сабабдан юз беришига қараб) шахсни ҳар хил (ва хатто бир – бирига қарама – қарши бўлган) сифатлари таркиб топиши мумкин. Масалан, биз ўқувчиларни бошқаларни очикдан – очик ва одил танқид қилишга ўргатамиз. Ана шундай қилиш билан болада принциаллик, жасурлик, софдиллик, танқидий кўз билан қараш фазилатлари таркиб топади, деб ҳисоблайдилар. Аммо биз айтилганларни ҳисобга олмасак, ҳамиша ҳам ўзимиз кўзлаган мақсадга эришавермаймизми? Йўқ чунки ҳуқ – атворнинг ана шу тўғри формаси негизида мактаб ўқувчиси амал қиладига мотивлар ётади. Бу ҳуқ – атвор шахсан ўқувчининг ўзи учун қандай маънога («маъно» тушунчаси психологияга А.Н.Леонтьев тамонида кириилган) эга бўлишга қараб унда ҳар ҳал сифатлар таркиб топиши мумкин. Агар ўқувчи ўз ўртоғини принциал мотивлар асосида танқид қиладиган бўлса, бу танқид унинг ўртоғида ҳарактернинг принциаллик, қатъийлик, ҳалоллик сингари сифатларни таркиб топтиришга ёрдам беради; борди-ю, ўз айбини ўртоғининг бўйнига қўйиш истаги билан танқид қиладиган бўлса, бу худбинлик, индивидуализмнинг таркиб топишига ёрдам беради. Агар шахсий ғараз билан танқид қилинадиган бўлса, унда шу асосда қасоскорлик, маккорлик, инсофсизлик ҳислатлари таркиб топади.

Агар бундай танқид қилишга, ниҳоят, ўқувчидан қўрқиш ва унга ёқиш истаги ёки мағрурлик истаги, принцисизлик, икки юзламалик сингари ҳислатлар таркиб топиши мумкин. Бинобарин, ҳуқ – атвор тажрибаси бу хатти- ҳаракат муаян мотивлар асосида амалга оширилган вақтдагина кўзлаган мақсадга олиб боради. Шунинг учун ҳуқ – атворнинг тўғри мотивлар тажрибасида тарбиялаш ва мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб ётади. Мактаб ўқувчиларида муаян вазифаларда тарбиявий таъсирлар воситасида юзага келадиган ижобий мотивлар уларнинг тажрибасида мустаҳкамланиши ва барча бошланғич вазифалага тарқалиши керак.

Бошқача қилиб айтганда, шахснинг ҳар бир сифат стурктурасига, биринчидан, мактаб ўқувчисининг тегишли хатти- ҳаракатига ижодий муносабатда бўлишига имкон берадиган мотив, иккинчидан, хатти – ҳаракатларнинг мустаҳкамланган усули киради. шундай қилиб шахснинг сифати, Л.И.Божовичнинг ибораси билан айтганда, хатти- ҳаракат

мотивлари ва бу мотивлар тегиншли формулаларнинг ўзига хос бирикмасидир.

2. Аффект соҳаси, унинг шахс тараққиётидаги функцияси.

Нихоятда тез ўтиши билан онгда содир бўлиб, одамни тез эгаллаб оладиган, жиддий ўзгаришлар, ҳаракатларни иродавий назорат қилишнинг бузилиши (ўзини тута билишни йўқолиши) ва шунинг билан бирга организмда барча ҳаёт фаолиятларининг ўзгариши билан ҳаракатланадиган эмоционал жараёнларига аффектлар деб аталади.

Аффект қисқа муддатли бўлиб, улар бирдан ёнишга, портилашга, тўсатдан келган қаттиқ шамолга ўхшайди. Агар эмоция руҳий тўлқинланиш бўлса аффект бўрондир. Аффект ҳолатлари алмашиб турадиган турли босқичларга эгадир. Ваҳима ва саросималикка тушиб қолган, ўта қувонган, ўзини ушлаб бўлмайдиган даражада кулгига берилган ёки умидсизликка тушган одам ҳар хил пайтларда оламни бир хил тарзда акс эттирмайди. Ўқувчи шахси ўз кечинмаларини турлича ифодалайди, ўзини турли меъёрда ушлаб туради ва ҳаракатларини турлича бошқаради. Бу ҳолатни шу билан тушинтири мумкинки, оралиқ мия ва катта мия ярим шарларининг пўстлоғида маълум марказларнинг кучли қўзғалиши ва шунинг билан бирга бошқа марказларнинг тормозланиши чегарадан чиқиб кетади ва бир – бири билан алмашилиб қолади; баъзан олий нерв фаолиятининг бузилиши ва қўзғалиши содир бўлади.

Аффектив ҳолатнинг бошланишида шахс, айниқса ўсмир ва ўспирин ёшдаги ўқувчиларда бошқа нарсалардан ҳам бахтиёр равишда четлашиб, ўз ҳиссиётининг предмети ҳақида ҳам ўйлай олмайди. Танадаги ўзгаришлар ва ифодали ҳаракатлар табора бемулоҳаза бўлиб боради. Кучли зўр бериш натижасида ҳаракатлар тарқалиб кетади. Тормозланиш мия ярим шарлари пўстини борган сари кули эгалай бошлайди, қўзғалиш пўстлоғи ости нерв тугунларида ва оралиқ мияда кучаяди.

Ўқувчи кечираётган ҳиссига: даҳшат, ғазаб, нафратланиш ва шунинг кабиларга берилишга кучли истак сезила бошлайди.

Аффектнинг биринчи босқичида ўзини тутишни, ўзини қўлга олишни ҳар бир одам, фақат катталаргагина эмас, балки болалар ҳам уддалай олади. Бундан кейинги босқичларда ўқувчи кўпинча иродавий назоратни йўқотади, мулоҳазасиз ҳаракатларни амалга оширади ва ўйламасдан иш қилади.

Аффект портлашдан сўнг баъзан осойишталик ва бир қадар чарчашлик ҳолати юзага келади; бошқа ҳолларда (анча оғир ҳолларда) ҳолсизланиш, ҳамма нарсалага нисбатан бефарқ муносабатда бўлиш, ҳаракатсизлик, баъзан аффектив шок деб аталган уйқуга мойиллик ҳолати юзага келади; баъзи ҳолларда қўзғалиш анча вақт давом этади ва вақти – вақти билан кучайиб ёки пасайиб туради.

3. Баҳо ва ўз – ўзига баҳо бериш шахс йўналишининг омилидир.

Ўқувчи шахсининг таркиб топишида уларнинг ўз – ўзини баҳолай билиш хусусиятларининг шаклланиш ҳам ҳарактерлидир. Маълумки, ўқувчида ҳали ўсмирлик даврида ўз – ўзини англашга бўлган эҳтиёж ва

маънавий – психологик хусусиятларини баҳолаш қобилияти эндигина пайдо бўлади. Юқори синф ўқувчиларда ўсмирларга нисбатан ўзини психологик ҳаётини, шахс сифатида гавдаланишини, ўз хулқ- атворини билишга қизиқиш, ҳиссиёт ҳамда ички кечинмаларни англаш каби ҳислат содир бўлади. Ўқувчи фақат ўспиринлик давридагина ўзига тўла ва ҳар тамонлама баҳо бера олади.

Бу хусусият ўғил ва қизлар шахсининг камол топишига ҳам, уларнинг психик ҳаётида ҳам чуқур ва бир умр из қолдиган хусусиятлардан бири.

Ўз- ўзига баҳо бериш, ўзининг кимлигини тушиниш хусусиятлари теварак-атроф таъсири, ҳаёт талаби билан вужудга келади. Баъзан ўз хулқ – атворига объектив баҳо бера олиш хусусияти ўсмирларда ҳам бўлиши мумкин, леки бу ёшда бошқаларни фикри ҳам алохида ўрин эгаллайди. Ўсмирларнинг хулқ- атворига ота-онаси, ўқитувчиси, жамоаси ва бошқаларнинг берган баҳосининг роли ҳам катта бўлади.

Бу кишиларнинг бир хилда берган баҳолари уларни ўйлашга ва ўз хулқ- атворини тўғри, объектив баҳолашга ёрдам беради. Ўқувчи ёшнинг улғайиши билан унда ўз имкониятларига, ўз хулқ-атворига мустақил равишда баҳо бериш ҳислатлари тарбияланиб боради. Шундай ҳоллар ҳам бўладикки, юқори синф ўқувчилари ўз хулқ-атворини, шахсий хусусиятларини тўғри таҳлил қилади, лекин баъзи ҳолларда ўсмирлар бу хусусиятларга уларга нисбатан тўғри, объектив баҳо бера олади. Чунки у теварак атрофдагиларнинг объектив баҳосини такрорлайди. Бу ҳол катта ёшдаги ўқувчида боқачароқ бўлади. Ёшнинг ортиши билан унда ўз шахсини, ўз хатти – ҳаракатлари ва фаолиятини мустақил таҳлил қилиш ва баҳо бериш тенденцияси кучаяди. Ўз – ўзига баҳо бериш эса ҳамини ташқаридан берган баҳони англашдан кўра қийинроқдир. Шунинг учун катта ёшдаги ўқувчи ўзининг шахсий хусусиятларини ва хатти – ҳаракатларини ўсмирга қараганда яхшироқ таҳлил қила олса ҳам, ўзига айрим ҳолларда унчалик объектив баҳо бера олайди.

Ўқувчи ёшнинг улғайиши билан унда ўз имкониятларига, ўз хулқ- атворига мустақил равишда баҳо бериш ҳислатлари тарбияланиб боради. Шундай ҳоллар ҳам бўладикки, юқори синф ўқувчилари ўз хулқ-атворини, шахсий хусусиятларини тўғри таҳлил қилади, лекин баъзи ҳолларда ўсмирлар бу хусусиятларга уларга нисбатан тўғри, объектив баҳо бера олади. Шунинг учун ҳам йигит ва қизлар ўзларининг хулқ-атворларини баҳолаганда, бу баҳони ё ҳаддан ташқари ошириб юборади, ёки камайтириб юборади. Ўқувчиларнинг ўзларига тўғри баҳо беришларида мактабдаги ўқитувчи педагоглар, психологлар катта рол ўйнайди.

Шахс йўналиши (истак, қизиқиш, тилак, майл, идеал, дунёқараш, эътиқод).

Ўқувчилар ўзидаги ва бошқа кишилардаги меҳнатсеварлик, қатъийлик, ҳушёрлик, камтарлик, ботирлик каби хусусиятларгина эмас, балки шахсдаги кўзга яққол ташланмайдиган, масалан, ўз бурчини англаш, виждонлилик, адолатчилик, лаёқатлилик хусусиятларни ҳам кўра билади. Бинобарин, юқори синф ўқувчилари ўз дунёқарашини, имкониятини, кучини ҳисобга олган ҳолда келгусидаги фаолиятни аниқлай олади.

Ўқувчи йигит ва қизларнинг идеал юксак даражадаги маънавий идеалдир. Бундай юксак идеал эгаларининг мақсад ҳалқига, юртига хизмат қилиш, яхши меҳнат қилишдир.

Мактаб таълимининг дастлабки йилларида қизиқишлар, хусусан билимга бўлган қизиқиш, кўпроқ билимга бўлган ташналик ва интеллетуал қизиқувчанлик жуда сезиларли равишда ривожланади. Кузатишлар ва махсус илмий текшириш ишлари шуни кўрсатадики, қизиқишларни пайдо бўлиши ва ўсишга ўқувчининг маънавий қиёфаси, унинг билимларининг чуқур ва кенг бўлиши, ўқув материални қизиқарли равишда баён эта олиш, ўқувчиларни ўз дарсига, ўз фаолиятига торта олиш катта таъсир кўрсатади. Мактаб ўқувчисининг маънавий қиёфасини таркиб топтириши унинг шахсий тажрибасини шундай йўлга қўйиш керакки, бу тажриба ижтимоий ахлоқ норма ва қоидаларини ўзлаштириб олиш учун қулай замин яратсин.

Шахсий тажриба ва ижтимоий талаблар бир-бирига таъсир кўрсатиб турган вақтда ўқувчи шахсини таркиб топтириш жараёнида болада унинг хатти-ҳаракатларини ҳамisha ҳаракатга келтирувчи мотивларга айланиб қолган эътиқод ва идеаллар системаси юзага келади. Ана шу асосда шахсининг ахлоқий барқарорлиги, яъни одамнинг ўзи ўзлаштирган принципларига ва уларга мос келадиган хатти-ҳаракатларига ҳар қандай шароитда ҳам содиқ бўлиб қолиш қобилияти пайдо бўлади.

Эътиқод шундай билимлар, қоидалар, мулоҳазалар, фикрлардирки, улар ўзларининг ҳақлигига, шубҳасизлигига, ишонарлигига чуқур ишониш ҳамда ҳиссий кечиниш билан боғлиқдир. Эътиқод – тушунилган, фаҳмлаб олинган нарсанига эмас, балки чуқур ҳис этилган, бошидан ўтказилган нарсалардир. Ижобий ҳисларни тарбиялаш учун ўқувчи таъсирланадиган ижобий мисолга эга бўлган вазиятни юзага келтириш муҳимдир. Ахлоққа мувофиқ билим камол топиб бораётган одамнинг шахсий бойлигига айланиб бўлган, кишининг ўзи учун хатти – ҳаракатлар, ишига бўлган ўзига хос ахлоқий билимлар, уларга берилган баҳо, кечинмалар ва истакларнинг йиғиндисига айланиб қолган тақдирдагина ахлоқий қоидалари хатти – ҳаракатларининг эмоционал мотивларга айланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўқувчи шахсининг эҳтиёжларининг, мотивларини тўғри йўналтириш уларнинг ёш хусусиятларига, ҳарактер ҳислатларига шу билан бирга ўқувчи шахсига ҳам катта маъсулият юклайди.

Саволлар.

1. Мотив ҳақида тушунча.
2. Ички ва ташқи сабабларнинг шахс хатти – ҳаракатига таъсири.
3. Аффект таърифи.
4. Аффектларнинг намоён бўлиши.
5. Аффектив ҳолатдан кейинги жараён.
6. Ўз – ўзига баҳо беришнинг хулқ – атворга таъсири.
7. Ёшнинг ортиши билан ўз-ўзига баҳо беришнинг боғлиқлиги.
8. Шахс йўналишида идеал.
9. Ўқувчи шахсининг таркиб топишида қизиқишларнинг аҳамияти.

МАВЗУ: ҚОБИЛИЯТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

РЕЖА:

1. Қобилиятлар тўғрисида умумий тушунча.
2. Лаёқат нишонлари ва қобилиятлар.
3. Қобилиятларни шакллантиришнинг айрим шартлари.
4. Қобилиятларни шакллантиришда ўқитувчининг роли.

1. Қобилиятлар тўғрисида умумий тушунча..

Ҳамма қобилиятларнинг сарвари фикрдир. (Уилям Метйуз).

Одамларнинг ўқув, меҳнат ва ижодий фаолиятидаги ўзига хосликни тушунтириш учун психология фани биринчи навбатда, қобилиятлар ва иқтидор масаласига мурожаат қилади. Чунки қобилиятли одамдан аввало жамият манфаатдор, қолаверса, ўша инсоннинг ўзи ҳал қилган ҳар бир ҳаракатидан ўзи учун наф кўради.

Қобилият-деб одамнинг маълум бир иш ёки ҳаракатларни бошқа одамларга нисбатан осонлик ва чаққонлик билан бажара олиш лаёқатига айтилади. Маълумки, ҳамма одамлар ўқишда ва меҳнатда бир-бирларидан кескин фарқ қилади. Масалан, айрим одамлар мураккаб математик масалаларни осонгина еча олсалар, бошқа бир одамлар масалани ечиш у ёқда турсин, масаланинг шартига ҳам тушунмайдилар. Маълумки, одамнинг қобилиятлари унинг турли-туман фаолиятларида намоён бўлади. Ҳар қандай нормал тараққий этган одам маълум бир соҳага нисбатан қобилиятли бўлади. Масалан, бир хил одамлар музика товушларини эшитишга нисбатан қобилиятли бўлсалар, бошқа бир одамлар тасвирий санъатга нисбатан қобилиятли бўладилар. Маълумки, одамнинг у ёки бу қобилиятларида туғма хусусиятлар ҳам намоён бўлади. Кишиларда ривож топиб, уларнинг қобилиятларида намоён бўладиган туғма хусусиятлар истиснод деб аталади. Кишилардаги истисноднинг тараққиёт даражаси муайян қобилиятларнинг нақадар тез ривожланишига, ўз олдидаги вазифаларни қанчалик маҳорат билан бажара олишга боғлиқ бўлади. Қобилиятлар муаммоси энг аввало инсон ақлу-заковатининг сифати, ундаги малака, кўникма ва билимларнинг борлиги масаласи билан боғлиқ. Айниқса, бирор касбнинг эгаси бўлиш истагидаги ҳар бир ёшнинг ақли ва интеллектуал салоҳияти унинг малакали мутахассис бўлиб етишишини кафолатлагани учун ҳам педагогикада кўпроқ қобилият тушунчаси ақл-заковат тушунчаси билан боғлаб ўрганилади.

Қобилиятлар, аввалом бор, умумий ва махсус турларга бўлинади ва ҳар бирининг ўз психологик тузуми ва тузилиши бўлади. Шахснинг умумий қобилиятлари ундаги шундай индивидуал сифатлар мажмуи, улар одамга бир қанча фаолият соҳасида ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатиш ва натижаларга эришишга имкон беради.

Махсус қобилиятлар эса маълум бир соҳада ютуқларга эришиш, юқори кўрсаткичлар беришга имкон берувчи сифатларни ўз ичига олади. Масалан, спорт соҳаси билан бухгалтерлик ҳисоб-китоби бўйича ишлаётган икки кишида ўзига хос махсус қобилиятлар бўлмаса бўлмайди.

Бирор фаолиятнинг айниқса муваффақиятли, мустақил ва оригинал тарзда бажарилишини тақозо қиладиган зўр қобилиятлар бирикмаси талант дейилади. Ижодий фаолиятга қобилиятли бўлган кишиларни тузилмасига киритиш мумкин.

2.Лаёқат нишонлари ва қобилиятлар.

Баъзан ўта иқтидорли ва қобилиятли бола ҳақида гап кетса, ундаги бу сифат туғма эканлигига ишора қилинади. Талантли, гениал олим, санъаткор ёки мутахассис ҳақида гап кетса ҳам худди шундай. Умуман қобилиятларнинг туғма ёки орттирилган эканлиги масаласи ҳам олимлар диққат марказида бўлган муаммолардан биридир. Педагогикада туғмалик аломатлари бор индивидуал сифатлар лаёқатлар деб юритилади ва у икки хил фарқланади: табиий лаёқат ва ижтимоий лаёқат. Биринчиси, одамдаги туғма хусусиятлардан олий нерв тизими фаолиятининг хусусиятлари, мия ярим шарларининг қандай ишлаши, қўл-оёқларнинг биологик ва физиологик сифатлари, билиш жараёнларини таъминловчи сезги органлари-кўз, қулоқ, бурун, тери қобилиятларининг хусусиятларидан келиб чиқса, ижтимоий лаёқат-бола туғилиши билан уни ўраган муҳит, мулоқот услублари, сўзлашиш маданияти, қобилиятни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлардир. Лаёқатлик белгиси-бу ўша индивидга алоқадор бўлиб, у бу иккала лаёқат муҳитини тайёрича қабул қилади.

Қобилиятсизлик ва интелектнинг пастлиги сабабларидан ҳам шуки, ана шу икки хил лаёқат ўртасида тавофут бўлиши мумкин. Масалан, гениал рассом оиласида бола туғилди, дейлик. Унда рассомчилик учун туғма, генетик генлар отаси томонидан берилган дейлик. Лекин боланинг онаси фарзандининг ҳам рассом бўлишини хоҳламаслиги, ўзига ўхшаш қўшиқчи бўлишини хоҳлаши мумкин. Аёл болани ёшликдан фақат мусиқа муҳитида тарбиялайди. Табиий лаёқатнинг ривожини учун ижтимоий лаёқатнинг муҳити йўқ, ижтимоий лаёқат ўсиши учун эса табиий, туғма лаёқат йўқ бўлгани сабабли, болада ҳеч қандай талант намоён бўлмаслиги, у оддийгина мусиқачи ёки қўшиқчи бўлиши билан чекланиши мумкин. Интелект тестлари ва қобилиятдаги туғма ва ортирилган белгиларни ўрганишнинг психологик аҳамияти айнан шунда. Илк ёшликдан боланинг ўзидаги мавжуд имкониятларни ривожлантириш шарт шароитини яратиш ишини тўғри йўлга қўйиш керак.

Ортирилган сифати шуки, бола токи билим, малака ва кўникмаларни ўстириш борасида ҳаракат қилмаса, энг кучли туғма лаёқат ҳам лаёқатлигича қолиб, у иқтидорга айланмайди. Энг талантли, машхур шахсларнинг энг буюк ишлари, эришилган улкан муваффақиятларининг тагида ҳам қисман лаёқат ва асосан тинимсиз меҳнат, интилиш, ижодкорлик ва билимга чанқоқлик ётган. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, қобилиятсиз одам

бўлмайди. Агар шахс адашиб, ўзидаги ҳақиқий иқтидор ёки лаёқатни билмай, касб танлаган бўлса, табиий у атрофидагиларга лаёқатсиз, қобилиятсиз кўринади. Лекин аслида нимага унинг қобилияти борлигини ўз вақтида тўғри аниқлай олишмагани сабаб, у бир умр шу тоифага кириб қолади.

Қобилиятлар мия ва сезиш органларининг тузилишига боғлиқ, улар ҳар хил кишиларда туғилган вақтидаёқ турлича бўлади. Ҳар бир кишида туғма лаёқат нишонлари, яъни миянинг олий нерв фаолиятининг таҳлилаторларининг ўзига хос хусусиятлари бор бўлади, бинобарин, келгусида бирор қобилиятни ривожлантиришга бўлган муайян мойиллик ана шунга боғлиқдир.

Табиий анатомик-физиологик лаёқат нишонлари қобилиятларнинг физиологик асосини ташкил этади. Кейинчалик қобилиятга айланадиган лаёқат нишонларининг мажмуи кишининг истеъдоди дейилади.

Бундан ташқари, лаёқат нишонлари кўп қийматлидир, яъни тегишли шароитлар мавжуд бўлганда, фаолиятга қараб лаёқат нишонлари асосида турли қобилиятлар ривожланиши мумкин. Масалан, яхши эшитиш ва оҳангни сезиш қобилияти мавжуд бўлганда бир киши композитор, иккинчиси яхши ижрочи, учинчиси дирижёр, тўртинчиси музика танқидчиси ва хоказолар бўлиб етишмоғи мумкин.

Бироқ шундай ҳам бўладик, кишилар болаликда фавқулотда қобилиятларини намоён қилганлар-у, бироқ катта бўлгач, улардан маҳрум бўлганлар. Лекин бундай ҳоллар нисбатан кам учрайди.

Амалий психологиянинг бугунги кундаги энг муҳим ва долзарб вазифалардан бири лаёқат куртакларини илк ёшликдан аниқлаш, интеллект даражасига кўра шахс қобилиятлари йўналишини очиб беришдир. Шунинг учун ҳам ҳозирда кўплаб интеллект тестлари ва қобилиятларни диагностика қилиш усуллари ишлаб чиқилган ва улар муваффақиятли тарзда амалиётда қўлланилмоқда.

3. Қобилиятларни ривожлантиришнинг айрим шартлари.

Бола қобилиятларининг ривожланиши бир қанча оиланинг муқаддас ва маънавий шароитлари, болалар боғчасидаги ва мактабдаги боланинг ўз-ўзини тарбиялаши ва бошқа омил билан боғланади. Буларнинг ичида энг асосийси тарбия, яъни бола қобилиятларини мақсадга мувофиқ йўналтирилган ҳолда, онгли равишда шакллантириш жараёнидир. Қобилиятни шакллантиришнинг асосий шарти боланинг ўз фаолиятидир.

Кичик ёшдаги ўқувчилар қобилиятларини шакллантириш жараёнидаги марказий фигура керакли қобилиятларни ривожлантирадиган машқлар системасини мақсадга мувофиқ равишда олдиндан танлаб олинганда, ўқувчининг фаолияти мумкин қадар ранг-баранг бўлиши жуда муҳимдир. Мана шу шартга шундай танлаб олинганда, ўқувчининг фаолияти мумкин қадар риоя қилмаганлиги учун болаларнинг қобилиятлари тўғрисида кўпинча нотўғри хулосалар чиқарилади.

Биздаги педагогика ва психологияга доир адабиётларда ўсмирлик ёшини ҳарактерлашда бу ёшда шахснинг фақат жисмоний ўсиши эмас, балки, асосан ахлоқий ва ақлий жиҳатдан камол топиши кўрсатилади. Одатда

Ўсмирнинг 3та асосий хусусияти: ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзига баҳо беришнинг бошланиши, мустақилликнинг ўсиб бориши ва ўз-ўзини тарбиялашнинг бошланиши деб ажратиб кўрсатадилар. Бу хусусиятларнинг ҳаммаси шу ёшдаги ўқувчининг ўта фаоллигини тақозо қилади. Ўсмир хилма-хил фаолиятда ўз кучини синашни, ўз имкониятларини текшириб кўришни истайди. Бундай интилиш қобилиятларини ривожлантириш учун қулай шароит туғдиради. Муайян муваффақиятга эришиш, педагог ёки ота-онанинг боланинг бирор иши учун усталик билан рағбатлантирилиши унда шу фаолият турига қизиқиш ва майл уйғотиши мумкин. Қизиқиш ва майл ўзаро мос бўлса, қобилиятларни ривожлантириш янада қулай бўлади.

Ўсмир муайян фаолиятга хаддан ташқари зеҳн қўйган бўлса-ю, лекин агар катталар бунини сезмасалар ва боланинг майлини қўллаб-қувватламасалар, у ҳолда зеҳн қобилиятга айланмай қолиши мумкин.

Фақат катталаргина болада қобилиятларнинг барвақт намоён бўлишини баҳолашлари ва ундаги бу қобилиятининг ҳар жиҳатдан ривожлантиришга ҳаракат қилишлари мумкин ва аслида шундай бўлмоғи ҳам керак.

Ўсмирлар қобилиятини ривожлантиришнинг муҳим шартларидан яна бири таълимни жисмоний меҳнат билан қўшиб олиб боришдир. Бу шартнинг мавжудлиги ривожланишдаги бир томонликни бартараф қилишга ёрдам беради, ўқувчиларни турли хил фаолиятда ўзларини синаб кўришлари, ўз зеҳнларини юзага чиқариш имкониятини беради.

Болаларнинг қобилиятлари махсус, баъзан эса жуда кўп ва жиддий куч сарфлаш натижасида таркиб топади. Агар болада маълум фаолият турига қизиқиш ва майли бўлсагина, у бу қийинчиликларни енга олади. Шунинг учун ҳам муайян фаолиятга нисбатан қизиқиш ва майллигини тарбиялаш болаларда қобилиятларни ривожлантиришнинг зарур шартидир.

Қобилиятларнинг шаклланиши муайян соҳадаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш билан боғлангандир. Агар бола зарур билимга эга бўлмаса, гарчи жуда қобилиятли бўлган тақдирда ҳам, ўз қобилиятларини старли даражада юзага чиқара олмайди, муваффақиятсизликка учрайди. Ваҳоланки, унга нисбатан қобилиятсизроқ, лекин кўп нарсани биладиган болалар бу ишда муваффақият қозонадилар. Бу эса боланинг ишга бўлган қизиқишининг пасайишига олиб келиши мумкин. Болаларда қобилиятни ривожлантириш учун, мактабдаги турли-туман ишлар билан бирга мактабдан ташқари мазмундор ишлар ҳам олиб боралади. Шунингдек, техникага доир ясалган майда-чуйда қурилмалар, бадий ҳаваскорлик тўгараги кўриклари, ҳар хил фан олимпиадалари ҳам бу ишга ёрдам беради.

Буларнинг ҳаммаси йигит ва қизларда қобилиятларнинг янада ривожланишини тубдан белгилаб беради. Ҳаётдаги йўлини аниқлаб олишга интилиши, яъни буюк мақсадни, ҳаёт мақсадини топиш ва ўзини шу мақсадга эришишга тайёрлаш йигит ва қизлар учун характерлидир. Ўз мавқеини белгилаб олишга интилиш юқори синф ўқувчилари қобилиятларини ривожлантиришга ижобий таъсир қилади.

Шундай пайтлар бўладик, баъзи бир болалар ўз қобилиятини ривожлантириш учун барча шароитларга эга бўлади. Унинг муайян соҳага

бўлган зехни жуда эрта кўрина бошлайди, катталар унда керакли майл ва қизиқишлар, кўникма ва малакалар тўғрисида, билимларни эгаллаши ҳақида ғамхўрлик қиладилар.

Демак, ўз ҳаёт йўлини аниқлаб олиш, шунингдек, ирода ва ҳарактерни ўз-ўзини тарбиялаш юқори синф ўқувчиларида қобилиятларни шакллантиришнинг асосий факторидир.

Қобилиятларнинг 20-30 ва ҳатто, 50-60 ёшларда ҳам биринчи бор намоён бўлиш ҳодисалари тез-тез учраб туради. “Ёшлик даврим эмас, қариб қолдим аввалгидек қобилиятим йўқ” деган кишилар катта хато қиладилар. Шундай бўлса-да кишининг зехни қанчалик барвақт аниқланса, қобилиятларни ривожлантириш учун қанчалик вақтли киришилса ва қанча кўп шароитлар яратилса, уларнинг гуллаб-яшнаш имкониятлари ҳамда кишининг фан, маданият ва ишлаб чиқаришнинг ривожланишига қўшадиган ҳиссаси шунчалик кўп бўлади. Болаларнинг мактабда ўқиган йиллари қобилиятларни ўстиришнинг ҳақиқатдан олтин даври ҳисобланади.

Қобилият шахснинг бошқа сифатлари билан узвий боғланган. Кишининг талантли эканлиги малум даражада унинг психик жараёнлари, шунингдек, кўпгина психик хусусиятларининг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади. Айрим қобилиятларни ривожлантиришда тегишли билим жараёнларининг юқори даражада бўлиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Масалан, музикачи учун эшитиш, рассом учун кўриш идроклари катта аҳамиятга эга. Шахсдаги кўпгина жараёнлар ва хусусиятларнинг, айниқса, кучли ривожланиш кишининг умумий равишда ҳар томонлама лаёқатли бўлишига олиб келади.

4. Қобилиятларни шакллантиришда ўқитувчининг роли.

Мактаб ва ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларга таълим беришгина эмас, балки уларнинг қобилиятларини ҳам ўстиришдир. Қобилиятларни ўстиришда ўқув ишини аҳамияти каттадир. Бунда ўқитиш қобилиятларини ўстиришга ҳар хил даражада таъсир этиш мумкин, номақбул методлар қўлланилган пайтларда эса бундай ўсишга ҳалақит берилиши ҳам мумкин. Мактабларда таълимнинг ўқувчи материални фақат эслаб қоладиган эмас, балки кўпроқ ўйлайдиган фаол методларидан фойдаланиш лозим. Бундай методлар ўқувчиларнинг қобилиятларини ўстиришга катта ёрдам беради. Ўқувчининг ўқитувчи раҳбарлигида кўпгина рус тили ва математика қоидаларини билиб олиш, ўқилган материалларни ҳикоя қилиб бериши ҳамда умумлаштириши, математикага оид масалаларни ўйлаб топиши ва уларни ечиши, ижодий баёнлар ёзиши фойдалидир. Ўқитувчи болалар ҳар бир ишида ташаббус ва ижодкорлик кўрсатганларида уларни ҳар жиҳатдан рағбарлантириб туриш керак.

Қийинчиликларни аста секин ошира бориш муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчи олдида қўйилган вазифалар бундан ақлни зўр бериб ишлатишни талаб этиши даркор. Бироқ мактаб ўқувчиларга индивидуал тарзда ёндашиш, улардаги тавофутларни ҳисобга олиш, уларга дифференциалланган топшириқлар бериш зарур.

Афсуски, мувоффақиятли ўқиш учун ҳамма нарсага эга бўлган ўқувчининг ақлий жиҳатдан бир мунча пассивлиги учун баъзан ўқишга

қобилиятсиз деб ҳисоблаш ҳоллари ҳам учраб туради. Бундай қобилиятсизлик билимга қизиқишнинг йўқлигида, ақлий жиҳатидан зўр бермасликка интилишда, ўқиш боланинг қўлидан келмайдиган жуда қийин иш, деган ишончда намоён бўлади. Бундай болани йўлга солиб, фаоллаштириб ўз мойилликларига яқин бўлган маълумотлар билан қизиқтириб туриш лозим.

Ўқитувчи зийрак, қобилиятли болаларнинг хусусиятлари қандай ёмон натижаларга олиб келиши мумкинлиги унутмаслиги керак. Зийрак қобилиятли болалар ўқув материали қийналмасдан ўзлаштирадилар, шунинг учун уларда меҳнатга одатланиш ҳислатлари ҳосил бўлмаслиги, зарур майиллик ортмай қолиши мумкин. Ақлий жиҳатдан зўр беришнинг йўқлиги шунга олиб бориши мумкин-ки, бундай болаларда қобилият аста-секин сўнади, улар истиснодди мактаб ўқувчиларидан ўртача ўқувчиларга айланиб қолишлари ва ҳатто бўш ходимларга айланиб қолишлари, меҳнатга яроқсиз бўлиб қолишлари мумкин. Ўқитувчи ўқувчиларни қобилиятларини ривожлантириш учун, аввало ўзидаги қобилиятлар шаклланган бўлиши лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, ўқитувчининг барча ижобий умуминсоний ахлоқ меъёрларига мос келувчи ҳислатлари катта аҳамиятга эга.

Муҳим давлат вазифасини “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга ошираётган замонавий мактаб ўқитувчисининг ҳислатлари, унинг ижодий фаолияти амалий ишида, педагогик тажрибаларни эгаллаш жараёнида ўсиб ривожлана боради.

Шу билан бирга ўқитувчи доимий равишда ўз малакасини ошириб, ўз ишининг мувоффақиятини юқори даражада таъминлашга ёрдам берадиган шахсий ҳислатларни тарбиялаб бериши зарурдир.

С А В О Л Л А Р

1. Қобилиятлар деб нимага айтилади ва улар нималарда намоён бўлади?
2. Қобилиятларнинг қандай турлари фарқланади?
3. Лаёқат деб нимага айтилади?
4. Лаёқатнинг қандай турлари мавжуд?
5. Бола қобилиятларини ривожланишига таъсир этувчи омиллар.
6. Қобилиятларнинг ривожланишида психик жараёнларнинг ўрни.
7. Қобилиятли ўқитувчи қандай хусусиятларга эга?
8. Қобилиятли болаларнинг хусусияти.
9. Қобилиятларни ривожлантиришда ўқитувчининг роли.

БАЮК ШАРҚ ТАЪЛИМОТИДА ЎҚИТУВЧИ ПСИХОЛОГИЯСИ

Ўқитувчи мутахассисларини тайёрлаш ва ўқитувчи қандай фазилатларга эга бўлиши ҳақидаги муаммо қадим замонлардан бошлаб мутафаккирларнинг диққатини жалб қилиб келмоқда. Жумладан, Шарқнинг

буюк мутафаккири Абу Носир Фаробий (873-950) бу масалага тўхталиб, бундай деган эди: «Ўқитувчининг вазифаси доно давлат раҳбари вазифасига ўхшаб кетади. Шу сабабли ўқитувчи ҳам кўрган ва эшитганларининг барчасини яхшилаб эсда сақлаб қолишни билмоғи, ақл-фаросатга, чиройли нутқга эга бўлмоғи ва ўқувчиларга айтмоқчи бўлган фикрини тўла ва аниқ ифодалай олишни билмоғи зарур. Ўқитувчи фақат фан билангина шуғулланиб қолмай, балки ўз билимларини ўз ўқувчиларига ҳам бериши, бунда машаққатли меҳнатдан чарчаш нималигини билмаслиги лозим. Ўқитувчи май (спирт) ичимликларни истеъмол қилишдан ўзини тийиши, ҳақиқатчи бўлиб ёлғонни ва ёлғон айтганни ёмон кўриши, ғурурли бўлиши ва ўз ор-номусини қадрлаши, ўзининг ўқувчиларга нисбатан адолатли бўлиши, кўзлаган мақсадига эришишда қатъийлик кўрсата билиши лозим».

«Бундай одам, - деган эди Фаробий, инсонийликнинг юксак даражасига эга бўлади ва бахт чўққисига эришади... Бу эса ҳар қандай хатти-ҳаракатдан хабардор бўлган ва ҳаракатлар туфайли бахтга эриша олидиган одамдир». (132.53)

Ўрта Осиёлик атоқли олим Абу Али ибн Сино)980-1037_ фикрича ўқитувчи матонатли, соф виждонли, ростгўй ва болани тарбиялаш методларини ҳамда ахлоқ қоидаларини яхши биладиган одам бўлмоғи лозим. Ўқитувчи ўқувчининг бутун ички ва ташқи оламини ўрганиб, унинг ақл қатламларига кира билмоғи лозим.

Абу Али ибн Сино фикрича ўқувчига қаратилган ҳар бир сўзни ўқитувчи имо-ишоралар билан тўлдириб бормоғи лозим. Абу Али ибн Синонинг таълим жараёнида турли метод ва усулларни қўллаш тўғрисидаги фикрлари муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки шундай шароитдагина ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг қобилият ва лаёқатини аниқлаб, унинг келгусида ўз касбини танлаб олишига ёрдам бера олади.

Мутафаккирнинг фикрича ўқитувчи бу доноликдир. У ҳисоб-китоб ва яхшилик қилиш бўйича қандайдир яхши ва фойдали ишдир.

«Ҳисоб-китоб бўйича нимадир қилинади, нимадир олинади: олинган нарса ҳамма вақт кўзга кўринавермайди, чунки у яхши ном, хурсандлик, оддийлик, ёки умуман хоҳлаган биронта нарса бўлиши мумкин. Қаерда алмашиниш мавжуд экан, дарҳақиқат ўша жойда ҳисоб-китоб ҳам мавжуддир. Оддий ҳалқ тилида ҳисоб-китоб деганда ўртоқлар ўртасидаги ўзаро фикр ва нарса алмашиниш тушунилади. Мақташ, рағбатлантириш, алмашиниш предметига кирмайди. Лекин ақл-фаросатли одам ёққан ҳар қандай нарсани фойдали деб билади. Яхшилик эса мукофот ўрнини босолмаганидек, биронта хулқ-атвор ҳам бўла олмайди, балки бу яхшилик қандайдир беғаразликдан келиб чиқади. демак, ўқитувчининг барча ҳаракатлари фақат яхшиликдир». (9.792) жуда юқори баҳолаганлар. Ўқитувчи олий инсоний ҳислатларга эга бўлиши зарур эканлигини Шарқ мутафаккирларидан Насриддин Туси (1201-1274) ҳам «Ўқувчиларни тарбиялаш ҳақида» номли трактатида таъкидлаб ўтган.

Насриддин Туси фикрлари ғоятда катта қизиқиш уйғотди. У ўқитувчи олдида шундай талабларни қўяди. Ўқитувчи мунозараларни олиб боришни, ўз фикрининг тўғрилигига ишониш, нутқи эса мутлақо тоза, жумлалари

мантиқий ифодаланадиган бўлиши лозим. Ўқитувчи соф виждонли, ростгўй, шошмасдан, ишончли қилиб қатъий гапирадиган бўлиши лозим. «Ўқитувчи нутқи, - деб таъкидлайди Туси, - ҳеч қачон ва ҳеч қасрда заҳарҳандали, қўпол бўлиши мумкин эмас. Дарс пайтида ўқитувчининг ўзини тута олмаслиги ишни бузиши мумкин. Ўқитувчи ўз нутқида ҳаётий далилларни, мақолаларни, ота-боболаримиз, қадимги аجدодлармиз фикридан мисолларни келтириши лозим. Бу эса ҳар қандай ҳолатда фойдалидир». (132.55).

Шунингдек, Умар Ҳайём (1048-1123) асарларида ўқувчиларнинг билимларни тўла, чуқур ва онгли равишда ўзлаштиришлари, кўникма ва малакаларни эгаллашлари ҳамда уларни мустақил билим ўзлаштиришга тайёрлаш йўллари тўғрисида кўпдан-кўп фикрларни берган. Умар Ҳайём таъкидлаб ўтадики, ўқувчилар билимларни фақат ўқитувчининг берган маълумотлари ва китоб ўқиш билангина эмас, балки ҳаётий ҳодисаларни бевосита ўрганиш жараёнида, кўникма ва малакаларни эса амалиётда, айнан битта ҳаракат ва амалларни кўп марталаб қайта-қайта такрорлаш, турли операциялар ва шу кабилар натижасида ҳам эгаллаб оладилар. Хулоса қилиб айтганда, таълимни амалиёт билан бирга олиб бориш зарурлиги кўрсатилади. Талабалар билимларини мустақил ўзлаштириши кераклиги айтилади. Умар Ҳайём билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга ҳудди шундай ёндошишни ҳамма вақт эслатиб, ўқитувчилар ўқувчиларни фикр юритишга қандай рағбатлантирар эди. Шунинг учун ҳам у «Сен осонгина ўйлаяпсан», «Кўп ўйлаб мақсадга эришиш мумкин», «Бир оз ўйлагандан кейин сен тушуниб оласан», деб таъкидларди ва бу билан ўқувчилар руҳига таъсир қилиб уларни мустақил фикр-мулоҳаза юритишга ундар эди.

Ўқитувчи махсус қобилият, истеъдодга ҳам эга бўлиши керак. Истеъдодсиз шоирлар ўз даврида улуғ шоир А.Навоий (1441-1501) томонидан танқид қилинган эди.

А.Навоий ўзининг «Мажолисун - нафоис» (1491йил) 400 дан ортиқ шоирларнинг ижодиётини адабий томондан танқидий таҳлил қилади. Алишер Навоийнинг бу асари XV асрдаги ўзбек шоирларининг танқид қилиб, адабий қобилиятни ривожлантиришда классик шоирларнинг, замондош шоирларнинг ижодиётдаги тажрибаларини, шу билан бирга уларнинг ҳарактерини, ирода кучини ва бошқаларни ўрганиш муҳим рол ўйнади, деб таъкидлайди.

Демак, бўлажак ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари буюк шоирлар, ёзувчилар ҳаётини, ижодини чуқур, ҳар томонлама ўрганишлари зарур.

Илғор ўзбек демократик шоирларидан З.Фурқат, М.А. Муқимий, Аваз Ўтар ўғли, У Завқий каби машҳур адиблар ҳам ўз асарлари билан ҳалқ руҳига кириб бориб, улар қалбидаги ички дардларни очиб ташлаб ҳалқни маърифатга чорлади. Маърифатпарвар одамгина ёшларни камол топишига, ҳалқни тўғри йўлга бошлашга етакчилик қила олади, деган илғор прогрессив фикрларни илгари суриб устозлик вазифасини бажарадилар. Бу шоирлар ўша давр домлаларини яъни ўқитувчиларини таълим-тарбия бериш жараёнини танқид қилиб, уларнинг ўта қаттиққўл, жохиллик, таъмагирлик сифатларини қоралайди. Бу маърифатпарвар шоирлар ўз асарларида ўқитувчи шахси

болаларни севиши, уларни тушуниши, хушмуомала, тўғри сўз, меҳнатсевар, билимдон бўлиши зарурлигини уқтиради.

Жумладан, ўзбек совет ёзувчиси Боту ҳам ёшларни камол топишига алоҳида эътибор бериб, ўзининг қатор психологик педагогик асарлари «Бола нима деганини тингла», «Бола билан тўғри сўзлашинг», «Бола билан қўпол гапиришманг», «Болалар ёлғони» гарчанд болалар ҳаётидан олиб ёзилган бўлсада, аслида улар ота-она ва ўқитувчиларга қаратилган.

У болалар дунёсини, руҳини ва ҳарактерини теран билган ва бошқа ўқитувчиларни ҳам шунга чақирган.

Ўзбекистонда ўзининг прогрессив ғоялари билан кўзга кўринган А.Авлоний ўз даврида мактабда қўлланиб келинаётган таълим системаси эскирганлигини ўзбек муаллимлари ичида биринчи бўлиб яхши англади. У «Болаларга ҳарфларни овозлар ила танитмоқ, ўқилгон сўзларни ёздириб, маъносини билдирмоқ...» мушкул китобларнинг бадалига имло, иншо, ҳусни хат, илму-ҳол, хисоб, тарих, жўғрофия каби дунёвий илмларни ҳар кимнинг ўз тилида ёзилмиш китоблардан ўқитиб билдирмоқдан иборат.

Ҳудди шунингдек, тил ҳақида Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» асарида «Тил ақл ва билимнинг таржимонидир» (143.160) дейди.

Улуғ мутафаккир Аҳмад Донишнинг фикрича, адабиёт фани ҳар бир кишининг самимийлиги ёки мунофиқлигини ва инсон шахси табиатининг олижаноблиги ёки разиллигини аниқлар экан. У шундай дейди: «қайси бир ҳунар-касбни танламоқ бўлсанглар ундан кутилган мақсад ҳалқ учун фойда етказиш бўлсин». (50).

Биринчи ўзбек педагоги, исёнкор шоир Ҳ.Ҳ.Ниёзий чинакам муаллим бўлиш учун ўқитувчи бу касбни чин дилдан севиши, ўз ўқувчиларини ҳурмат қилиши лозимлигини таъкидлайди. У ўқитувчи ҳислатлари ҳақида бундай ёзади: «Ҳар жойда болаларнинг шўхлиги оддий бир ишдир, лекин талабалар» (шўхлик қилувчилар) муаллим ҳазратлари тарафиндин айтилиб, покиза ахлоқ ва асосли одатларгина тарбия этилиб, муҳаббат ва диққатни жалб этувчи ишлари ва усуллари ўргатиб изоҳлар этганда эди... йилдан – йилга талабалар минглаб эмас, балки миллионлаб кўпаяр, юзимиз ёруғ, тилимиз узун... бўлар эди». (117).

Демак, яқин ва Ўрта Шарқ мутафаккирлари ва ўзбек демократик шоирларининг бой илмий-бадий меросини ўрганишимиз ва ўқитувчи, унинг касб сифатлари ҳақидаги фикрларни таҳлил қилишимиз жараёнида биз шундай хулосага келдик: ўқитувчи шахси асрлар давомида инсон томонидан улуғланиб ва доно маслаҳатчи деб қаралган, унинг вазифасини доно давлат раҳбари вазифасига қиёслаган, бу мутафаккирлар ўқитувчининг қуйидаги касб сифатлари бўлиши муҳим экинлигини белгиладилар.

Ўқитувчи кучли хотира, ирода ва тафаккурга, ақл-фаросатга, чиройли нутқга эга бўлиши, кўзлаган мақсади йўлида қатъийлик кўрсата олиши, болаларни ички дунёсига кира билиш, виждонли, ахлоқли бўлиш зарурлигини таъкидлашади.

МАВЗУ: ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЎҚИТУВЧИСИ ПСИХОЛОГИЯСИ

Режа:

1. Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар.
2. Ўқитувчи шахсининг ҳарактер ҳусусиятлари.(профессиограммаси)
3. Ўқитувчи шахсининг ўқувчи шахсига таъсири.
4. Ўқитувчи фаолиятида индивидуал услуб.
5. Ўқитувчи шахси ва миллий истиқлол ғояси.

1. Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар.

Ўқитувчининг ўрни ва унинг вазифалари ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш ишига жамият ва жамоатчилик томонидан эътибор қаратилишининг нақадар муҳим аҳамиятга эгаллиги аниқланади.

Маълумки, ўқитувчининг шахси ва унинг касби билан боғлиқ ҳислатларига қаратилаган энг муҳим ҳислатлари қуйидагилар:

ўқитувчининг ўз Ватанига содиқлиги, болаларни севиш, уларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш истаги, ўз юрти, она тили ўз ҳалқини тарихи ва унинг маданиятини севиш, давлатнинг мустақиллик ғоясида яшашидан иборатдир;

ижтимоий жавобгарликни юксак даражада ҳис этиш;

ўзини қўлга ола билиш, сабр-тоқатли, бардош, матонатлийлиги;

Жамиятнинг ўқитувчи олдига қўядиган асоси талаблари қуйидагилар: шахсини маънавий ва маърифий томонидан тарбиялашнинг, миллий уйғониш мафкурасининг ҳамда умуминсоннинг бойликларининг моҳиятини билиш, болаларни мустақиллик, ғояларига содиқ руҳда тарбиялаш, ўз ватани табиатига ва оиласига бўлган муҳаббати;

кенг билимга эга бўлиш, турли билимлардан хабардор бўлиш; ёш педогогик психология ижтимоий психология ва педогогик, ёш физиологияси ҳамда мактаб гигиенасидан чуқур билимларга эга бўлиши;

болаларни билиш, уларнинг ички дунёсини тушуна олиш; ўзи дарс берётган фан бўйича мустаҳкам билимга эга бўлиб, ўз касби, соҳаси бўйича жаҳон фанларидан эришилган янги ютуқ ва камчиликлардан хабардор бўлиши;

таълим ва тарбия методикасини эгаллаш;

ўз ишига ижодий ёндашиши;

педогогик техника мантқиқ,(нутқ, таълимининг ифодали воситалари) ва педогогик тактикага эга бўлиши;

ўз билими ва педогогик маҳоратини доимий равишда ошириб бориш;

ҳар бир ўқитувчи ана шу талабларга тўла жавоб бера оладиган бўлишга интилиши шарт.

Ўқитувчи жамият томонидан қўйилган талаблар билан бир қаторда ўз фаолиятида теварак атрофидаги кишилар, мактаб маъмурияти, ҳамкасблари, ўқитувчилар ва уларнинг ота- оналари ундан нималарни кутишини ҳам эсдан чиқармаслиги лозим.

2. Ўқитувчи шахсининг ҳарактер ҳусусиятлари.

Кўпчилик психологлар, шу билан бирга ўзбекистонлик психолог олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар замонавий ўқитувчилар учун энг зарур ҳислатларни аниқлаб олиш имкониятини беради. Бунда гап ўқитувчилик касбининг профессиограмма (маълум тизимга келтирилган, меҳнат психологик томонидан ўрганишни ва ундан келгуси амалий фаолиятида фойдаланишга қаратилган қисқа ва ҳар томонлама батафсил кўрсатиб берилган ҳужжатга профессиограмма дейилади.) Ўқитувчи профессиограммаси муайян фан томонидан ўқитувчига қўйиладиган махсус талабларни ўз ичига қамраб олиши лозим.

Ҳар бир мутахассислик бўйича ўқитувчининг ихтисослашган характеристикасини назарда тутган профессиограмма тузилади.

Ўқитувчининг шахсий ҳислатлари.

Касбига хос бўлиши.

Ўз касбига хос ҳислатлари.

Шахсий – педогогик уддабуронлиги.

Ташкилотчилар малакалари.

Коммуникатив малакалари.

Гностик малакалари.

Ижодий ҳислатлари.

Ўқитувчининг шахсий ҳислатлари:

болаларни яхши кўриш, уларни севиш;

амалий – психологик ақл-фаросатлик;

меҳнатсеварлик;

жамоат ишларида фаоллик;

меҳрибонлик, камтарлик;

одамийлик, дилкашлик;

уддабуронлик, мустаҳкам ҳарактерга эга бўлиши;

ўз билимини оширишга интилиш.

3. Ўқитувчи шахсининг ўқувчи шахсига таъсири.

Биз психология кафедраси ўқитувчилари мингга яқин ўқувчини ўрганиб улардан ўқитувчининг кайфиятини била оласизми ва унинг кайфияти сизга қандай таъсир қилади деган саволга ёзма жавоб олдик. Ўқувчиларнинг 94,2 %, ўқитувчининг кайфиятини била олишни, 89,8 % ўқитувчи кайфияти уларга қаттиқ таъсир қилишини билдиришган. Шунингдек қуйидаги санаб ўтилган сабаблардан (шахсан унинг ўзига қўйилган ёмон баҳо, ўртоғига қўйилган ёмон баҳо: ўқитувчининг кайфияти ёмонлиги ; дарс материални ёмон ўзлаштирганини англаш; дарсга ёмон тайёргарлик кўрганини англаши) қайси бири ўқувчининг кайфиятига кўпроқ ёмон таъсир этишини кўрсатиш сўралган. Кўпчилик ўқувчилар ўқитувчининг кайфияти ёмонлигини таъкидлаб ўтганлар. “Ўқитувчининг кайфияти сенга қандай таъсир қилади?” деган саволга олинган жавоб ҳам жуда маъноли бўлди. Жавоб: Агар ўқувчининг кайфияти яхши бўлса ўз

муваффақиятсизликларингдан унча қийналмайсан, “Дарс унча зерикарли бўлиб туюлмайди”, “Қийин нарса осон бўлиб қолади”, “Дарсда вақт ўтганини билмай қоласан”, ва ҳаказолар, жавоблар. Айниқса ёмон бўлса? “Қўл ишга бормайди”, “Ўзингга бўлган ишончни йўқотасан”, “Дарсдан қочиб кетгинг келади” ва ҳатто “Миянг қотиб қолади” деган жавоблар олинган. Ўқитувчи фаолиятида индивидуал услуб. Таълим - тарбия ишининг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқитувчининг педогогик қобилиятига ва қизиқишига боғлиқдир. М.Г.Давлетшин таъкидлашича, ўқитувчининг баъзи психик жараёнлари ва хусусиятлари унда ўқитувчи шахсига хос сифатлари шундан комплексини ташкил қиладики, уни педогогик қобилият деб аташ мумкин. Педогогик қобилият ўқитувчи шахсига хос бўлган бир қанча сифатларни – унинг ақл – заковати, иродаси, ҳиссиётлари, ҳарактерига хос ва бошқа хусусиятлардан таркиб топади. Таълим – тарбия ишига бўлган қобилият туғма қобилият эмас, одам табиатдан шу қобилият куртакларини олади. Қобилият шахсига онги, фаолияти жараёнида ривожланади. Ўқитувчидан таълим – тарбия ишида катта диққат ва кузатувчанликни талаб қилади. Ўқитувчи чинакам педогогларга хос сезгирлик, кузатувчанлик қобилиятига эга бўлиши керак. Ҳар қандай кузатиш яхшилаб диққат қилиш асосида содир бўлади. Ўқитувчиларни ёзма ишларини эътибор билан текшириш ўқитувчидан диққатни нихоятда кучли ва чуқур бўлишини талаб қилади. Ўқитувчи нутқининг хусусиятлари. Ўқувчилар билимларни энг биринчи навбатда ўқитувчининг жонли нутқи орқали олади. Ўқитувчининг нутқи лексика, фонетика, талаффуз, гапларни тўғри тузиш, сўзларда урғуларни ўз жойига қўйиб гапириш ва ҳоказолар жиҳатидан тўғри бўлиши керак. Нутқда фикрлар изчил, мантиқли, асосли ва ишончли бўлиши лозим.

Ўқитувчи тафаккурининг хусусиятлари. Ўқитувчининг тафаккури асосан ўқув материалларини мустақил режалаштириш ва системали баён этишда намоён бўлади.

Ўқитувчи ўқув материалларини индуктив ва дедуктив методлардан фойдаланиб тушунтириш керак. Шу билан бирга, ўқитувчи ўқувчиларни фактлардан мустақил равишда хулосалар чиқаришга ва умумий берилган қонун – қоида ва тушунчаларга асосланиб, айрим факт, хулосаларни тушуна олишга ўрганиши зарур. Ўқитувчи абстракт тушунчаларини конкрет тушунчалар билан боғлай олиши.

Ўқитувчи тафаккурининг мазмунлиги, тезлиги, кенглиги, каби сифатлари болаларга ўз билимларини аниқ, мазмунли, тушунарли қилиб сўзлаб беришда ҳам намоён бўлади. Ўқитувчининг иродавий сифатлари. Педогогик фаолияти таълим-тарбия мақсадларига мувофиқ йўналтиришга ҳамда кўпгина қийинчиликларни бартараф этиш билан боғлиқ бўлган фаолиятдир. Шунинг учун ҳам бу фаолият кишидан катта иродавий куч талаб қилади.

VI. Миллий истиқлол мафкурасини ёшлар қалбига ва онгига сингдириш таълим – тарбиянинг турли шакллари орқали амалга оширилади. Бунда қуйидаги вазифаларни назарда тутиш лозим:

Таълим муассасаларида болалар ва талабаларнинг ёшига мос равишда миллий истиқлол мафкурасини сингдиришнинг дифференциал педогогик, психологик дастурини яратиш;

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқувчи – талабалар онгида миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш ишларини узлуксиз олиб бориш;

Ўқув дастурлари дарслик ва қўлланмаларда миллий истиқлол мафкураси ғояларини теран акс эттириш;

Мактаб, лицей, коллеж, институт ва университетларида мафкуравий тарбияни бугунги кун талаблари даражасига кўтариш;

Педогог кадрларни мафкура борасидаги билимини чуқурлаштириш;

Саволлар:

1. Ўқитувчи шахсини жамиятда тутган ўрни.
2. Ўқитувчининг намунали билим бериш учун унда қандай ҳислатлари бўлиши керак?
3. Ўқитиш жараёнида педогоглар ўз касби билан бирга қандай соҳанинг эгаси бўлиши керак?
4. Профессограмма ҳақида тушунча.
5. Профессограммалар қандай тузилади?
6. Педогогик қобилият неча хил бўлади ва улар қайсилар?
7. Ўқитувчи дарс жараёнига кайфиятнинг таъсири.
8. Педогогик қобилияти ва психолог олимлар қарашлари.
9. Ўқитувчи ўз диққатини синфда тўғри тақсимлай олиши.
10. Миллий истиқлол ғояси педогогик психологик фани.
11. Мафкуранинг сингдирилиши таълим – тарбиянинг турли шакллари орқали амалга оширилади. Унда қандай вазифалар назарда тутилади.

Мавзу: Мустақиллик шароитида зиёлилар психологияси

Янгиланаётган жамиятнинг энг муҳим муаммоларидан бири инсон тафаккурини шу жамият тараққиёти билан психологик мослигини тامينлашдир. Албатта, бу ечими осон иш эмас, чунки инсон психологияси ута сирли, мавхум масала бўлиб, йиллар давомида шаклланган психологияни тезгина ўзгартириши анча мураккаб муаммо. Бу мураккаб масалани ечимини топиш масъулияти энг аввало жамиятимизнинг маънавий стук, билимли, маърифатли вакиллари зиёлилар зиммасига юкланади.

Шундай экан, биз олиб бораётган тадқиқотимиз мақсади қилиб, зиёлиларнинг бош бўғини бўлган ўқитувчи шахсини «Ватанимиз Мустақиллигига», «Ватанга», «Меҳнатга», «Ўзига» ва «Ўзгаларга» бўлган муносабатларини ўрганишни белгилади. Тадқиқот объекти сифатида Фаргона вилояти ўқитувчилар малака ошириш олийгоҳи танланди.

Изланишда суҳбат, сўровнома, кузатиш каби психологик методлар қўлланилди.

Инсон психологиясидаги ижобий бурилишнинг асосчиси энг аввало зиёлилар бўлади. Шу ўринда Президент И.А.КАРИМОВни биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси олий мажлисининг биринчи сессиясида қилган маърузасидаги «Агарки, мафкура, маърифат, одамларимизнинг дунёқараши, тафаккури юксалишининг аҳамиятини жамиятимиз истиқболи учун яхши англаётган эканмиз, авваламбор, мана шу йўлда ўзини аямаётган тадбиркор, ижодкор зиёлилар, ўқитувчилар, шифокорлар, олимларимизга старли даражада шароит туғдириб, ижтимоий жиҳатдан таъминлаб бериш бизнинг вазифамиздир», - деган фикрларини келтиришимиз муаммонинг айна долзарб эканлигини белгилайди. Дарҳақиқат, мамлакатимиз равнақи, келажаги, кўп жиҳатдан ҳозирги кун ўқитувчиларимиз психологиясига боғлиқ.

Дунё ва жамиятнинг қайта қуришнинг фаол иштирокчиси ўқитувчи шахсини, янгилаш, поклаш, тараққиёт жараёнида мустақилликка бўлган муносабатини билиш мақсадида уларга «Ўзбекистон Республикасини мустақил деб эълон қилинганлигига қандай қарайсиз?» деб мурожаат қилганимизда синалувчиларнинг барчаси (100 фоиз), «Ўзбекистон мустақиллигини ҳар томонлама маъқуллайман, албатта яхши бўлди. Айниқса, инсонлардаги қўллик, мутелик, боқимандалик, қарамлик иллатлари йўқолиб, ўрнига ўзликни англаш ва миллий ғурур ҳислари пайдо бўлмоқда», деб жавоб беришган. Уларнинг жавобларининг таҳлили замирида шундай кучли севинч, фахр, ҳаяжонлари ётибдики, улар нафақат ҳозирги кунимиз ютуқларини, балки келажагимиз истиқболларини ҳам онгли равишда ҳис этмоқда. Инсон психологиясининг, фикрлашида, кайфиятида бундай ижобий ўзгаришларнинг пайдо бўлиши фақат муваффақиятга эришаётганлигимизнинг далилидир.

Ҳар қандай муваффақият курашларсиз, меҳнатсиз амалга ошмайди. Бу жараённинг бош иштирокчиси, янги ғояларнинг асосий тарғиботчиси ўқитувчидир. Унинг меҳнат объекти инсон шахсини камол топтириш бўлиб, у энг маъсулиятли масала устида ишлайди. Уларнинг меҳнатини ижтимоий қадри ҳам шундадир.

Шунинг учун ҳам уларга инсон психологиясига оид савол бериб, «Сизнингча мустақиллик инсон психологиясига қандай таъсир қилди?» деб сўраганимизда, уларнинг 98 фоизи «Мустақиллик инсон психологиясига фақат ижобий таъсир қилди. Асосийси инсон маънавиятини камол топдирмоқда», 2 фоизи «Мустақиллик инсон психологиясига ҳеч қандай таъсир қилгани йўқ» деб жавоб беришган, Чунки, мустақиллик шароитида инсон маънавияти, ғоя муҳим роль ўйнайди. Бу ижобий силжишлар устозлар назарида реал гавдаланмоқда.

Инсон ички дунёсининг энг муҳим хусусиятларидан бири унинг маънавий озуқага ташналиги, яъни яшашдан мақсадини билишга, ҳаёт моҳиятини аниқлашга бўлган интилишидадир. Кишининг яшашдан мақсади ҳам, барча маънавий эҳтиёжлари, эзгу умид-орзулари каби психик кечинмаларлари, муайян ижтимоий-иқтисодий муҳитга, шарт-шароитларга боғлиқ бўлади.

Мустақиллик шароитида инсон маънавий эҳтиёжларининг даражаси ортиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу жараён жамиятимиз зиёлиси ўқитувчи шахсида анча устуворлиги сезилмоқда. Сабаби, ўқитувчи ҳаёт муаммоларини чуқур, ҳар томонлама англаш, уларни ўз онги лабораторияси маҳсулига айлантира олиш каби мураккаб интеллектуал потенциалга эга. Шунинг учун ўқитувчининг инсонга бўлган таъсир кучининг даражаси юқори бўлади.

Жамиятимизда мустақиллик туфайли онг ва тафаккур билан боғлиқ бўлган, уни тубдан ўзгартириб юборадиган ҳодисалар юз берди. Мустақиллик инсонда фикрлар хилма-хиллиги, қарашлар турличалиги, муносабатлар ранг-баранглигини келтириб чиқарди. Натижада уларда фикрий жўшқинлик, ҳаётий фаоллик вужудга келди.

Синалувчиларнинг 2 фоизи мустақилликнинг инсон психологиясига таъсирини инкор қилмоқда. Демак, синалувчилар орасида жуда камчилиқни ташкил қилса ҳам, мустақиллик ғояларини тушунмайдиган, замон талабларига тўғри жавоб бера олмайдиган ўқитувчилар ҳам учрар экан. Бундай ўқитувчилар учун мактабни тарк этиш пайти келди. Акс ҳолда, мактаб унинг баҳридан кечади. Бу давр талаби.

Шу давргача педагогик-психологик татқиқотларда ўқитувчи касбини эгаллаш учун энг аввало болаларни севиш керак дейилган. Бу хулоса ўша кун шарт-шароитининг эҳтиёжига кўра тўғри бўлиб, эндиликда эса ўқитувчининг касбига муносиблиги, Ватанига бўлган муҳаббати билан белгиланади.

Шунинг учун синалувчиларга «Ватан тушунчасига ўз муносабатингизни билдиринг», - деб мурожаат қилдик. Уларнинг 68 фоизи бу саволга «Ватан-бу она-ерим, юртим, маҳаллам, уйим-жойим», 32 фоизи эса, «Ватан бу менинг келажак тақдирим» деб жавоб беришган.

Тадқиқотда иштирок этаётган зиёлиларнинг барчаси Ватан тушунчаси инсониятни маънавиятга, ҳақиқий буюк маданиятга, жаҳон тараққиётига элтадиган маърифий йўл эканини, улар қалбдан ҳис қилиб, Ватан инсоният ҳаёт рамзи эканини юрак-юрагидан туймоқдалар.

Жамиятда ҳар бир кишининг юксак маънавиятга соҳиблилик, билимлилик, ақл-фаросатлилик, ахлоқлиликдан манфаатдор этувчи ижтимоий шарт-шароитларни яратиш учун, илдам курашлар даври келяпти. Бу кураш ғояси замирида шахсий манфаат билан боғланмаган ҳар қандай иш пировард натижада таназзулга юз тутиши мумкинлиги кўзда тутилган.

Шу ўринда синалувчиларнинг 32 фоизи «Ватан бу мен», «Ватан бу менинг келажак тақдирим», деб берган жавобини келтиришимиз мумкин. Бу жавоб асосида кучли психологик жараён мужассам бўлиб, синалувчилар ўзини ва тақдирини Ватан тушунчаси билан уйғунлаштирмоқда. Ҳақиқатдан ҳам Ватан бор экан инсон улғаяди, шаклланади, яратади, ижод қилади, танилади. Инсон Ватан равнақиға ўз ҳиссасини қўшади ўзи эса камол топади. Ҳалқимизнинг барча қатламлари шу зиёлилар каби ўзини шахсий тақдирини Ватан тақдири билан боғлиқ эканини тўла англаб етишини таъминлашдек муҳим вазифа ўқитувчилар зиммасига юкланмоқда. Айтиб ўтганимиздек инсон психологияси мураккаб жараён, уни ўзгартириш учун кучли ғоя ва маълум вақт керак бўлади. Мустақилликнинг қисқа (9 йил) муддати

мобайнида ҳалқимиз онгида кескин ўзгаришлар содир бўлганини, уларнинг Ватанга, Она-заминга меҳрли муносабати шаклланиганини гувоҳи бўлиб турибмиз. Бу истиқлол ғояси таъсири натижасидир.

Ватан, инсон, маънавият тушунчалари бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи тушунчалардир. Ватанпарвар инсоннинг албатта маънавияти ҳам беқиёс бўлади. Маънавий бой, киши фақат эзгуликка интилиб яшайди. Эзгу ниятли инсон қалбида ҳеч қачон ёмонлик, ёвузлик, каби салбий ҳислатлар бўлмайди.

Мустақиллик таъсири остида жамиятимиз зиёлилари маънавий бой жисмонан соғлом ва ахлоқан пок бўлиб борар экан, албатта Ватанимиз кишиларининг ҳам маънавий бойлиги ортиб бораверади.

Синалувчиларнинг ўз ватанига бўлган муносабатини ўрганиш мақсадида «Ватанингизга бўлган муносабатингизни билдиринг» деб мурожаат қилганимизда уларнинг 56 фоизи «Ватанимни севаман, унга муносиб фарзанд бўлишга ҳаракат қиламан», 30 фоизи «Мен Ватаним олдида бир умр қарздорман. Нимайки, олган бўлсам юз ҳисса қайтаришга доим тайёрман», 14 фоизи «Мен ўзимни Ватаним тупроғи билан чамбарчас боғлиқлигимни теран ҳис қиламан», деб жавоб беришган.

Синалувчиларнинг кўпчилик қисми (56 фоизи) Ватанни севишни унга муносиб фарзанд бўлиш каби соф психологик кечинмаларни баён қилмоқда. Шу билан бирга улар керак бўлса ўз Ватани заминига бор вужуди билан сингиб кетишга тайёр эканини билдиришмоқда. Уларнинг 30 фоизи эса Ватан олдидаги қарздорлик бурчини маъсулият билан ҳис этмоқда. Бу ўқувчилар ўзидаги бор билим, малака, иқтидор, имкониятни Ватанидан аямаслиги намоён бўлди.

Тадқиқотда иштирок этган ўқитувчиларнинг 14 фоизи ўзининг Ватан тупроғи билан боғлиқ эканини билдиради. Бу фикр заминиди чуқур психологик кечинмалар етади. Гап Она ер, Она замин устида бормоқда. Уларнинг фикрлари табиий ва ҳақиқатлигини янада ойдинлаштириш мақсадида Кун ҳукмдори Метени «Тупроқ миллатнинг илдизидир, уни қандай берайин» фикрини келтиришимизни ўзи кифоя. Инсоннинг Она ерини қўмсагани, Ватан тупроғини кўзига тутиё қилиб суртганини, уни ўз номусидай сақлаганлигини биз одам зотидаги мавжуд буюк туйғу деб биламиз. Синалувчи ўқитувчиларнинг ҳар бири ўзини Ватанининг ажралмас бир бўлаги деб ҳис қилмоқда.

Биз синалувчиларга «Мустақиллик Ватанимизга қандай таъсир қилди», - деб сўраганимизда уларнинг 62 фоизи «Мустақиллик туфайли Ватанимиз тенги йўқ мислсиз мамлакатга айланмоқда», 38 фоизи эса «Мустақиллик Ватанимизда янги тараққиёт пойдеворини қурди ва машғал каби ёритди», деб жавоб беришган. Синалувчиларнинг жавобларидан маълумки, уларнинг кўпчилиги Ватан мустақиллигини ҳар томонлама маъқуллаб, мустақиллик туфайли юзага келган, ўзларидаги қониқиш ҳиссини намоён этишмоқда.

Ўқитувчилар мустақиллик туфайли Ватанимиз келажакда буюк давлат бўлишига умид боғламоқда ва улар психологиясида «Юрт», «Ватан», «Миллат», «Мустақиллик» тушунчалари тобора улкан мазмун касб этмоқда.

Уларнинг бу ижобий тасаввури бевосита ҳалқимиз ва келажагимиз тасаввуридир.

Навбатда синалувчиларни меҳнатга бўлган муносабатини ўрганиш мақсадида биз уларга «Мустақилликдан сўнг инсонни меҳнатга бўлган муносабати ўзгардими?»-деб мурожаат қилганимизда, уларнинг 96 фоизи «Ҳа, яхши томонга ўзгарди.Асосийси, боқимандалик йўқолди», 4 фоизи эса билмайман, деб жавоб берган.

Жавоблардан маълумки, меҳнатсиз даромад олишга чек қўйилганини, меҳнатнинг қадрини ортаётганлигини, чинакам меҳнаткаш одамгина яхши турмуш кечириши мумкинлигини зиёлилар дилдан тўғри идрок этмоқда. Зиёлилар жамиятимизда мустақиллик натижасида тайёрга-айёрлик кайфияти йўқолиб бораётганлигидан мамнун эканлигини билдиришмоқда.

Улар зиёли сифатида сидқидилдан қилинган меҳнатдан қобилият, қобилиятдан доҳийлик пайдо бўлишини тушиниб етмоқда. Инсон маънавияти, қобилияти, характери ва иродаси меҳнат фаолиятида намоён бўлади. Ҳаётда меҳнат инсон ва Ватан ўртасидаги кўприк бўлиб уларнинг фаровонлигини, яшовчанлигини, буюклигини, таъминлайди. Бу фикримизнинг ҳаётийлик салоҳиятини тасдиқлаш мақсадида Президент И.А.Каримовнинг ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашини ўн олтинчи сессиясидаги маърузасида «Келажагимиз учун, фарзандларимиз бахту саодати учун яшайлик ва ҳалол меҳнат қилайлик! Авлодларга озод ва обод Ватан қолдирайлик» деган фикрини эслашимиз жоиз.

Бу буюк ва эзгу фикр замирида ҳалол, тинимсиз машаққатли меҳнат ётади. Чунки, инсондаги барча шодлик, эзгулик манбаи меҳнатдир.

Меҳнат инсон психологиясини бошқарувчи муҳим омилдир. Масалан немис мутафаккири Бехер Иогоннеснинг «Кўнглинг ғаш бўлса ишла, бу ғамдан қутилишнинг ягона воситасидир. Изтиробга тушмаслик учун ишла, ишдан бошқа ҳеч нарса бу ғамнак бўшлиқдан ҳалос этолмайди. Омадинг юришганда ҳам ишлайвер, димоғдор бўлиб кетишнинг олдини оладиган ишдан ҳам зўрроқ дори-дармон йўқ». Демак, меҳнат инсонни ҳаётга рағбатлантиради, яшашга ундайди. Энг муҳими, инсон психик жараёнларини мувозанатини сақлай олиш кучига эга экан.

Синалувчиларни меҳнати асосидаги эҳтиёжларни ўрганиш мақсадида, уларга «Сиз бажараётган меҳнатингиз асосидаги эҳтиёжларингизни билдирсангиз деб берган саволимизга уларнинг 78 фоизи «Меҳнат менинг зарур ҳаётий эҳтиёжим бўлганлиги учун», 22 фоизи эса «Оиламни моддий базасини таъминлаш учун меҳнат қиламан» деб жавоб берган.

Олинган жавоблардан маълумки, синалувчиларнинг кўпчилик қисми (78 фоиз) меҳнат қилиш зарур ҳаётий эҳтиёжим деб жавоб бериши уларнинг маънавий савиясига ва мафкуравий етуклигига боғлиқ. Улар меҳнатни ўз фаолияти жараёнидаги родини юқори баҳолаб, унинг функциясини реал идрок этмоқда. Уларнинг ҳар бири истиқлолдан сўнг, ўз эҳтиёжини ва меҳнатга бўлган муносабатини ўзгарганлигини, мустақил мамлакат зиёли фуқароси сифатида ўз тажрибларига асосланиб теран ҳис этмоқда.

Эҳтиёж инсон фаолиятида муҳим ролг ўйнайди. Чунки, эҳтиёж фаолиятга яъни тинимсиз меҳнатга ундайди. Меҳнат фаолиятида шахснинг сифатлари, психик жараёнларининг хусусиятлари намоён бўлади. Шу билан бирга меҳнат ана шу жараёнларни такомиллаштиришнинг ва шахс сифатларини таркиб топишининг асосий воситаси ҳисобланади. Меҳнат фаолияти туфайли кишида, тафаккур, қобилиятлар, қизиқишлар ривожланади, билим кўникма ва малакалар ҳосил бўлади, ирода мустаҳкамланади, ҳарактер таркиб топади.

Синалувчиларнинг камчилик қисми (22 фоиз) оиласининг моддий базасини таъминлаш учун меҳнат қилишни билдиришган. Биз суҳбат жараёнида бу педагогларни оилапарвар ёш ота-оналар эканлигини аниқладик. Улар мунозара жараёнида ўзларининг меҳнати нафақат оиласи ва фарзандларига балки, жамиятимизнинг барча ёшларига сафарбар қилинишини англаб етишди. Ваҳоланки, инсон ўзи учун тааллуқли бўлган оламнигина билиб қолмасдан, теварак атроф оламини ҳам ўзгартириши, жамият манфаати учун хизмат қилишни ҳам билиши зарур.

Изланишимизда иштирок этаётган педагогларни ўзига бўлган муносабатини ўрганиш мақсадида «Сизнинг психологиянгизга мустақиллик шароити таъсир қилдими?», -деб берилган саволга уларнинг 86 фоизи «Ҳа, албатта менинг психологиямга ижобий таъсир қилди», 14 фоизи «Йўқ, мустақиллик менинг психологиямга ҳали ҳеч қандай таъсир қилмади», -деб жавоб беришди.

Маълумки, синалувчиларнинг кўпчилик қисми (86 фоизи) мустақиллик ўзини психологиясига ижобий таъсир қилганини эътироф этмоқда. Улар мустақилликнинг мазмун моҳиятини англай олганлиги, мустақил тараққиёт афзалликлари ва беқийс имкониятларини тушунганликлари сезилмоқда. Чунки, ҳар қандай шароитда, ҳар қандай жамиятда ҳам зиёлилар асосий ҳал қилувчи омилдир. Шунинг учун ҳам бу янгиланишлар энг аввало уларнинг қалбидан, онги ва тафаккури элагидан ўтганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Аммо, «Мустақиллик менинг психологиямга ҳали, ҳеч қандай таъсир қилгани йўқ», деб жавоб берган 14 фоиз синалувчиларнинг бу фикрига биз мутлақо қўшила олмаймиз. Чунки, ҳозирги кунимизнинг фаол фаолиятлари - яъни радио эшиттиришлари, телевидение кўрсатувлари, газета-журнал хабарлари, жойларда олиб борилаётган тадбирлар онгли инсон психологиясига ўз таъсирини ўтказмай қўймайди. Бу жавоблар синалувчиларни (14%) Ватан мустақиллигининг ҳақиқат мезонларига асослана олмаётганлигининг, янги шароитга мослашиб, тараққиётга тенглаша олмаётганлигини ифодасидир. Бу

ўқитувчиларга ўз-ўзига танқид ва ўзига бўлган талаб ва эҳтиёжларнинг устуворлиги маълум бўлди.

Биз синалувчиларни ўзгаларга бўлган муносабатини билиш мақсадида «Сиз ҳаётда қандай кишиларни ёқтирмайсиз?», - деб сўраганимизда уларнинг 74 фоизи «Ўзини бошқалардан хаддан зиёд паст кўрувчиларни», 26 фоизи эса «Баджаҳл, тажанг, тез-тез жанжал чиқарувчи кишиларни ёқтирмайман», - деб жавоб беришган.

Синалувчиларнинг 74 фоизи атрофдаги одамлар олдида ўзини ўта, паст кўрувчи кишиларга нисбатан мурасасиз эканини билдирмоқда. Инсоннинг ўзига-ўзи ҳаддан зиёд паст баҳо бериши яъни психологияда норасолик деб аталмиш ҳислат кишини- ўзига қатъиян ишончсизлик, ташаббускорликдан воз кечиш, ўзини-ўзи қийин ва қўрқувнинг кучайишидан дарак келиб чиқади. Кишилардаги бу ҳолат ҳақиқатдан ҳам ҳозирги мустақиллик шароитида, инсоният олдида қўйилаётган талабларга зиддир. Жавоблардан маълумки, синалувчилар бу ҳолатни тўғри идрок эта олган.

Инсондаги бундай норасолик ҳолатлари тоталитар тузуми даврининг таъсири натижасидир. Бу фикримизнинг далили сифатида оддий бир мисол келтиришимиз мумкин. Масалан, яқин тузумимизда қишлоқдан келган деҳқон, ўзбек аёли кассага билет олиш учун, қўрқиб, ишсизлик билан бориб, мақсадини тушунтиролмай камситилади. Натижада аёл кайфиятида нохуш психологик ҳолат содир бўлади. У деҳқон аёли рус тилини билмагани учун ўзини-ўзи қийин ва қолоқликда айблайди. Айнан бу ҳолат инсонда тобелик, ўта камтарлик, бошқалар олдида ўз фикрини билдирмаслик, фақат ўзгалар фикрини қабул қилиш психологиясини келтириб чиқарди. Энг ёмони инсондаги бу ҳолат аста-секин эҳтиёжга айланиб қолди. Бу ўша тузум сиёсатини инсон психологиясидаги салбий асоратларидир.

Бу асоратлардан қутулиш, инсонда янги психология ҳосил қилиш юқорида айтиб ўтганимиздек, тезгина амалга ошадиган муаммо эмас.

Инсон табиатидаги салбий хусусиятларни тугатиш, ўрнига ўзига қатъиян ишонччилик, ташаббускорлик, хушёрлик, мағрурлик каби ижобий янги психологияни инсон дилига жо қилиш масъулияти кўпроқ инсон қалби меъмори бўлган ўқитувчилар зиммасига юкланади. Бу ўқитувчилар бизнинг яқин ўтмишимиздаги руҳий кушандалардан қутилишимизда фаол иштирок этувчи ишончли вакиллардир.

Синалувчиларнинг қолган 26 фоизи эса тажанг, баджаҳл, тез-тез жанжал чиқарувчи кишиларга нисбатан мурасасиз эканини билдиришган. Кишилардаги бу кайфият кўп ҳолларда изтироб чекиш, нафратланиш, ғазабланиш, уялиш, қўрқув каби ҳиссий ҳолатлар асосида юзага келади. Ушбу ҳиссий ҳолатни салбий хусусиятларини ёшлар онгидан сиқиб чиқариш, инсонда онг, ҳис-туйғулардан устувор эканлигини таъминлаш, инсонга хос ижобий хусусиятларни шакллантириш ўқитувчиларнинг асосий меҳнат мотиви ҳисобланади.

Мустақиллик таъсири натижасида тафаккур тарбияси, онг устуворлиги давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шунини айтиш керакки, қолоқликка қолоқлар, онглиликка зиёлилар айниқса, ўқитувчилар етаклайди. Шунинг

учун ҳам уларнинг фикрлари, қарашлари билан ҳисоблашиш доимий долзарб вазифадир.

Дарҳақиқат, инсон онги ва тафаккурида ўзгариш ясалмагунча, унинг дунёқарашларини янги ижтимоий-сиёсий жараёнларга мослаштирмагунча ҳар қандай ҳаракатлар фойдасиздир. Ўтказилган эксперимент натижаларининг хулосаларидан кўринадики, мустақиллик шароитида мамлакат президенти А.А.Каримов инсон ташвиши, изтиробларини ўрганиб, ҳалққа суяниб, улар руҳиятига таъсир қиладиган, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган, ўзлигини англашга ёрдам берадиган тадбир ва воситалар ишлаб чиқиб, уларни ҳаётга тадбиқ қилиш орқали жамиятимиз зиёлилари психологиясида ижобий бурилиш ясай олганлигини гувоҳи бўлди.

Мустақилликнинг 14 йили- бу биз учун ҳақиқат йўли, воқеликни қайта идрок этиш йўли, янги ғояларни ижтимоий янгилашни миллий дастурини ишлаб чиқиш йўли бўлиб, бу йўл ўзининг илмий самараларини бераётганлигини тадқиқот натижаларида кўриш мумкин. Инсон психологиясининг ўзгариши ва шаклланишида жамиятдаги ўзгаришлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Демак, давлатимиз раҳбари И.А.Каримов илгари сураётган ғоялар, одилона, ҳалқчил сиёсат эканлигидан далолат бермоқда.

Атамалар

Автоном нутқ (боланинг автоном нутқи) - кўп маъно ва ноаниқ сўзлари билан характерланади, ички нутқ бўлиб, бунда турли предметларнинг бири-бири билан беқарор ва узвий боғлиқлиги туфайли сўзларнинг маъноси ҳам вазиятга қараб ўзгаради. Болаларнинг автоном нутқи катталар нутқиға ўтиш даври ҳисобланади. Автоном нутқ тенг ёшли болаларда яққол намоён бўлади.

Авторитаризм (лот. - тўла ҳокимият, буюриш) - буйруқ асосида талабаларга кўр-кўрона, ўйламасдан бўйсунтириш. Уни авторитет (лот.-куч, обрў) сўзи билан адаштирмаслик керак, негаки ушбу сўз шахсдаги кўпчилик томонидан тан олинган фазилат, қадр-қиммат маъносини англатади.

Адекватлик (лот.-тенглаштрилган) - тенг, ўхшаш, мувофиқ, муносиб келмоқ.

Акалькулия - бош миyanинг ярим шарлари қобиғининг шикастланиши натижасида арифметик масалаларни ечиш қобилиятининг бузилиши ёки умуман йўқолиши.

Акселерация (лот.-тезлаштирмоқ) - организм ривожланишининг жадаллашиши, эрта жинсий етуклик.

Альтеризм (лот.-бошқа) – ўз манфаатларидан бошқаларга ҳолисона ғамхўрлик қилиш, ёрдам кўрсатиш, яхшилик қилишни устун қўйиш (қарама-қарши сўз - эгоизм).

Амбивалентлик (лот.-иккала кучга эга) – бир вақтнинг ўзида бир объектга нисбатан пайдо бўладиган иродавий эмоционал ҳолати (масалан, рашқда севги ва нафрат бир вақтда кечирилиши).

Аморф (грекча – шаклнинг рад этилиши) – шаклсиз, бузилиб кетишга монанд.

Анализатор (грекча – қисмларга бўлиш, қисмлаш) – таъсирларни анализ ва синтез қилувчи нерв механизмларининг тузилиши.

Апробация қилиш (лот.-маъқуллаш, қабул қилиш) – маъқуллаш, тасдиқлаш.

Ассоциация (лот.- бирлаштирма, боғлайман, қўшаман) психологияда-психика ҳодисаларининг боғланиш туфайли онгимизда пайдо бўладиган муайян тасаввурлар; ўхшашлик ёки қарама-қарши белгиларга кўра бошқа тасаввурларни ҳосил қилиш.

Ассоциатив эксперимент (психологияда) – аҳамиятли ва нейтрал турткичи ўртага ташлаган ҳолда кишининг психик ҳолати тажрибаларининг ҳосил қилинган ассоциацияларни аниқлашга қаратилган тажриба методи.

Ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш (П.Я. Галперин) – инсонда янги ҳаракат, образ ва тушунчаларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган кўп қиррали мураккаб ўзгаришлар ҳақидаги таълимот. У бир неча босқичлардан иборат: мотивациянинг шаклланиши, ҳаракатнинг асосларини тахминий тузиш орқали ифода қилиш; ҳаракатнинг моддий шаклда таркиб топиши; ижтимоийлашган кучли ташқи нутқ; ҳаракатнинг ташқи ва ички нутқда шаклланиши; ниҳоят, охирги натижа-интериоризация – ақлий фаолият.

Ақлий ривожланиш коэффициенти (англ. –intellectual quъtiъnt - IQ)-ақлий ёш (АЁ) ва хронологик асл ёш (ХАЁ) орасидаги муносабат. Ушбу формула орқали аниқланади.

АЁ

— $X \cdot 100 = IQ$

ХАЁ

Интеллектнинг бирор бир ёш шкаласига суянган ҳолда тест натижалари орқали ақлий ривожланишни аниқлаш мумкин.

Ақлий хатти-ҳаракат – ташқи муҳит ва ташқи нутққа суянмаган ҳолда идрокнинг ички режаларда бажариладиган хатти-ҳаракатлар.

Аффект (лот. – руҳий ҳис-ҳаяжон) – иродавий назоратни йўқотган ҳолда тез ва кучли пайдобўлиб, шиддат билан ўтадиган қисқа муддатли эмоционал ҳолат.

Аҳамиятлик – бирор бир объектда из қолдириш билан боғлиқ бўлган шахснинг эҳтиёжи. У барқарор ва вазиятли бўлади.

Билвосита (воситали равишда) – ҳодисаларнинг бирор нарса воситасида бир-бири билан алоқада бўлиш.

Белги – фаолият билан боғлиқ бўлган ҳамда барча ҳис-туйғулар орқали қабул қилинадиган ҳодиса. Белгилар сўзли ва сўзсиз бўлади. XX асрнинг 30 йилларида белгилар ҳақидаги фан – семиотика пайдо бўлди.

Биогенетик қонун (ҳаёт, келиб чиқмоқ) – боланинг психик тараққиётини, ақлий қобилиятларини фақат наслий хусусиятлар билан белгилаб, онг тараққиётини белгилаб берувчи бошқа омилларни, ижтимоий муҳит ҳамда таълим-тарбиянинг роли инкор қилинувчи назария. Уни Ф. Мюллер ва Геккеллар кашф этишди.

Бихевиоризм (инг. - хулқ) – Америка психологиясидаги йўналиш бўлиб, унда барча психик ҳолатлар онгни инкор қилган ҳолда ташқи турткич таъсирига боғлиқ бўлади деб таъкидланади.

Вербал (лот. - сўз) – сўзли, сўздан иборат бўлган.

Галлюцинация (лот. – алахлаш, валдираш, босинқираш) – мавжуд бўлмаган нарсаларнинг ҳаёлан идрок этилиши. Мия фаолиятининг бузилиши оқибатида сезги органларининг (эшитиш, кўриш, ҳид билиш) галлюцинациялари мавжуд.

Генезис (грекча – туғилмоқ, вужудга келмоқ, ривожланиш) – бирор бир ҳодиса, предметни ривожланиш жараёнининг қобиляятларини акс эттирувчи тушунса.

Генерализация (лот. – умумий, бош) – шартли ва шартсиз рефлексларнинг умумийлашиши. Генерализация ҳодисасида бир-бирига нимасидир билан ўхшаш қўзғолувчилар бир хил жавоб ҳосил қиладилар.

Геронтопсихология (грекча – қария, илм-фан) – организмнинг қариши билан боғлиқ бўлган жараён ва ҳодисаларни, ҳамда қариликнинг психологик томонларини ўрганадиган фан.

Гипертиреоз – қалқонсимон безларнинг кучайтирилган функцияси.

Гипофиз (грекча - ўсимта) – пастки мия ўсимтаси. У ички секреция беzi бўлиб ҳайвон ва одамнинг бош мия умуртқасида жойлашган. Гипофиз гормонлари организмнинг иш фаолиятида муҳим рол ўйнайди. Гипофиз функциясининг бузилиши организмнинг шаклланиши ва ривожланишига таъсир этади, бунда гормонларнинг ортиб кетиши ёки камайиб кетиши кузатилади. Гипофиз бузилишида болаларнинг бўйи ўсмайди, моддалар алмашинуви бузилади, жинсий ҳолати кузатилади, бола психикасида интеллектнинг бузилиши, хотиранинг ёмонлашиши юз беради.

Гештальтпсихология (нем. Шакл, структура, яхлитлик) – XX асрнинг бошларида Германия, сўнгра АҚШда вужудга келган психологиянинг бир йўналиши. Унга асосан, психиканинг бошланғич ва асосий ҳодисалари бутун, яхлит мавжудлик «гештальтлар» ҳисобланади.

Глобал (лот. – ер шари) - умумий, борлиқни қамраб олувчи, барчага тааллуқли.

Гностик (грекча - билмоқ) фаолият – бутун борлиқни билишга йўналтирилган фаолият.

Гормонлар (грекча. – уйғотмоқ, ундамоқ) – ички секреция безлари фаолиятини таъминлаб турувчи фаол биологик ашёлар.

Градиент (лот. – қадам ташлаб борувчи) – ягона узунликка ўтиш натижасида бирор бир физик катталиқ мозийдаги кўпайиши ёки камайиши.

Гуморал (лот.-намлик) – организмнинг ўзидаги суюқликлар билан боғлиқлиги, масалан, қон, лимфалар.

Диперсонализациялаш (лот. – бўлмоқ, шахс, йўқ қилмоқ) шахсни бўлиниши, унда шахсий «мен» ҳиссининг йўқ бўлиши.

Диққат – инсон психик фаолиятининг аҳамиятга эга бўлган бирор бир буюм ва ҳодисага йўналтирилиши ва унда тўхтатиш.

Детерминизм (лот. - аниқламоқ) – барча ҳодисаларнинг вужудга келиши ва мавжуд бўлишидаги умумий қонуниятлар боғлиқлиги ҳақидаги таълимот.

Децеребрация (лот. олиб ташламоқ мия) – бу шундай методки, унда бош миянинг ўзакка оид қисмининг кесилиши натижасида оралиқ мия ва марказий нерв системасининг юқори қисмлари пастки қисмлардан ажралиб туради. Децеребрация қилинган ҳайвонлар мувозанатни таъминлаб турувчи рефлексларни йўқотади. Децеребрациядан сўнг эгилувчи бўғинлар қисқаради ва натижада децеребрацион регидлик вужудга келади.

Дидиктика (грек. - ўрганувчи) – педагогик фандаги таълимнинг қонун ва методларини ўрганувчи бўлими.

Динамик (лот. - ҳаракатчан) Стереотип (лот. – қатъий) шартли рефлексларнинг деярли қатъий системаси. Динамик стереотип кишини муайян малака ва одатларнинг таркиб топишини таъминлайди.

Децентрация (лот. – қўшимча, рад қилиш, бир ерга йиғиш) – генетик эпистомологиянинг асосий тушунчаларидан бири. У эгоцентризмни рад қилиб, янги образ, тушунча ва фикрларни бошқа кишилар фикрига қўшилган ҳолда янгитдан кашф қилишни англатади.

Ёш – индивиднинг маълум, аниқ вақт белгиланган психик тараққиётининг босқичи. Ушбу босқичларда унинг шахс сифатидаги физиологик ва психологик ўзгаришлари кузатилади.

Ёш даври инқирозлари (грекча – бурилиш пайти) – бир ёш давридан иккинчи ёш даврига ўтишдаги тўқнашувлик вазият.

Зеҳн – шахс махсус қобилиятларини таркиб топтириш ва ривожлантириш учун асос бўладиган анатомик – физиологик имконият.

Идентик (айнан ўхшашлик), (қадимий лот. – ўхшаш, бир хил) – иккита буюм ёки ҳодисанинг бир-бирига ўхшашлиги.

Иерархия (грек. – ҳокимият, бўйсундириш) элементларни кетма-кет ҳолда, бир-бирига тенг равишда бўйсундириш системаси (масалан, мотивлар иерархияси).

Индукция (лот.-келтириб чиқарувчи, ундовчи) – асосий нерв жараёнлари бўлган тормозланиш ва қўзғолиш ўртасидаги қонуният. У шундан иборатки, бирининг пайдо бўлиши, иккинчиси қарама-қарши бўлганининг ривожланишига сабаб бўлади.

Инициация (лот. – сирли юз бериш) - ёш йигитни катта кишилар қаторига қўшиш билан боғлиқ бўлган урф-одатлар.

Интеграл (лот.- бутун, тикланган) – узвий боғлиқлик, бутунлик, бирлик.

Интериоризация (ичкига айланиш) – ички психик фаолиятнинг ташқи амалиёт фаолиятидан келиб чиқиши.

Интроверсия – шахснинг ўз фикрлари, сезгиси, кечинмалари, ўз-ўзига таяниши.

Интуиция (лот. – диққат билан қарамоқ) – шахснинг муайян соҳадаги ҳаётий ёки илмий тажрибаларга таянган интеллектуал (ақлий) сезгирлиги.

Инфантилизм (лот. – болаларга хос) – баъзи катта ёшдаги одамларнинг функционал ва психик ривожланишида болаларга хос ҳислатларнинг сақланиб қолишидан иборат бўлган психофизиологик нуқсон.

Ирадиация (лот. – нур сочмоқ) – тормозланиш ва қўзғолиш жараёнларининг тарқалиши.

Индивидуаллик - ҳар бир инсонни бошқа инсон билан фарқлаб турувчи хусусиятлар йиғиндиси, шахснинг ўзигагина хос бўлган хусусиятлари.

Ирода – инсонни бирор бир ҳаракатларни бажаришга қаратилган мақсад сари онгли интилиш.

Идрок – сезги органларимизга бевосита таъсир этиб турган нарса ва ҳодисаларни онгимизда бутун, яхлит ҳолда акс этиши.

Кинестетик сезгилар (грек. – ҳаракат, сезги) гавданинг фазодаги ҳолатини, айрим органларнинг ҳаракатларини акс эттирувчи сезги.

Когниция – ташқи муҳит, ўзи ва ўзининг хулқ-атвориغا тааллуқли фикр, турли билимлар.

Мотив (лот. - ҳаракатлантираман) – одамнинг эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган, муайян хатти-ҳаракатларга ундайдиган.

Малака – онгли фаолиятнинг кўп такрорланиши ёки кўп машқ қилиш натижасида автоматлаштирилган таркибий қисми: тез, тежамли, тўғри, кам жисмоний ва асабий куч сарфлаган ҳолда бажариладиган ҳаракат.

Негативизм (лот. – инкор қиламан) – атрофдаги кишиларга нисбатан боланинг сабабсиз қаршилик кўрсатиши: икки хил негативизм мавжуд: пассив (қайсарлик) таклиф этилаётган фаолият бола томонидан бажарилмаслиги. Фаол (шахсий негативизм) боланинг қарама-қарши ҳарактерга эга бўлган фаолиятни бажариши.

Онл – объектив воқеликни акс эттиришининг юксак, фақат инсонга хос тури.

Профессиограмма – муайян фаолият учун зарур бўлган психологик функциялар йиғиндиси.

Психика (грекча - руҳият) – юксак даражада ташкил топган тирик материя, миянинг объектив оламни алоҳида йўсинда акс эттириш қобилиятига эга бўлган алоҳида хусусияти.

Психоанализ (грекча – руҳ, ечмоқ, ҳал қилмоқ) – нерв ва психиканинг баъзи касалликларни даволашга қаратилаган метод бўлиб, фрейдизмнинг назарий асосидир.

Пубертат (лот. – жинсий етуклик) – унда жинсий органлар ва жинсий безларнинг тўла шаклланиши кузатилади. Ушбу даврда ўсмирларда қатор тана ва психик ўзгаришлар содир бўлади.

Рефлекс(лот. – акс эттириш) организмнинг ташқи ва ички қўзғовчиларга нерв системаси орқали қонуний равишда қайтарадиган жавоб реакцияси.

Рефлексия – ўз-ўзини кузатиш тури бўлиб, унда шахсий психик ҳолат таҳлил қилинади.

Сезги – нарса ва ҳодисаларнинг сезги органларимизга бевосита таъсир этиши натижасида ҳосил бўладиган жараён.

Сензитив(лот. - ҳиссий) – таълим-тарбия жараёни орқали психиканинг самарадорлигини таъминловчи имконият даври.

Стимул(лот. - қувлашмачоқ) – бирор бир ҳаракатга ундамоқ, туртки.

Тест (инг. – синаш, текшириш) – шахсинг ақлий тараққиёти, қобилияти, иродавий сифатлари ва бошқа психик хусусиятларини текширишда қўлланиладиган стандартлаштирилган масалалар.

Тарбия – шахсинг ҳаётга, меҳнатга тайёргарлигини мақсадга йўналтирилган, тарихий-ижтимоий тажрибага суянган ҳолда олиб бориладиган фаолият.

Таълим – системалаштирилган бўлиб, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш жараёни ва натижаси.

Тафаккур – шахсинг объектив воқеликдаги нарса ва ҳодисаларни, уларнинг муҳим хусусиятларини боғланиш ҳамда муносабатларини бевосита умумлаштирилган ҳолда акс эттиришдан иборат бўлган ақлий фаолият.

Тасаввур – сезги органларга қачонлардир таъсир этган предметлар ва ҳодисаларнинг яққол ҳиссий образи.

Хотира – тажрибада бўлган нарса ва ҳодисаларни эсда қолдириш, эсда сақлаш ва керак бўлса, унутиш.

Эмоция(лот. – ҳаяжонлантираман, изтироблайман) – ҳис-ҳаяжон, туйғунинг бир тури бўлиб, у ёқимли ва ёқимсиз кечинмалардан иборат.

Эҳтиёж – инсон ҳаётини таъминлашга зарур бўлган фаолият, қондирилмаган муҳтожликни сезиш.

Эмпатия(инг. – ҳамдардлик, ўзини бошқаларни ўрнига қўя олиш) – инсон бошқалар ҳис-ҳаяжони, ғам-ташвиши, қийинчиликларига эмоционал жавоб қайтариш.

Ўйин – инсон фаолиятининг тарихан таркиб топган, асосан, тараққиётнинг болалик даврига хос бўлган махсус тури.

Қизиқиш – кишининг билиш эҳтиёжларини эмоционал намоён бўлиши билан боғлиқ бўлган мотив.

Ҳаёл – мавжуд тасаввурларимизга асосланиб, аввал идрок қилмаган, турмуш тажрибамизда учрамаган нарса ва ҳодисаларнинг образларини яратишдан иборат бўлган онгли фаолият.

Ҳаракат – мақсадга мувофиқ йўналтириб, онгли равишда амалга ошириладиган фаолиятлар йиғиндиси.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А “Миллий истиқлол ғояси” Тошкент 2000 йил.
2. И.Каримов. “Баркамол авлод орзуси” Тошкент – 1999 й. 148-159 бет.
3. Авлоний А. «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ»- Тошкент. «Ўқитувчи» 1992 й.
4. Аристотел. «Метафизика» В кн. : Сто великих книг. Москва. 2000 й.
- 5.. Азизова А.Педагогик таъсир таълимнинг долзарб муаммосидир. Тош. 1992й.
6. Аскархужаев А.А.Вохидов М.В “Болалар психологияси очерклари” 36- 61-94-96-170-бетлар. “Тошкент” 1964-й.
7. Акрамова Ф.А Каримова М.В. “Психология” маърузалар матни.48-49-90-99-бетлар “Тошкент” 2000-й.
8. Асқархўжаева А.А Вохидов М.В. Лебентуев П.И. “Болалар психологиясидан очерклари” Тошкент. Нашриёт “Ўқитувчи” 1964й. 105-122 бетлар.
9. Баранов С.П. таърири остида. Педагогика «Ўқитувчи» 1997 й 93-96-150-160-161 б
10. Бобохонов А, Махсумов А. «Абдулла Авлонийнинг педагогик фаолияти ва таълим-тарбия тўғрисидаги фикрлари Тошкент. «Ўқитувчи». 1966 й.
11. Боно Э. «Учите вашего ребенка мыслить». (Пер.с англ), Минск. 1998 й.
12. Вохидов М. “Болалар психологияси” Тош. Ўқитувчи. 1982й.
13. Гомезо М.В. таърири остида “Психология курси” Тошкент. Ўқитувчи нашриёти. 1972й.
14. Гонаболин В.А. «Педагогик психология асослари», Тошкент. «Ўқитувчи» 1976й
15. Давлетшин М.Г. Ёш психологияси ва педагогик психология асослари Тошкент. “Ўқитувчи” нашриёти. 1974й.
16. Давлетшин. М.Г. Психологиянинг педагогик олий ўқув юртиларида ўқитилиши ва янги концепцияси. Т.П.ДУ. нашриёти. 1977й.
17. Давлетшин М.Г. “Замонавий мактаб ўқувчисининг психологияси”. Тошкент – 1999, 5-11 бетлар.
18. Давлетшин М.Г.“Таълимнинг психологик асослари” Тошкент. Ўқитувчи, 1978й.
19. Давлетшин М.Г. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва олий мактабда психология фанини ўқитишни такомиллаштириш муаммолари. Олий педагогик ўқув юртиларини ўқув жараёнига педагогик технологияларни тадбиқ этишнинг илмий асослари» Тошкент. 2000 й.
20. Дьюи Д. «Психология и педагогика мышления». Москва. 1998 г.
21. Иномова М. «Оилада болаларнинг маънавий ахлоқий тарбияси». Тошкент. 1994 й.
22. Каримова В.М. “Психология” маърузалар матни Тош. 2002й.
23. Крутецкий “Педагогик психология асослари ” Тош. Ўқитувчи. 1976й.
24. Мушарраф. З.Э “Мактабгача таълим талабаларини педагогик фаолиятга психологик тайёрлаш” Қўқон. 2000 й.
25. Марцинковская Д.Т. “История детской психологии”. Москва 1998й.
26. Мунавваров А.Қ. “Педагогика” Тошкент 1996 йил.

27. Мактабгача таълим, Илмий методик ойлик журнал 7-8 сон 200 йил июл-август. 1-3 бетлар.
28. Мунавваров З, Аббосова А «Калом илмининг сарбони» Ҳалқ сўзи. 2000 й.
29. Нишонов З.Т. Ёшларнинг мустақил фикрлаш ҳақидаги қарашларининг таҳлили. Т.ЎЗПФТИ. 1999й.
30. Нишонов З.Т, «Болаларга маънавият ва ахлоқ асосларини ўргатишнинг психологик муаммолари». Тош. 1999 й.
31. Петровский А.В. “Умумий психология” Тош. Ўқитувчи. 1992й.
32. Платонов К.К, Голубов Г.Г Тошкент «Ўқитувчи» 1982 й.
33. Рогов Е.И “Настольная книга практического психолога” Москва. 1999й.
34. Республика илмий-методик конференциясининг материаллари. Тошкент. 2000 йил. 63 бет.
35. Реан А.А. Коломинский Я.Л. «Социальная педагогическая психология» Санк-Петербур. 2000 й.
36. Рубинштейн С.Л. «Основы общей психологии». Москва. 2000 й.
37. Стилл Ж.,Меридис К, Темпл Ч, «Танқидий фикрлашни ривожлантиришга ёрдам берадиган кейинги усуллар». Тош. 2000 й.
38. Теплов В.М. “Проблемы индивидуальных различий” Москва1961й.
39. “Тафаккур” журнали 2000йил 2-сон 48-49бет.
40. Усмонова Э.З Ўқувчиларда мустақиллик тафаккурини қандай шакллантириш мумкин? Тошкент 2000 й 21-22 б
41. “Ўзбекистон истедодли болалари”. Республика илмий-амалий конференциясининг материалларидан. “Термиз”1992 йил. 82-бет.
42. Ҳалқ таълими илмий методик журнали 7-8 сонлар 1995 й. 44 бет.
43. Ҳалқ таълими 9-12 сонлар 95 й. 25-44 бетлар.
44. Ҳалқ таълими 1 сон 99 й. 33-85 бетлар.
45. Ҳалқ таълими 2-3 сонлар 99 й. 97 бет.
46. Ҳалқ сўзи газетаси 1999йил 28-август.
47. Ҳалқ таълими журнали 2-3 - сонлари. 1999 й
48. Шчербоков А.И. “Ёш психологияси ва педогогик психологиядан практикум”
49. Ғозиев Э. “Психология” Тошкент. 1994 й.
50. Ғозиев Э, Тулаганова Т. “Педогик психология асослари” Тош. “Университет” 1997йил 57-59бет.

МУНДАРИЖА

1. Кириш.....	3
2. Педагогик психология фанининг предмети	4
3. Педагогик психология фанининг методлари	8

1. Боб. Таълим психологияси

1.1. Ўқувчининг психик тараққиёти ва таълим	14
1.2. Билимларни ўзлаштиришнинг асосий қонуниятлари.....	20
1.3. Ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.....	26
1.4. Ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришдаги индивидуал фарқлар.....	38

2. Боб. Тарбия психологияси.

2.1. Тарбия психологияси	49
2.2. Бола шахси ва унинг ривожланиши.....	58
2.3. Ўқувчи шахсининг жамоада шаклланиши.....	68
2.4. Ўқувчи мотивлари ва унинг шаклланиши.....	72

3. Боб. Ўқитувчи психологияси.

3.1. Қобилиятларни шакллантириш.....	77
3.2. Буюк шарқ таълимотида ўқитувчи психологияси.....	83
3.3. Ҳозирги замон ўқитувчиси психологияси.....	86
3.4. Мустақиллик шароитида зиёлилар психологияси.....	89
3.5. Атамаларга берилган таърифлар.....	96
3.6. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	102

«Педагогик психология»

ўқув қўлланма

Нашр учун масъул:

Ҳ.Жўраев - ф.ф.н., доцент.

Компьютер макети:

Г.М.Қодирова.

Теришга берилди: _____. Босишга рухсат этилди _____.

Бичими 60x84 (1/16). 6,5 босма табақ.

Буюртма № 100 адади 200 нусха

Фарғона Давлат университети босмахонаси, Фарғона шаҳри,
Б.Усмонхўжаев кўчаси – 19.

2,107,4,105,6,103,8,101,10,99,12,97,14,95